

O'ZBEKISTON

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№12, 2023

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal

**Aziz yurtdoshlar,
agrar soha mehnat-
kashlari, barchangizni
qo'shaloq bayram —
O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasining
31 yilligi hamda
Qishloq xo'jaligi xodim-
lari kuni bilan samimiy
tabriklaymiz.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ



Абдулла ОРИПОВ шеъри
Мутал БУРХОНОВ муסיқаси

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақарот:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот, зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақарот:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

(1992 йил, 10 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Юқори Кенгашининг
11-чақиригида қабул қилинган)



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган барча заҳматкаш инсонларни, бутун халқимизни қутлуғ байрам – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ердан мўл ҳосил етиштириш – бу чинакам жасорат ва матонат намунасидир.

Халқимиз сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, тажрибали чорвадор ва пиллакорлар, жонкуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олижаноб меҳнатининг юксак қадрлайди.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қадимий анъаналарга эга бўлган ўзбек деҳқончилик мактаби ривожланмоқда, аграр соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг тасдиғини бу йил мамлакатимизда илк бор 8 миллион 200 минг тонна ғалла, 3 миллион 800 минг тонна пахта, 15 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 26 минг тонна пилла етиштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ана шундай фидокорона меҳнат ва улкан натижалар учун сизларга эл-юртимиз номидан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизда асосий эътиборни сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг

муҳими, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратмоқдамиз. Шу мақсадда 800 дан зиёд агрокластерлар ташкил этилди. Бугунги кунда пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи айнан улар томонидан етиштирилмоқда.

Бу йил дала меҳнаткашларига 10 минг 500 дан ортиқ юқори унумли техника ва агрегатлар етказиб берилди. Соҳага рақамлаштириш жараёнлари, томчилатиб суғориш технологиялари, инновациялар жадал кириб бормоқда.

Чўлланиш, ерларнинг шўрланиши ва деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунгача 500 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилинган ва қарийб 1 миллион гектар ернинг сув таъминоти яхшилангани ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасидир. Жорий йилда қўшимча равишда 100 минг гектар ер фойдаланишга киритилиб, озиқ-овқат экинлари экилгани, мевали боғ ва тоқзорлар барпо этилгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги ана шундай ўзгаришлар жараёнида аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда охириги икки йилда 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар юртдошимизга танлов асосида берилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 миллион тонна маҳсулот етиштирилди.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим вазифаларни белгилаб олди. Жумладан, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар асосида маҳсулот таннархини 30-35 фоизга тушириш, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларни 1 миллион 500 минг гектарга етказиш, сифатли ва серҳосил навларни, зотдор чорва наслини кўпайтиришга, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга устувор аҳамият берилади.

Биз ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизлар каби катта билим ва тажрибага эга, миришкор ва омилкор инсонларга таянамиз.

Ўз навбатида, давлатимиз ва жамиятимиз соҳани янада равнақ топтириш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳлининг ҳаётини обод ва фаровон қилиш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларни сафарбар этади.

Сиз, азиятларни бугунги байрам билан яна бир бор қўтлаб, жонажон юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлидаги эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Хонадонларингизни хурсандчилик, тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака ҳеч қачон тарк этмасин!

Доимо соғ-омон бўлинг, азиятлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

АНЖУМАН

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – МАМЛАКАТ ДАСТУРХОНИ

Халқимиз ризқ-рўзини яратувчи захматкаш қишлоқ хўжалиги ходимлари ўз касб байрамларини нихоятда хурсандчилик ва шуқуҳ билан нишонламоқдалар. Яқунланаётган деҳқончилик йилида табиатнинг турли инжиқликларига қарамасдан, омилкорлик билан иш тутиб юксак натижаларга эришган соҳа меҳнаткашларига бундай байрамлар ярашади, албатта. Зеро, мақтовга арзигулик пахта ва ғалла хирмонлари, бозор ва дўконларимиздаги тўкин-сочинлик замирида бободеҳқоннинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати мужассам.

Жорий йил 9 декабрь кuni Қишлоқ хўжалиги вазирлигида байрам муносабати билан тантанали анжуман бўлиб ўтди. Унда соҳанинг барча тармоқлари вакиллари, олим ва тадқиқотчилар, меҳнат фахрийлари, шунингдек, Олий Мажлис сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этишди. Анжуманда Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига йўллаган табригини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Байрам табригида давлатимиз раҳбари “Ҳозирги

ўта мураккаб шароитда кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ердан мўл ҳосил етиштириш – бу чинакам жасорат ва матонат намунасидир. Халқимиз сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, тажрибали чорвадор ва пиллакорлар, жонкуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олижаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди” деб қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ўз эҳтиромини баён этган.

Тадбирда, шунингдек, бир гуруҳ юртдош-



ларимизни “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Анжуманда Президент маслаҳатчиси Шухрат Ғаниев, Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров иштирок этди.

Санъат намояндаларининг куй-қўшиқлари йиғилганларга янада кўтаринкилик бағишлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари давом этмоқда.

Тоҳир ДОЛИЕВ,
ўз мухбиримиз.



Сўнгги йилларда Президентимиз бошчилигида аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича жадал олиб борилган тизимли тадбирлар самараси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимизда илгари кузатилмаган юксак натижаларга эришилмоқда. Бу жараёнда қишлоқ хўжалигига инновация ва илғор ишланмалар, интенсив ва ресурстежовчи технологиялар, умуман, замонавий фан-техника ютуқларининг изчил татбиқ қилинаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди”.

АГРАР СОҲА РАВНАҚИ — ДЕҲҚОН ВА ОЛИМ ҲАМКОРЛИГИДА



Шу боис, омилкор деҳқонларимиз кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, замонавий билимларни ўзлаштирган ҳолда йил – ўн икки ой фидокорона меҳнат қилишиб, мақтовга арзигулик ютуқларни қўлга киритишаётир. Маълумки, деҳқон аҳли йил бўйи табиат билан тиллашиб зироатчилик қилади. Жорий йилнинг аномал совуқ билан бошланиши, баҳордаги кучли жала ва ёгингарчиликлар, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сувнинг ҳар йилгидан сезиларли даражада камлиги соҳа меҳнаткашларига жиддий ноқулайликлар туғдирди.

Лекин давлатимизнинг қишлоқ хўжалиги раванқига қаратилган алоҳида эътибори, деҳқон ва фермерларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар боис соҳанинг барча тармоқларида олдинги йилларга нисбатан салмоқли ютуқларга эришилди. Масалан, деҳқонларимиз жорий йилда 3 млн. 800 минг тонна пахта, 8.5 млн. тонна ғалла хирмони яратдилар. Шунингдек, 15 млн. тоннадан ортиқ сабзавот-полид, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна картошка етиштирдилар. Соҳанинг бошқа тармоқларида ҳам шундай ўсиш кузатилмоқда.

Рақамлардан тийилган ҳолда, соҳада эришилаётган юксалишлар омилларига тўхталиб ўтмоқчиман. Жорий йилда аграр соҳада бир қанча маъмурий ислохотлар амалга оширилди. Соҳа бошқарувидаги тарқоқ функциялар, вазифалар ва ваколатлар ягона тизимга

уйғунлаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни, хусусан, чорвачилик ва иссиқхона хўжаликларини, пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда узумчилик ва виночилик соҳасини барқарор ривожлантириш, хомашё базасини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш, аграр секторни замонавий, ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш бўйича янги механизмлар жорий этилди.

Шунингдек, маҳсулот етиштирувчиларда ихтиёрийлик асосида экинларни мустақил жойлаштириш, давлат идоралари аралашувини бекор қилиш, фермерларга эркинлик бериш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Замонавий илм-фан ютуқларига асосланиб, агротехник тадбирларни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришни молиялаштириш тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ҳам ўз самарасини бермоқда.

Асосий масалалардан бири бўлган тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлар деградациясига қарши курашишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва соҳа экотизимининг барқарорлигини сақлашга қаратилган кенг қўлланма чора-тадбирлар натижасида экинлар ҳосилдорлиги ортиб бораётир. 2023 йилда 100 минг гектар ернинг эса тупроқ таркиби яхшиланиб,

қайта фойдаланишга киритилди ва бу ерларга озиқ-овқат экинлари экилди, мевали боғ ва тоқзорлар барпо этилди.

Натижада, соҳага замонавий илмий ва инновацион ишланмаларнинг изчил татбиқи этилаётгани, гумусли биоўғитлардан самарали фойдаланилаётганлиги боис тупроқларимиз унумдорлиги ошиб, ҳосилдорлик пахтачиликда 10 фоиз, ғаллачиликда 20 фоиз, сабзавот-полиэкинларида 25-30 фоизгача ортди.

“ Мамлакатимиз аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу борада халқимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз-ўзидан таъминлаш баробарида янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, сўнгги икки йилда қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар фуқароларга бўлиб берилди. Натижада, қарийб 2,2 млн. нафар мавсумий ва доимий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 млн. тонна маҳсулот етиштирилди. Бу ҳам дастурхонларимизнинг тўкин-сочин бўлишида маълум маънода ҳисса бўлиб кўшилаётир.

Умуман олганда, 2023 йилда соҳада 3 млн. нафарга яқин қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромад манбаи таъминланди.

Халқимизда “Гап сариштада” деган пурмаъно ибора бор. Бундан йигирма-ўттиз йил муқаддам ва ундан олдин ҳам соҳибкорларимиз етиштирган мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, яқин-олис бозорларга етказиш масалалари ниҳоятда қониқарсиз аҳволда бўлганлиги сабабли пишиб етилган ҳосилнинг учдан бир қисми нест-нобуд бўлар эди. Эндиликда қишлоқ жойларида ҳам замонавий савдо, логистика марказлари, маҳсулотни чуқур қайта ишлаш, сақлаш корхоналарининг сони ортиб борапти. Пировардида булар халқимизни йил бўйи сархил мева-сабзавот билан таъминлаш баробарида аграр соҳанинг ривожланишига ва экспорт имкониятларининг кенгайишига замин бўлиб хизмат қилаётир. Жорий йилда мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватлари 3,3 млн. тоннага, агрологистика марказлари сони 76 тага ва қуввати

эса қарийб 1 млн. тоннага етказилди.

Ушбу йилда мамлакатимиз соҳибкорлари саксонга яқин хорижий давлатга қиймати қарийб 1,5 млрд. доллардан ортиқ маҳсулотларни экспорт қилишди. Эндиликда ўзбек деҳқони етиштирган турли ноз-неъматлар дунёнинг барча қиъталарига етиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан, пахтачилик, ғаллачилик, тўқимачилик, касана-чилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачиликда 800 дан ортиқ агрокластерлар фаолият юритиб келмоқда. Пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоизидан ортиғи айнан кластер усулида етиштирилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида бу усул тобора такомиллаштирилиб борилаётир. Давлатимиз раҳбари 9 ноябрь куни пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳосилдорликни ошириш чоратадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида шулар ҳусусида батафсил тўхталиб ўтди, янги таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлади. Хусусан, кластерлар ва фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланмоқда. Бундан буён фермерлар бир вилоят ҳудудидаги исталган кластер билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлади. Хуллас, тизимдаги янгиликлар соҳа равнақини белгилаб, келгуси йилда пахта толаси тўлиқ қайта ишланиб, қиймати 9,6 млрд. долларга етказилади. Экспорт миқдори эса 4,5 млрд. долларни ташкил этишига эришилади.

Соҳада замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўрни бекиёсдир. Бежизга халқимиз “Техника – деҳқоннинг қаноти” деб айтмайди.



Бу борада соҳада техника таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўзида 2,5 трлн. сўмлик 10,5 минг дан ортиқ юқори унумли

техника ва агрегатлар кластер, фермер ва деҳқонларга етказиб берилди.

Пировардида чигит экиш мавсуми 20 кундан 8 кунга, ғалла ўрим мавсуми 30 кундан 16 кунга қисқариб, шудгорлаш ишларини 20-25 кунда якунлаш имконияти яратилди.

Тизимли ишлар натижасида Янги Ўзбекистон даврида илк марта етиштирилган ҳосилнинг 25 фоизи машиналарда териб олинди.

“ Чорвачилик тармоқларида ҳам янги тизимлар жорий этилиб, давлат томонидан чорвадорларимизга катта имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Жорий йилда хорижий мамлакатлардан юртимизга 70 минг бош насли қорамол, 180 минг бош қўй-эчки ва 2 млн. бош жўжа келтирилди. Бу чора-тадбирлар натижасида республикамизда зоти яхшилانган қорамоллар улуши 74 фоизга, ҳудудларда йирик чорвачилик комплекслари сони эса 540 тага етказилди. Ваҳоланки, уларнинг сони 2019 йилда атиги 50 тани ташкил этарди. Бозор ва дўконларда гўшт ҳамда сут маҳсулотлари турлари кўплиги, нархнаво мўътадиллиги мана шу каби саъй-ҳаракатлар маҳсулидир.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби аграр соҳани жадал рақамлаштириш масаласига ҳам давлатимиз томонидан катта эътибор қаратиб келинаётир. Ўтган икки йилда янги 10 та ахборот ва геоахборот тизимлари жорий этилиб, соҳада маълумотларнинг аниқлигини ошириш, маълумот йиғиш жараёнларида инсон омилини қисқартиришга эришилди. Бу борадаги ишларимиз келгусида ҳам изчил давом этади.

Бугунги кунда бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам содир бўлаётган иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг тобора танқислашуви, чўллашув даражасининг ошиши кўп тармоқли аграр соҳа меҳнаткашлари ва олимлари олдига кўплаб муаммолар ечимини топиш масаласини қўймоқда.

Бу каби хавфларнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани ресурс тежайдиган ва юқори унумли янги техникалар билан узлуксиз таъминлаб бориш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида агротехнологияларни жорий этиш, ҳақиқий бозор механизмларини жорий қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда етук билимга эга мутахассислар

тайёрлаш олдимиздаги устувор вазифалардан бўлиб қолаётир.

Мана шу каби долзарб қаҳриқлар билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланишида логистика тармоқларимизнинг чегараланганлиги – арзон денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятларимизнинг йўқлиги ҳам бизни умуман янги қарашлар билан ишлашимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Аслида, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир ана шундай қаҳриқлар “янги имконият” деб қабул қилиниши ва инновацион ёндошувга асосан ривожланиш нуқтасига айлантирилиши лозим. Ўйлаб қаралса, шу биргина қаҳриқнинг ўзи яъни мамлакатнинг “икки марта куруқлик билан қулфланганлиги” она заминимизни технологик хавфлардан ва зарарлардан ҳоли сақлаб турганлиги, провардида, дунё бозорларини қимматбаҳо, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги энг катта имкониятимиздир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг дунё бозоридаги янги имконияти ва устунлиги ҳам шунда.

“ Мана шундай янги имкониятлардан фойдаланишнинг, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат ва жозибадорликни таъминлашнинг бирдан-бир йўли бу – соҳага илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш ҳамда ҳар қандай қаҳриқларга имконият кўзи билан қарашга интилишдир. Сабаби, аграр соҳанинг кўп минг сонли меҳнаткашлари олдида халқимизни турли ноз-неъматлар билан узлуксиз таъминлаш, маҳсулот етиштириш миқдорини ошириб бориш орқали мамлакат иқтисодий ўсишига эришиш каби кўплаб устувор масалалар турибди. Мен шу соҳанинг вакили сифатида заҳматкаш деҳқон аҳлининг, саботли ва фидойи олимларимизнинг бундан кейин ҳам зиммаларидаги вазифаларини сидқидилдан бажаришига аминман.

Фурсатдан фойдаланиб, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаётган заҳматкаш деҳқонлар, фермерлар, кластерлар, чорвадор пиллакорлар, меҳнаткаш сувчи, агроном ва механизаторлар, фидойи олимлар ҳамда соҳанинг барча меҳнаткашларини бугунги касб байрамлари билан муборакбод этаман.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири,
академик.

Бутун дунёда кузатилаётган сув тақчиллиги мамлакатимизда ҳам ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат эндиликда мавжуд сув манбаларидан ўта тежамкорлик билан фойдаланишимизни тақозо этапти. Маълумки, юртимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, катта қисми эса қўшни давлатларда шаклланади. Хуллас, сув масаласи яқин келажақдаги долзарб муаммо эканлиги кундай равшан бўлиб қолди. Ҳозирданоқ етишмай турган сув миқдори 2030 йилга бориб бугунги даражадан яна 15 млрд. куб.метрга камайиши мумкин.



ДЕҲҚОН АҲЛИГА КАМАРБАСТАМИЗ



Президентимиз Ш.Мирзиёев раислигида 29 ноябрь куни “қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу масала атрофида муҳокама қилинди. Президентимиз соҳа ходимларига келгусида сувни тежаш бўйича тегишли тавсия ва таклифларини берар экан, 2024 йилни “Каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” деб эълон қилди.



Эндиги вазифамиз Юртбошимиз томонидан зиммамизга юклатилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли қилиб адо этишдан, барчамиз масъулият ҳиссини бир дақиқа ҳам унутмаган ҳолда ишлашдан иборат. Зеро, замон ва табиий шароитнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Бизнинг Қарши насос станциялар каскадимиз қашқадарёлик деҳқон ва боғбонлар учун асосий сув манбаларидан биридир. Мазкур сув иншооти эллик йилдан буён Туркменистон давлати ҳудудидан ўтувчи трансчегаравий дарё ҳисобланган Амударёдан 4,5 млрд. м³ ҳажмдаги сувни олади ва 6 та йирик насос станциялари ёрдамида 132 метр баландликка кўтариб, Миришкор ва Қарши магистрал каналлари орқали Қашқадарё вилоятининг 7 та – Нишон, Қарши, Миришкор, Муборак, Касби, Косон, Ғузор туманларидаги 392 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш суви, саноат ва энергетика корхоналарини эса техник сув билан таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Бошқармамиз таркибида 14 та насос станцияси мавжуд бўлиб, шундан, 6 та насос

станцияси ва бошқа ёрдамчи ускуналар Туркменистон ҳудудига жойлашган. Қолган 8 та насос станцияси Қашқадарё вилоятидадир.

Давлатимиз раҳбарининг қўшни давлатлар билан олиб бораётган яқин дўстлик алоқалари фаолиятимизда анча ноқулайликларни бартараф этди. Эндиликда биз туркман қардошларимиз билан самимий ҳамкорликда ишлаб келямиз. Бу ишимизнинг самарадорлигини орттиряпти, албатта.

Айни кунларда халқимиз бош қомусимиз бўлган Конституция кунини ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари байрами кўтаринки руҳ билан қарши оляпти. Мен кўп сонли жамоамиз мироблари номидан юртдошларимизни, жумладан, аграр соҳанинг барча тармоқлари меҳнаткашларини мазкур қўшалоқ байрам билан самимий табриклайман. Келгуси йилларда ҳам деҳқончилигимиз баракали бўлишини тилайман.

Илҳом ҚУРБОНОВ,

Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси сенати аъзоси.

ЭЪТИРОФ ВА ИШОНЧ БИЗГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ



Самарқанд туманидаги “Навобод насли парранда” фермер хўжалиги ҳам бугун ҳудудда саноатни, қишлоқ хўжалигини муайян ривожлантириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва меҳнат бозорига барқарор мувозанат асосидаги тараққиёт йўлидан бораётган, кластер усулида узум етиштириш, узумни қуриштириш, қадоқлаш ва экспорт қилиш ҳамда насли паррандачилик, парранда озуқасини ишлаб чиқариш борасида катта салоҳиятга эга йирик субъектлардан.

Бугун юртимизда аграр соҳада, хусусан, деҳқончиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган, бозорларни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшаётган ҳамда, албатта, соҳада фидойилик билан кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлаётган миришкорлар бисёр. Самарқанд туманидаги “Навобод насли парранда” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби Ҳайдар Ўроқов ҳам ана шундай кўп ташаббуслар кўрсатиб, фидойилиги билан атрофдагиларга ўрнак ва намуна бўлаётган тадбиркорлардан саналади.



– Юртимизда бошқа кўплаб соҳалар қатори фермер ва кластер хўжаликлари ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугун, шубҳасиз, уларнинг манфаатларини муҳофазалашнинг тегишли ҳуқуқий асоси яратилган. Натижада, соҳа эгалари пахта, ғалла, мева-сабзавот, чорва маҳсулотлари етиштиришда, умуман, қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида катта муваффақиятларга эришмоқда, – дейди Ҳайдар Ўроқов. – Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатимиз эътироф этилаётганлиги ва билдирилаётган ишонч бизга шижоат бағишлайди. Фурсатдан фойдаланиб, мен катта кўтаринкилик билан нишонланаётган Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунги муносабати билан барча заҳматкаш фидойи касбдошларимимизни табриклайман. Келгуси йилларда ҳам ҳосиллар мўл бўлиб, юзимиз ёруғ бўлсин!



Албатта, эътироф этиш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча фидойиларнинг заҳматли меҳнати сабаб, тармоқлар ривожланмоқда, экспорт ҳажми ортиб, пировардида ҳудудларнинг моддий манфаати, фаровонлиги, рағнақи ва эртанги кунга бўлган ишончи ошмоқда.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
Ўз мухбиримиз.

Суратда: “Навобод насли парранда” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби Ҳайдар Ўроқов.

ДЕҲҚОН ҲАМИША ҚАДРЛИ

Собиқ иттифоқ даврида деҳқончиликда пахта яккаҳокимлиги устувор бўлган бўлса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг аграр соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Боғдорчилик ва узумчилик янада ривожланди, мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириладиган майдонлар кенгайди, чорвачиликка эътибор кучайди. Бу албатта ҳалқимиз дас-турхонининг тўкин-сочин бўлишига олиб келди. Бунинг учун республикамиз раҳбарияти, Қишлоқ ҳамда Сув хўжалиги вазирликлари, тегишли илмий-тадқиқот институтлари олим ва мутахассислари тинмай меҳнат қилишлари, аграр соҳага янги технологияларни олиб кириш билан бир вақтда деҳқон ва фермерларнинг онгини, ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришлари зарур эди. Шундай мураккаб вақтда республика аграр соҳасини бошқариш масъулияти Туроб Холтаевнинг зиммасига тушди...

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун муносабати билан муҳабиримиз Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг собиқ ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги собиқ вазири Туроб Холтаевич билан учрашиб, унинг мулоҳазаларини ёзиб олди.



— Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан буён декабрь ойининг иккинчи якшанбаси қишлоқ хўжалиги ходимлари касб байрами сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида эришилган ҳар бир катта-кичик ютуқ давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳалқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Аграр соҳа вакиллари турли давлат мукофотлари билан мунтазам равишда тақдирланиб келаётганлиги ҳам республикамиз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига нақадар катта эътибор кўрсатилаётганлигининг ёрқин мисolidир. Маълумки, қишлоқ хўжалиги кўптармоқли соҳа бўлиб унинг кўплаб йўналишлари мавжуд ва ҳар бири алоҳида эътиборни талаб этади. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ўрмончилик ва иссиқхоналарга, йилқичилик ва балиқчиликка, хуллас, барча тармоқларга

эътибор ортганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг изчил ривожланишида Олий Мажлис томонидан аграр соҳага оид қонун ва қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиб борилиши ҳам катта роль ўйнамоқда. Соҳанинг равнақ топишида Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари Кенгашининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Жорий йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши таълим-тарбия йўналишида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларни янги поғонага кўтарди. Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригация ва механизациялаш муҳандислари институтига Миллий тадқиқот университети, Қорақалпоғистон Республикаси ва тўртта вилоятда фаолият юритаётган, илгари Тошкент давлат аграр университетининг филиали ҳисобланган бешта олий ўқув юртига институт мақоми берилиши ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасига кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин мисолидир.

Мамлакатимиз аграр соҳасининг изчил ривожланишида хорижий тажрибаларни ўрганиш, чет мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгроқ йўлга қўйиш, кадрлар алмашиш каби ишларни кўриб хурсанд бўласан киши. Айниқса, кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари билан илиқ муносабатлар ўрнатилганлиги барчамизни қувонтирмай қўймайди, албатта. Бунда Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг улкан хизматлари борлигини алоҳида қайд этиш лозим деб ҳисоблайман. Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи унинг дунё ҳамжамиятида тутган нуфузли ўрнининг ёрқин намоиши бўлди.

Туроб ака бир дақиқа сукут сақлар экан, сўзида давом этди:

— Яқинда Тошкент давлат аграр университетида академик Эркин Шайхонинг 96 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш” ҳамда уч авлод учрашуви мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида иштирок этар эканман, унда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар, мутахассис ва талабаларнинг сўзларини тинглаб, уларнинг салоҳияти нақадар юксалганлигининг гувоҳи бўлдим. Сўзга чиққан талабаларни тинглаб, қаттиқ таъсирландим ва айнан шу ёшлар, Президентимиз айтганидек, Учинчи Ренессанс асосларини яратишларига ишонч ҳосил қилдим. Дарҳақиқат, Юртбошимиз олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсат натижасида мамлакатимизда йилдан-йилга ишлаш, ўқиш, илм билан шуғулланиш, ижод қилиш учун мисли кўрилмаган шарт-шароитлар яратилмоқда. Буларнинг барчасини кўриб, Аллоҳга шукур айтаман.

Илгари тушимизда ҳам кўрмаган кўп қаватли бинолару равон кўчалар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган боғчаю мактаблар, одам ҳавас қилса арзигулик дам олиш масканлари кўзни қувонтиради. Асосийси, буларнинг барчаси фақат пойтахтимиз Тошкентда эмас, балки бутун мамлакат бўйлаб қад кўтармоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб бормоқда. Буларни кўриб, эшитиб, шукур қилар эканман, ёшларимиз шунга муносиб одоб-ахлоқли, таълим-тарбияли, буюк келажакимизга муносиб бўлишларини тилаб қоламан.

Барчамизга байрам муборак бўлсин!

– Таҳририят номидан Сизни ҳам касб байрамингиз билан муборакбод этаман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

*Сухбатни ўз мухбиримиз
Маҳмудхон ТОИРОВ
ёзиб олди.*

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ



Глобал иқлим ўзгаришларининг оқибатлари сайёраимиз, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам жиддий хавфга айланиб бормоқда. Орол муаммоси мисолида оладиган бўлсак, Марказий Осиёдаги вазият ҳам кескин эканлиги намоён бўлади. Минтақада ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўп.

Ер – қиноват туш.

Алишер ЖАВОНИЙ.

Шундай долзарб экологик муаммолар жорий йил 30 ноябрь – 12 декабрь кунлари Дубай шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича 28-конференциясида кенг муҳокама қилиниб, аниқ таклифлар илгари суриляпти. Давлатимиз раҳбари ҳам мазкур Саммитнинг 1 декабрь куни бўлиб ўтган асосий ялпи сессиясида иштирок этиб, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари, жумладан, тупроқ деградацияси барқарор ривожланиш йўлидаги энг асосий таҳдидга айланганини таъкидлади.

Эндиликда жаҳон ҳам-жамияти ушбу муаммоларнинг ечимлари хусусидаги чоратадбирларни ҳамжиҳатликда, яқдил бўлиб амалга ошириши лозим. Зеро, бу муаммолар пировардида озиқ-овқат хавфсизлигига бориб тақалади. Боиси, ҳаво ҳарорати ўзгаришидан тортиб, сув тақчиллиги, чўлланиш, қурғоқчилик, атмосфера ифлосланиши каби омилларнинг бари бевосита озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Шундай жиддий масалалардан бири тупроқ деградациясидир. Яъни саҳроланиш, қурғоқчилик таъсирида заминимиздаги аксарият тупроқ емирилиб, унумдорлигини йўқотмоқда. БМТ таҳлилларига кўра, жаҳондаги ер ресурсларининг 40 фоизга яқини деградацияга учраган. Ваҳоланки, сайёраимизда тупроқнинг унумдор юзасида инсоният учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 фоизи етиштирилади. Қолган қисми дарёлар, денгизлар, океанлар ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда 100 дан ортиқ мамлакатнинг 1 миллиарддан зиёд аҳолисининг саломатлиги ва ижтимоий ҳаёти хавф остида қоляпти.

Тупроқ деградациясининг салбий оқибатлари юртимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонларда ҳам мавжуд. Улар сирасига шўрланиш, эрозия, гумус ва озуқа элементларининг камайиши, турли кимёвий воситалар билан ифлосланиши каби оқибатларни киритиш мумкин. Мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи турли даражада шўрлангани, 70 фоизга яқин тупроқ устки қатламида

гумус миқдори бор-йўғи 0,5 – 1 фоизни ташкил этиши, 600 минг гектар яйлов ер деградацияга учраганини сўнгги тадқиқотлар яққол кўрсатмоқда.

Муаммога ечим бериш учун, аввало, уни таҳлиллар асосида аниқлаш лозим. Юртимиз қишлоқ хўжалигига илм-фан ва замонавий технологияларнинг кенг жорий этилаётгани бунга замин яратмоқда. Хусусан, тупроқшуносликка оид тадқиқотларда тупроқ деградацияси билан боғлиқ қатор ҳолатлар аниқланиб, жиддий ўрганиляпти.

Ҳозир Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида амалга оширилаётган 13 та илмий амалий лойиҳалар тупроқ хосса-хусусиятларини яхшилаш, мелиоратив ҳолатини барқарорлаштириш, тупроқларни органик моддага бойитиш, минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш, тупроқлар зичлашиши ва ифлосланишининг олдини олиш, эрозияга қарши курашиш бўйича ресурстежамкор технологиялар ва илмий ечимлар ишлаб чиқишга қаратилган. Табиийки, улар орқали мавжуд муаммолар бўйича илмий асосланган ва замонавий усул-

лардан иборат аниқ таклифлар илгари сурилади.

Масалан, бугунги кунда суғориладиган тупроқнинг қарийб 47 фоизи турли даражада шўрланишга учраган. Муаммони ҳал қилиш учун интеграциялашган қишлоқ хўжалиги технологиясини ишлаб чиқишни таклиф этганмиз. У тупроқ шўрланишини самарали бошқариш учун турли техника ва амалиётларни бирлаштиришни ўз ичига олади. Бунда тупроққа инновацион биологик фаол моддалар киритиш, майда ёпиқ дренажлаш тизимини қўллаш, фитомелиорация усулларида фойдаланиш ҳамда шўр сувни чучуклаштириш, яъни тескари осмос орқали шўрсизлантириш каби технологиялардан бир-галикда фойдаланиш кўзда тутилган. Бу каби инновацион амалиётлар тупроқ тузилишини яхшилаб, шўрланиш даражасини камайтириш баробарида сувни тежашга ёрдам беради.

Бугунги кунда институти-мизда “Тупроқ шўрланишига қарши курашишнинг интеграциялашган агротехнологиясини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси тайёрланмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида тупроқ шўрланишига қарши курашда юқорида келтирилган бир неча илғор технологияларни интеграциялашган ҳолда қўллаш орқали юртимизда тупроқ шўрланишига қарши курашиш бўйича янги, илмий асосланган агротехнология ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Қолаверса, бу йўналишдаги бошқа муаммоларга ҳам энг илғор технологияларга асосланган замонавий ечимлар таклиф этиляпти.

Энг муҳими, соҳада ўтказилаётган илмий тадқиқотлар сифат жиҳатидан янги бос-

қичга чиқиб борапти. Тупроқ таҳлилларини юқори аниқлик ва тезликдаги замонавий ускуналарда амалга оширяпмиз. Охирги йилларда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан институтга хорижнинг энг илғор технологиялари олиб берилди. Таҳлил марказимиз ва унинг ҳудудий бўлинмалари лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу эса тупроқда содир бўлаётган салбий жараёнларни ўз вақтида аниқлаш, юқори аниқликдаги тупроқ кимёвий таҳлилларини ўтказиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга хизмат қиляпти.

Институтда тупроқ-таҳлил хизматлари кўлами тобора кенгайиб борапти. Шу кунларда энг замонавий технологиялардан яна бири — Германияда ишлаб чиқарилган “Agilent-5800 ICP-OES” спектрометри илм даргоҳига олиб келиниб, ишга туширилди. Қурилма шу турдаги асбобларнинг энг янги эволюцияси ҳисобланади. Ундан, асосан, тупроқдаги металл таркибини таҳлил қилишда фойдаланилади. Бу усул хозир оммалашиб борапти ва тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар тупроққа қўлланиши керак бўлган ўғитларнинг оптимал миқдори ва таркибини аниқлаш имконини беради.

Тупроқдан самарали фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалигининг бир қисми бўлибгина қолмай, мамлакат миқёсидаги долзарб масала ҳамдир. Шу сабабли жорий йил 24 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида “Тупроқни муҳофаза

қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, сенаторлар томонидан тўлиқ маъқулланди.

Мазкур қонуннинг мақсади, аввало, мамлакатимиз ер майдонидаги тупроқ қатламини муҳофаза қилиш, унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Масалан, тупроқни муҳофаза қилиш чоралари белгиланган бўлиб, бу ўз ичига тупроқ деградацияси ва чўлланишга қарши кураш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва бошқа мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ифлосланган, бузилган ёки бошқа кўринишда деградацияга учраган тупроқни тиклаш, мониторингини юри-тиш каби қатор аниқ вазифаларни қамраб олади.

Бу эса табиий бойлигимиз ҳисобланган тупроққа бўлган муносабатимиз, масъулиятимизни янада оширади. Зеро, ота-бобларимиз айтганидек, она ер бизни боқади, тўйинтиради. Демак, уни муҳофаза қилиш, асраб-авайлашга барчамиз бирдек масъулмиз.

Маълумот учун айтиб ўтмоқчиман, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) конференцияси 2013 йил июнь ойида Бутунжаҳон тупроқ кунини бир овоздан маъқуллади ва ўша йили декабр ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2014 йилдан бошлаб 5 декабр Бутунжаҳон тупроқ куни деб белгиланди.

Шухрат БОБОМУРОДОВ,

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти директори, биология фанлари доктори.

ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб миллий тикланиш даврини бошидан ўтказди. 2016 йилдан бошлаб Ҳаракатлар стратегиясига асосан сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни кўзда тутибги тўб ислохотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди. Бу жараёнлар янги мезонлар, талаблар ва қарашларни шакллантираётгани сабабли, Конституция — қияда ўзгариш ва қўшимчаларни тақозо қилган эди.



1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюция билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинган. Мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси муқаддимасининг 1-қисмида Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб қабул қилинганлиги қайд этилган.

Конституциявий ислохот бугунги ва истиқболдаги муваффақиятли ва фаровон ҳаётимизнинг зарурий ва ҳуқуқий кафолатидир. Хусусан, "Натижага йўналтирилган самарали бошқарув" тизимига асосланган давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини такомиллаштириш, ҳисобдорлик, очиқлик, ошқоралик ва шаффофликни таъминлашга кўмак берувчи конституциявий қоидаларни ўрнатади. Давлат бошқарувида сифат ва мазмун уйғунлигини таъминлаш, натижадорликни оширишга қаратилган ушбу ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиёт этиш натижасида халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, қулай ва барқарор муҳит яратишга замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳаммамизга яхши маълумки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди. Бинобарин, мазкур Асосий қонунимиз лойиҳаси барча фуқароларимизнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш ва мулоқот қилишнинг янгича услуб

ҳамда воситаларидан фойдаланилди. Шу нуқтаи назардан, халқимизга хизмат қиладиган, том маънода халқ қомуси шакллантирилди.



Конституция — инсон, жамият ва давлатнинг бугунги ва эртанги мақсад ва продасини ифода этадиган, тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мутасаммад этган ҳужжатдир. Асосий қонунимиз энг ривожланган, тараққиёт топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Унинг муқаддимасида назарда тутилганидек, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таянган ҳолда қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституция юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги ривожига хизмат қилади. Унда энг аввало "Инсон қадри учун" ғояси устувор йўналиш сифатида белгилангани катта аҳамиятга эга. Илгари амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойилини "инсон — жамият — давлат" деб ўзгариштириш, давлат қурилишининг янги стратегик мақсади бўлган ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди, шунингдек, энг аввало инсон

манфаатини ҳар нарсадан устун эканлигини ўзида ифода этди.

Ижтимоий давлат – бу ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Янги Конституциямизда “ижтимоий давлат” тушунчасининг мустақамланиши давлатнинг ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя принциплари асосида халқчил бошқарув тизимига асосланишидан далолат беради. Шунингдек, бу тушунча замирида давлат аҳолини ишсизликдан ҳимоялаш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, oilалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ижтимоий табақалашган жамиятда ҳам унинг даражасида кескин тафовутни олдини олишга қаратилган давлатнинг профилактик асосий вазифаларни амалга оширади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш, бошқарув қарорлари қабул қилинишини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишда айнан фуқаролик жамияти институтлари муҳим аҳамият касб этади. Институционал ислохотларимизнинг самараси ижтимоий фикрларда намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда, барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг янги конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилиши, Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши шартлиги, давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 15-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудда олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади” нормаси ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Эски тахрирдаги Конституцияда айнан ушбу норма мавжуд бўлмаган.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош мақсади ин-

сон, халқ, миллат ва жамият фаровонлигига қаратилганлиги билан муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнда, давлат фуқаролик хизматида кадрлар масаласи асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, Конституциямизнинг қуйидаги нормаларида бу ўзининг амалий ифодасини топган:

2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”.

36-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.”

Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади.”

42-моддасида “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади” – дея қайд этилганлиги фаровон ҳаётимизни барпо этиш омили ҳисобланади.

Юртимизнинг ҳар бир фуқароси кундалик ҳаётида ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда Бош Қомусимиздан куч-қувват олиб ҳаракат қилиши, унга таяниши лозимлигини англаган ҳолда, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини юксалтириб, фаровон ҳаётини барпо этишида камарбаста бўлиши лозим.

Беҳзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос.



**Юртдошларимизни, республикамиз аграр соҳа
вакилларини, ирригаторларни, фермерларни
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 31 йиллиги ҳамда
Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни билан
чин дилдан табриклаймиз.**

**Осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз
тўкин бўлсин!**



**Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси ҳузуридаги
Насос станциялари ва энергетика
бошқармаси жамоаси**

ҒАЛЛАЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРЪ ТАДБИРЛАР

Маълумки, ғалла ривожини яхшилаш, камчиликларини бартараф этиш, бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирларни амалга ошириш, ресурслар захирасини яратиш – кафолатли ҳосил олишни таъминлайди. Бу борада декабрь ойида қуйидаги долзарб тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мана, юртимизда қиш фасли ҳам бошланди, кунлар совиб бормоқда. Агар кузги буғдой 1-3 та поябарг чиқарган ҳолда қишлоғга кириб, қорсиз совуқ кунлар узоқ давом этса, туплаш бўғини ҳимоясиз қолиб, совуқ таъсирида нобуд бўлади.

Сўнгги йилларда ғўзапояни карчовка қилиб ғалла экиш, гектарига ортиқча уруғ сарфлаш, буғдой экилган майдонлар баҳоргача суғорилмасдан қолиши, очиқ майдонларга катта харажат эвазига ғалла экишнинг кенгайиши, ўсув даври давомида азотли ўғитларнинг кам ва муддатидан кеч берилиши ҳолатлари ҳам ҳосилдорлигининг камайишига олиб келмоқда.

Фосфорли ва калий ўғитлар берилмасдан экилган ғалла майдонларидаги майсалар совуққа ва бошқа стресс омилларга берилувчан, касалликларга тез чалинувчан бўлиб, дон ҳосилдорлиги 30–35 фоизгача пасайиб кетади.

Кеч экилган ва ривождан орқада қолган майдонлар ривожини тезлаштириш учун албатта суспензия сепиш яхши натижа беради.

Шу билан бирга, биостимуляторлар таркибига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Куз-қиш ойларида энг яхши натижа берадиган, таркибида суюқ фосфорга эга бўлган IFO-PZN, NPK, FLOWER каби биостимуляторлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Бу каби ҳолатлардан келиб чиқиб, жорий йилги ғалла парваришида бир хил агротехник тадбирларни қўллаш нотўғри ҳисобланади. Сабаби, ҳозирги шароитда туплаган, 3-4 барг, 1-2 барг ҳолатида ва ҳатто экилмаган ғалла майдонлари ҳам мавжуд.

Шу боис, ҳар ойда ғалланинг ривожланиш ҳолатига қараб илмий тавсияларга асосланган ҳолда агротехник тадбирлар бажариш лозим:

Бу борада декабрь ойида амалга оширилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар

қуйидагилардан иборат;

Биринчидан, ғалла экишда фосфорли ва калийли ўғитлар берилмасдан экилган майдонларнинг ҳисоб-китобини олиш, энди экилаётган ғалла майдонларига захирани тўлиқ шакллантирган ҳолда ўғит бериш.

Иккинчидан, ғалла экилган майдонларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, 2-суғориш ишларини шарбат усулида амалга ошириш, даланинг буғдой униб чиқмаган жойларига уруғ экиш ва тўлиқ кўчат олишни ташкил этиш.

Учинчидан, 1-2 ва 3-4 барг ҳолатидаги ғалла майдонларининг туплашини тезлатиш ва яхшилаш мақсадида **100-150 кг дан** сульфат аммоний ўғити билан озиқлантириш ва фосфорсиз экилган ёки кам берилган майдонларга таркибида суюқ ҳолатдаги фосфори бўлган биостимуляторлар (**IFO-PZN, NPK, FLOWER**) билан суспензия сепишни ташкил этиш.

Тўртинчидан, ғаллани суғоришда артезиан қудуқлар ва насосларга боғлиқ бўлган майдонлар ҳисоб-китобини шакллантириш ва совуқ кунларга қолмасдан суғоришни олиб бориш.

Бешинчидан, кечкурун об-ҳавонинг салқин бўлишини инобатга олиб, ғалла экилган майдонлар ва ғўза майдонларини чорва молларининг пайхон қилишидан асраш бўйича тунги штаблар ташкил этиш.

Олтинчидан, ғалла экилган майдонлар атрофларига кузги мевали ва манзарали кўчатлар экишни ташкил этиш.

Ушбу тадбирларни деҳқонларимиз ўз муддатида бажаришса, ғалла ҳосилининг юқори бўлишига эришилади.

Ойбек АМАНОВ, қ/х.ф.д., профессор,
Диёр ЖўРАЕВ, қ/х.ф.д., к.и.х.,
Акмал МЕЙЛИЕВ, қ/х.ф.д., к.и.х.,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот
институтини.



Жорий йилги қиш совуқ келганлиги боис фермер ва деҳқон хўжаликларининг боғ ва токзорларини совуқ уриб, кутилганидек ҳосил олинмади. Айни кунлардаги долзарб масала келаси йили ана шу боғ ва токзорлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун замин тайёрлашдир.

БОҒБОННИНГ

Декабрь ойдан унумли фойдаланиб, боғ-токзорларда кузда қатор оралари ҳайдалмай қолган бўлса, боғ қатор ораларига ҳайдашдан олдин 10-15 тонна маҳаллий ўғит ҳамда минерал ўғитдан 90-120 кг. соф ҳолда фосфор ўғити солиб, 25-30 см. чуқурликда ҳайдаш лозим.

Янги боғ ва токзорлар барпо қилиш учун ажратилган ерларга 30-40 тонна маҳаллий ўғит (гўнг) ҳамда 300-400 кг. фосфорли ва калийли ўғитлар солиниб, тупроқ 40-50 см. чуқурликда ҳайдалади. Агар боғ-токзорларга ажратилган ерлар шўрланган бўлса, декабрь ойида гектарига 10-12 минг куб метр ҳажмидаги сув сарфланиб тупроқ яхшилаб ювилади.

Ҳосилли боғларда дарахтларнинг ҳолати ва улардан юқори ҳосил олишда асосий агротехник тадбирлардан бири – бу қиш ойларида гектарига 1500-2000 минг м³ ҳажмида яхоб суви бериб, 4-5 кун давомида суғоришдир.

Боғларни дорилашда охирги йиллари кам тарқалган монилиоиз, клястероспориоз, парша, дарахт таналарини шикастлайдиган рак касалликларига қарши ишлов беришга жиддий эътибор берилади. Касаллик юқумлари дарахтлардан тўкилган баргларида сақлангани учун барча боғларда дарахтлар атрофидаги тупроқ ағдариб чопилади ва шу йўл орқали тўкилган барглари йўқотилади.

Иссиқхоналарда ёки хандақларда парвариш қилинаётган лимон кўчатларининг ҳосили йиғиб бўлингач, тупроққа 25-30 см. чуқурликда ишлов беришда чириган гўнг ҳамда суперфосфат солинади. Кейинчалик тупроқни юмшатиш, суғориш ёки шалтоқ бериш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари ўз вақтида олиб борилиши керак.

Бир, икки, уч ёшли ўсимлик тагига 10 кг. дан гўнг, 20 г. дан азот ва фосфор ҳамда 10 г. дан калий ўғити солинади, мева берувчи тулпар тагига эса 20-25 кг. дан гўнг ва 80-100 г. дан фосфор (тулпарининг ёши катталашган сари солинадиган ўғитлар миқдори кўпайтирилади), 80-120 г. дан азотли ва 40-60 г. дан калийли ўғитлар солинади. Бунда минерал ўғитлар икки муддатда: ярмиси февралда, қолгани май

қишда ҳам иши бор

охири, июнь бошларида, мевалари шаклланганидан кейин солинади. Ўғит солиш муддати ва миқдори ўсимликларнинг ҳолатига, йилнинг вақтига боғлиқ. Яхши ўсаётган бўлса, ўғит меъёри камайтирилади ёки умуман солинмайди.

Тупроққа ишлов беришда ўсимликнинг 15-35 см. чуқурликкача ётган илдиз системаларини шикастламаслик учун эҳтиётлик билан иш кўриш керак.

Қиш даврида 5-6 кунда бир марта суғориш керак. Қишда 1-2 марта пуркалади ёки барглари юмшоқ нам латта ёки пахта билан артилади.

Бегона ўтларни ўташ ва уларни иссиқхонадан чиқариб ташлаш зарур, чунки улар ўсимликларнинг шира ва бошқа зараркунандалардан зарарланиши учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Токзорларда таъмирлаш ишлари, темир бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиб тўғрилаш ишлари бажарилади. Токзорлар қатор ораларига 10-15 тонна маҳаллий ўғит (гўнг) солиб, 25-30 см. чуқурликда ҳайдалади. Декабрь ойининг иккинчи ярмида токзорлар гектарига 1200-1500 м³ миқдорда яхоб суви билан 3-4 марта суғорилади.

Омборхоналарга узоқ муддатга сақлашга қўйилган мева-узум махсулотлари хар куни кўздан кечирилади. Омборхона ичидаги нисбий намлик назорат остида бўлади. Ҳаво ҳарорати 0+5°C, нисбий намлик 85-90% бўлиши керак. Агарда ҳавонинг нисбий намлиги камайиб кетган бўлса, хоналарга сув сепилади, кечаси деразалар очилиб ҳароратни пасайтиришга ҳаракат қилинади. Энг асосийси, омборхоналар ҳар ҳафта олтингугурт ёкиб тутатиб (дудланиб) турилади.

Мева қоқилари, туршаклар ва майиз сақланаётган хоналар, албатта, юқорида тавсия этилганидек, ҳар 6-7 кунда олтингугурт билан дудланиб турилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА, қ.х.ф.д.,

Резавор мевалар селекцияси ва агротехнологияси бўлими бошлиғи,

Жамшид АГЗАМХОДЖАЕВ, к.и.х.,

Субтропик ва тропик мевалилар бўлими бошлиғи, Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ.

МАШИНАЛАРНИ АВАЙЛАБ САҚЛАЙЛИК

Юртимиздаги агрокластерлар ва фермерларимизнинг кўпчилиги техник даражаси юқори, конструкцияси мураккаб, қимматбаҳо электрон, электр ва гидравлик қурилмалар билан жиҳозланган замонавий трактор ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари билан қуrollланган. Улар бундай машиналарни тўғри ишлатиш, техник қаровларини ўз вақтида ўтказиш, мавсум тугаганидан кейин авайлаб-асраб сақлашга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо бу масалада оддий қоидаларга амал қилмасдан, катта маблағ эвазига сотиб олинган қимматбаҳо трактор, комбайнни йўл четида, ҳовлиси олдида, дала шийпонида очиқ-сочиқ ҳолда сақлаб келаётган фермерлар ҳам учраб туради.

Шуни эсда тутиш лозимки, очиқ ҳолда сақланаётган машиналарнинг узел ва деталларига шудринг, ёмғир, қор, ҳаво температурасининг ўзгариши, қуёш радиацияси ва кучли шамол салбий таъсир кўрсатади: лак-бўёқ қопламалари ёмирилади, металл занглайди, электр контактлар ишдан чиқади, резина ва ёғочдан ясалган деталлар қуришиб ёрилади, чирийди. Агрокластер эгаси, фермер мавсум олдида янги детал ёки қисмларни қўшимча маблағ сарфлаб сотиб олишга, машинани қайта тиклашга мажбур бўлади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг ишончли йўли — бу машиналарни мавжуд қоида-тартибларга амал қилган ҳолда сақлашдир.

Умумий қоидалар:

1. Машиналар ё бино ичида, ё бостирма остида сақланиши зарур. Машиналарни мажбуран консервациялаш, зичлаш ва тез занглайдиган бир қатор таркибий қисмларини жойидан ечиб олиш шарти билан махсус тайёрланган очиқ майдонларда сақлашга рухсат этилади.

2. Машиналар кластерларнинг, туман муқобил машина-трактор паркларининг алоҳида жиҳозланган жойларида (машина саройида ёки сақлаш участкасида), фермер хўжаликларининг машина саройларида сақланиши керак.

3. Сақлаш учун қуйидаги моддий-техника воситалари талаб этилади:

а) ёпиқ бинолар, бостирмалар, махсус тайёрланган очиқ майдонлар;

б) агрегатларни жиҳозлаш, машиналарни йиғиш ва ростлаш майдонлари;

в) машиналардан ечиб олинган таркибий қисмлар сақланадиган ёпиқ омбор (хона);

г) рўйхатдан чиқарилган ёки чиқариладиган машиналар турадиган майдонча;

д) симтўсиқлар ёки панжаралар;

е) машиналарни тозалаш ва ювиш учун махсус жиҳозланган пост;

ж) юк кўтариш қурилмалари, механизмлари, мосламалари ва рамалар, ўқлар остига қўйиладиган тагликлар;

з) ёнғинга қарши курашиш асбоблари ва қуrollлари;

и) ёритиш ускуналари;

й) ҳужжатларни расмийлаштириш ва сақлаш хонаси.

4. Машиналар сақланадиган жойлар сув ва қор босмайдиган, кучли шамолдан ҳимояланган бўлиши даркор.

Машиналарни очиқ майдонларда сақлаш қоидалари:

5. Очиқ майдонлар асфальт, бетон ёки сомонли пишитилган лой билан қопланган, юзаси текис, сув қўлламаслиги учун 2-3° нишабликда, атрофи сув оқадиган ариқлар билан ўралган бўлиши керак.

6. Майдон ўлчами сақловга қўйиладиган техника воситаларининг тури, сони ва габаритларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

7. Машиналар майдонга тур ва маркалари

бўйича қатор қилиб териб қўйилади. Машиналар қатори орасидаги масофа уларни ҳайдаб олиб келиш, ҳайдаб кетиш ва назорат қилиш имконини бериши лозим. Бунга машиналар орасидаги масофа энг камида 0,7 метр, қаторлар ораси 6 метр атрофида бўлганда эришилади.

8. Ишдан бўшаган машиналар 10 кунга қолмасдан сақловга қўйилиши даркор. Бундан олдин уларнинг техник ҳолати текширилади,

зарур бўлса, техник хизмат кўрсатилади.

9. Сақловга қўйилган машиналарга жавобгар шахслар тайинланади: машина-трактор паркларида - муҳандис, фермерлар саройида - тажрибали механизатор ёки алоҳида техник. Машинани механизатор топширади, масъул шахс қабул қилиб олади.

10. Сақлашга тайёрлашда, сақлаш пайтида ва сақлашдан чиқаришда машиналарга техник хизмат кўрсатилади. Машиналарни сақловга қўйишда қуйидаги ишлар бажарилади: тозалаш ва ювиш (машина чанг, ифлосликлар, мой, ўсимлик, уруғ, ўғит ва кимёвий препаратлар қолдиқларидан тозаланади. Генератор, стартер, магнето, электрон асбоб каби сув тегиши тақиқланган таркибий қисмлар брезент, парафинланган қоғоз ёки полиэтилен плёнкалар билан ёпилади. Тозаланган ва ювилган жойлар ҳаво босими ёрдамида қурилади); машиналарни сақлаш жойига олиб келиш; омборда сақланиши талаб этиладиган қисмларни машинадан ечиб олиш ва уларни сақлашга тайёрлаш; тешиқлар (таркибий қисмлар ечиб олингандан кейин пайдо бўлган), тирқишлар, бўшлиқларни намлик ва чанг кирмайдиган қилиб зичлаш; машина ва таркибий қисмларни консервациялаш, занглаб, емирилган лак-бўёқ қопламаларини қайта тиклаш; машиналарни тиргаклар ва тагликларга ўрнатиш.

11. Очiqда сақланадиган машиналардан қуйидаги қисмлар ечиб олинади: электр қурилмалар (аккумулятор батареялари, генератор, стартер, магнето, ёриткичлар ва бошқалар); втулка-роликли занжирлар; узатиш тасмалари; резина, полимер материаллар ва тўқимачилик маҳсулотларидан тайёрланган таркибий қисмлар (гидросистема шланглари, резинали уруғутказгичлар ва қувурлар, қалин матоли ёпқичлар, юмшоқ ўриндиқлар, брезент-планкали транспортёрлар ва бошқалар); пўлат трос; асбоб ва мосламалар. Ечиб олинган қисмларга машинанинг инвентарь рақами ёзилган бирка (ёрлик) осиб қўйилади.

12. Электр қурилмалар тозаланади, сиқилган ҳаво пуфланади, клеммаларига ҳимоя мойла-

ри суркалади. Батареялар электролит билан тўлдирилади, зарядланади.

13. Втулка-роликли занжирлар тозаланади, 80-90°C даражагача қизитилган дизель мойи билан 20 минут давомида ювилади, қурилади ва боғланади.

14. Понасимон тасмалар иссиқ сувда, совун билан ювилади, қурилади, носозлари алмаштирилади, созларига тальк кукуни сепилади, боғланади ва осиб қўйилади.

15. Ғилдираклар шиналаридаги ҳаво босими 30 фойизга камайтирилади, сиртига АКС-4 алюминий бўёғи суркалади ва тиргак ёрдамида ердан озгина кўтариб қўйилади.

16. Гидросистема ва тормоз системаларининг шланглари ечиб олинади, тозаланади, сиртига тальк кукуни сепилади. Ечилган жойлардаги тешиқлар гайкалар ва қопқоқлар билан бекитилади.

17. Дори пуркагич ва бошқа машиналардаги троллар тозаланади,

ҳимоя бўёқлари суркалади.

18. Машинанинг ичига атмосфера ёғинлари (қор, ёмғир, намликни киритадиган барча тешиқлари, тирқишлари, бўшлиқлари (ўғит ва уруғ банкалари, шнеклар ғилофлари ва ҳаво вентиляторлари корпусидаги дарчалар, двигателнинг тутун чиқарувчи трубалари, баклар ва редукторларнинг суюқлик қуйиладиган оғизлари ва бошқалар) қопқоқлар тиқинлар ва бошқа мосламалар билан пухта беркитилади. Трактор кабинаси, пахта териш аппарати эшиклари зичлаб ёпилади.

19. Машиналар ишчи органлари (лемех, отвал, дискалар, сошниклар, культиватор пичоқлари ва юмшатгичлари, сегмент пичоқлар, шнеклар, шпинделлар) ифлослик ва мой қолдиқларидан тозаланади, ювилади ва консервацияланади.

20. Деталь ва узеллар сиртидаги жойидан кўчган бўёқлар устига лак-бўёқ ва бошқа хилдаги ҳимоя қопламалари суркалади, суркашдан олдин носоз сиртлар тозаланиши шарт.

21. Ёнилғи аппаратлари (ёнилғи насослари, форсункалар, ёнилғи баклари) дизел ёнилғисидан тозаланади, зангга қарши қўшилмаси бор ёнилғи ёки маҳсус мойлар билан



консервацияланади. Машинанинг (двигателнинг, гидросистеманинг, трансмиссия узеллари ва юриш қисмларининг) қартерлари ишчи-консервацион мойлар билан тўлдирилади.

22. Тарангловчи пружиналар (культиваторда, дори пуркагичда, комбайнда, пахта териш машинасида ва бошқа механизмларда) таранглиги бўшатилади, бўялади ёки уларга ҳимоя суюқликлари суркалади.

23. Ҳамма ричаглар ва педаллар – улар ўз-ўзидан қўшилиб кетишининг олдини оладиган қилиб қўлланади.

24. Машиналарни горизонтал ҳолатда сақлаш ҳамда пневматик ғилдираклар ва рессораларни юқдан енгиллатиш мақсадида, уларнинг рамалари остига тагликлар қўйилади. Осма ва яримосма машиналар учун уларни пухта сақлаш ва трактор билан енгил агрегатлаш имконини берадиган махсус тагликлар ясалади. Шиналар ва таянч текислиги орасидаги тирқиш кенглиги 8-10 см бўлиши керак.

25. Кучли шамол, ёмғир ва қордан кейин сақловдаги машиналар ҳолати дарҳол текширилади.

26. Машиналарга сақлов пайтида техник хизмат кўрсатилади ва унда қуйидагилар текширилади: тагликларнинг жойида пухта турганлиги (йиқилган тагликлар жойига келти-

рилади); машинанинг бутлиги (ҳамма қисмлар, деталлар ўзининг жойида турган бўлиши керак); шиналардаги ҳаво босими (босим пасайган бўлса дамланади); зичловчи деталлар (қопқоқлар, тиқинлар)нинг пухталиги; зангга қарши қопламаларнинг ҳолати (ҳимоя мойларининг борлиги, бўёқларнинг емирилмаганлиги, зангнинг йўқлиги); ҳимоя қурилмаларининг ҳолати (чехоллар, қопқоқлар, шчитоклар, эшикчаларнинг бутунлиги ва мустаҳкамлиги).

27. Машиналарни сақловдан олишда уларга техник хизмат кўрсатилади ва қуйидаги ишлар бажарилади: машиналар остидаги тагликларни олиш; машина, таркибий қисмлар ифлосликларидан ва ҳимоя воситаларидан тозаланади; олдин ўрнатилган зичловчи мосламалар (қопқоқлар, тиқинлар) жойидан ечиб олинади; машинадан ечиб олинган барча деталлар, қисмлар, жиҳозлар қайтадан жойига ўрнатилади; машина ва таркибий қисмларнинг ростланганлиги ва иш қобилияти текшириб кўрилади; тагликлар, тиқинлар, чехоллар, ёрлиқлар тозаланади ва омборга топширилади.

28. Машиналарни сақлашга топширишда ва сақловдан олишда ҳар бир машина учун алоҳида далолатномалар тузилади. Уларни механизатор ва жавобгар шахс (муҳандис ёки фермер) имзолайди.

Машиналарни ёпиқ биноларда сақлаш қоидалари:



29. Машиналар орасидаги ва чеккадаги машиналардан бино деворларигача бўлган масофа энг камида 0,7 метр, қаторлар орасидаги минимал масофа - 1 метр; барча таркибий қисмлар жойида қолади, машинадан фақат аккумулятор батареялари ечиб олинади. Улар электролит билан тўлдирилади, кейин зарядланади.

30. Машиналарни ёпиқ биноларда сақлашда 1, 2, 7, 9, 10, 18, 28-бандлар талаблари бажарилиши шарт.

Шундай қилиб, трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари юқорида келтирилган қоидаларга амал қилинган ҳолда сақланса, кластерлар ва фермерларга узоқ муддат хизмат қилади, ҳар мавсум олдидан уларни катта маблағ сарфлаб таъмирлашга, ҳадеганда янгиларини сотиб олишга ҳожат қолмайди. «Мевасини десанг, гулини асра» деганларидек, қишнинг уч ойида тўғри, яхши сақланган машина йилнинг қолган 9 ойида деҳқоннинг оғирини енгил қилади, унга қанот бағишлайди.

Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ,
т.ф.д., профессор,
ҚХМИТИ.

Ғаллакорларнинг бу йилги хирмонлари салмоғи янада оғирроқ тош босди. Бу элга ҳам, ўзларига ҳам қут-барака, маъмурилик келтиряпти. Энг муҳими, ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари кундалик фаолиятига узоқ йиллар кутилган бозор тамойиллари кириб келди. Эндиликда улар брокер, трейдерлар билан бевосита сўзлашадиган ва ишлашадиган бўлди.



ФЕРМЕР ҒАЛЛАСИНИ БИРЖАДА СОТАДИ

Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг учун ҳуқуқий ва амалий асос яратди. Энг аввало, унда ғалла бозорини эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, 2022 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,8 миллион тонна товар буғдой ўтган йилга нисбатан нархи икки баробарга оширилган ҳолда, давлат ресурси, 266,5 минг тонна ғалла уруғлик сифатида харид қилинди. Бундан ташқари, 500 минг тонна буғдой ғалла етиштирувчилар томонидан биржа савдоларида сотиш учун дон корхоналарига қабул қилинди.

Ҳужжатга кўра, ўтган йил 1 июлдан етиштирилган ҳосилнинг белгиланган қисми биржага қўйилганда, фермерлар уларни сотишда комиссиясиз ва гаров маблағлар тўловидан озод этилди.

Биржа – эркин бозорнинг муҳим воситаси. Талаб ва таклиф, соф рақобат, котировка, замонавий ахборот технологиялари унинг фаолият моҳияти ва таркибини белгилайди. Айни давр фермерлардан ҳам буларни билишни, бирламчи билим ва амалий тушунчаларга эга бўлишни, мухтасар айтганда, молия-иқтисодиётнинг ушбу соҳаси алифбосини ўқилиш тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, ўтган йил 17 май куни Президентимиз ҳузурида Республика товар-хонашў биржаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселекторда биржа савдоларини янада кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларни унга олиб чиқишни туман даражасига тушириш бўйича белгиланган вазифалар муҳимлиги аён бўлади.

“Мисол учун, 1 июлдан фермер ва кластерлар 500 минг тонна ғаллани биржа орқали сотиши йўлга қўйилмоқда. Бу фермерлар учун 2 трилли-

он сўм қўшимча даромад дегани. Лекин, туман ҳокимларида фермер маҳсулотини биржага қандай олиб чиқиши, бу борада кимга мурожаат қилиши, яъни ишни қандай ташкил этиши бўйича аниқ режалар борми? Бу саволга бирорта ҳокимда ижобий жавоб йўқ...

Очиқ айтиш керак, ҳали аксарият ҳокимлар масаланинг ичига кирмаган, биржа нималигини билмайдиган туман ҳокимлари ҳам бор”, деди давлатимиз раҳбари.

Орадан кўп ўтмай, қабул қилинган қарор наинки ҳоким ва мутасаддилар, балки фермерларга ҳам биржа илмини ўрганиш заруратини кун тартибига қўйди.

Албатта, ҳар бир янгиликни жорий этиш ҳамирдан қил суғурганидек осон кечмайди. Қолаверса, ҳали ҳам “бўёғи бир гап бўлар” қабилида иш тутиб келадиган фермерлар йўқ эмас...

Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш наинки “бўёғи бир гап бўлар” дейдиган, балки молия-ҳисоб соҳасида етарли билимга эга бўлган фермерларни ҳам анчайин ўйлантириб қўйди. Кўпчилиги китоб ёки интернетни титкилашга тушди.

— Менинг ўзим олий маълумотли муҳандис-меъморман, — дейди Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Ишбилармон Элёр Чимқўрғон” фермер хўжалиги раҳбари Элёр Абдуғаниев. — Тўғриси, мен ҳам биржа моҳиятини умумий тарзда билсам-да, амалий фаолиятдан анчайин беҳабар эканман. Биржани оладиган бўлсак, унда очиқ савдоларни ўтказиш йўли билан товарлар билан савдо қилишга шароитини яратиши, маҳсулотларнинг нархи очиқ-ошқора, талаб ва таклиф асосида шаклланиши қандай тартибда кечишни ўқиб-ўрганишимга тўғри келди. Брокерлик ва трейдерлик фаолияти бўйича тушунчаларни ўқув семинарларида янада аниқлаштириб олдик.

Фермер хўжалигимизда 20 гектар майдонда буғдой етиштирамиз. 52 тонна буғдойни биржа орқали сотдик. Дастлабки, ҳисоб-китобларга кўра, шартномада белгиланган нархга нисбатан ҳар бир килограмм учун қўшимча 450 сўмдан даромад қилдик.

— Ғаллачилик соҳасида кутилаётган янгиликларнинг мазмун-моҳияти ва биржа савдоларида иштирок этиш тартибини тушунтириш мақсадида барча ҳудудларда биржамиз томонидан 20 мингдан ортиқ фермерлар ва кластер раҳбарлари учун махсус ўқув семинарлари ўтказилди, — дейди Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси бош маклери Исломбек Иброҳимов. — Уларга мижозларни биржада рўйхатдан ўтиш, брокерлик хизматларидан фойдаланиш ва маҳсулотларни савдоларга қўйиш қоидалари ўргатилди. Савдо майдончалари фаолияти билан танишиш жараёнида эса, аккредитациядан ўтказилди, брокерларга бириктирилди.

Биржада фаолият юритаётган брокерлар сонини кўпайтириш учун Савдо-саноат палатасининг 200 дан зиёд ходимлари ва фермерларнинг 500 дан зиёд бухгалтерлари учун ўқувлар ташкил этилди. Уларга брокерлик сертификатлари берилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳисобчилар марказининг 1 600 дан зиёд ходимлари ҳам биржа савдолари йўналишида ўқитилди.

Тахлилларга кўра, айни кунда республика бўйича 40 мингга яқин хўжалик ғалла етиштириш билан шуғулланади. Ҳар бир фермер хўжалигида ўртача 10 та ишчи меҳнат қилса, фермерларнинг оиласи билан қўшиб ҳисоблаганда 440 мингга яқин хонадоннинг ёки ҳар оилада ўртача 5 кишидан ҳисоблаганда 2,2 миллион аҳолининг моддий манфаатдорлиги ошади.

Шу ўринда Бешариқ туманидаги “Шерали Назаркулов” фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Назаркулов билан бундан бироз олдин қилган суҳбатимиз ёдга тушади. Фермер уйган ғалла хирмонининг салмоғи 204 тоннадан ошган. Дон харид қилишда жорий этилган янги тизимга кўра, буғдойнинг 150 тоннасига 3 миллион сўмдан ҳисобланади, қолган қисми биржа савдоларида эркин нархда сотиш учун жамғарилди.

— Ғаллани давлат сотиб олиши ва сотишида бозор нархларига ўтилиши фермерлар учун катта имконият берди, — деган эди фермер. — Аввалги йили ғалла етиштириш бўйича шартнома режасини бажарган бўлсак-да, 50 миллион сўм зарар кўрганмиз. Чунки маҳсулот таннархи ха-

ражатларини қопламаган. Ўтган йилги яқуний натижа чакки эмас. Ҳисоб-китобларимизга кўра, ғаллачиликдан кўзланган ялпи даромадимиз бир миллиард сўмга етди. Бу ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини ошириш, янги техника сотиб олиш ва қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишга шароит яратади. Шунингдек, фермер буғдойи дон корхоналарида вақтинча сақлаб бериш имконияти, биржа тўловларидаги имтиёзлар берилди. Юртбошимизга раҳмат, энди меҳнатимизга яраша манфаат кўряпмиз.

— Буғдой бўйича биржа савдолари мамлакатимизнинг ҳар бир туманида жойлашган биржа савдо майдончалари орқали амалга ошириб келинмоқда, — дейди Исломбек Иброҳимов. — Айни пайтда улар сони 360 дан зиёд бўлаб, бу жараёнга 3,5 мингдан ортиқ трейдерлар ҳам жалб этилган.

Кўриниб турибдики, фермерлар кундалик фаолиятига биржа, брокер, трейдер, деган сўзлар кириб келганига ҳали бир ярим йил ҳам бўлгани йўқ.

Хусусан, брокер мижоз ҳамда биржа ўртасида воситачи сифатида фаолият юритади, харидор номидан битимларни амалга оширади. Бутун дунёдаги нимаики товар, акция, валюта борки, ҳаммасининг нархи уларнинг таклифи билан шаклланади, олди-сотдиси ҳам шулар орқали амалга оширилади.

— Хабардор бўлиш яхши, лекин уни кундалик фаолиятда амалда қўллашнинг ўзига хос талаблари бор, — дейди “ЎЗРТХБ” АЖ матбуот хизмати раҳбари Ҳикматулло Тиллабоев. — Ғалла маҳсулотларининг очиқ биржа савдолари орқали сотилиши учун Ўзбекистон республика товар-хонашў биржасида барча зарур шароитлар яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги қарорига мувофиқ жорий йил 3 июлдан бошлаб 2023 йил буғдой ҳосилидан вақтинчалик сақлашга топширилган 3-синф буғдой очиқ биржа савдолари орқали сотилиши йўлга қўйилди.

Буғдойнинг бозор механизмлари асосида сотилиши ҳисобига маҳаллий кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қўшимча 21 миллиард сўмлик даромад олинди.

Хуллас, энди фермерлар ҳам биржада савдолашишнинг ҳадисини олишмоқда.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



TOMCHI

ЛОЙИҲАНИНГ САМАРАЛИ ИШЛАРИ



Сув хўжалиги вазирлиги миллий ҳамкори ҳисобланган Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси. 2-босқич” лойиҳаси учун ўтиб бораётган йил ниҳоятда самарали келди.

Хусусан, ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва Мелиоратив экспедициялар бошлиқлари учун Тошкент вилоятида беш кунлик малака ошириш ўқув курси ташкил этилди.

Иштирокчилар профессор-ўқитувчиларнинг, вазирлик ва идоралар мутахассисларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда соҳага доир мавзулардаги маърузаларини тингладилар. Шунингдек, вазирлар ўринбосарлари, бошқармалар бошлиқлари халқаро экспертлар билан сув хўжалигидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечими бўйича мулоқотлар қилдилар. “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” мутахассислари тақдимотлар ўтказиб, иштирокчиларни лойиҳа доирасида эришилган натижалар билан таништирдилар.

Лойиҳа сув соҳасида кенг қамровли стратегик ва меъёрий базани яратишга ёрдам бериб

келмоқда. Унинг ёрдамида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилган эди. Эндиликда 2024-2027 йилларга мўлжалланган сув стратегиясини яратиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

““ Лойиҳа доирасидаги эришилган муҳим натижалардан яна бири – Сув кодекси лойиҳаси тайёрланиб, ҳукуматга киритилганлигидир. ““

Сув кодексини ишлаб чиқишдан мақсад Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда сув муносабатларини комплекс ва тизимлаштирилган ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, Сув кодексининг қабул қилиниши сув хўжалиги соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ваколатларининг бир-бирини тақрорлаши, сув таъминотчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш, сувдан фойдаланишга

рухсат олиш тартибини соддалаштириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Лойиҳа томонидан яратилган Ахборот-таҳлил ресурс маркази ўз фаолияти давомида СРИБ асосларини жорий этишнинг драйвери даражасига кўтарилди, фермерларнинг талаб ва эҳтиёжларини акс эттирадиган қайта алоқа механизмини шакллантиришга замин яратди.

Мисол учун, фермерларнинг эҳтиёжлари ҳақида лойиҳанинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кўтарилган мавзуларга жавобан ҳукуматнинг 10 та қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда йилдан-йилга кучайиб бораётган сув танқислигининг оқибатларини юмшатишда энг мақбул ечим қишлоқ хўжалигида сувни иқтисод қилиш, бунинг учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий этишдир. Ушбу жараёнларга амалий ҳисса қўшиш мақсадида лойиҳа доирасида Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти шароитида тажриба-тадқиқот участкалари ташкил қилиниб, уларда босимли томчилатиб суғориш технологиялари асосида экинларни парваришлаш ва юқори ҳосил олиш, суғоришга ишлатилаётган сувнинг самарадорлигини ошириш бўйича кузатув-тадқиқот ишлари олиб борилаяпти.


Фермерларга сувни тежайдиган технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий ва техник жиҳатлари бўйича кўмак бериш учун ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда икки мавсумда амалий машғулотлар ўтказилаётган бўлиб, ҳозирга қадар 10 000 дан ортиқ бенефициарлар ўқитилди.

Лойиҳанинг амалий натижалари ҳақида гап кетганда, сув секторини гендер баҳолаш натижасида миллий устуворликларга мос келадиган ҳаракатлар режаси тузилганлигини таъкидлаш жоиз. Режа доирасида қишлоқ аёллари ўртасида томорқа ерларини суғоришда сувдан самарали фойдаланиш бўйича танловлар ўтказилди. 2022 йилда Навоий ва Бухоро вилоятларига, 2023 йилда эса Фарғона водийсига аёллар раҳбарлик қиладиган фермер хўжаликларида жорий қилинган сувтежовчи технологияларнинг афзалликлари билан танишиш учун ўқув ташрифлари уюштирилди.

Шунингдек, республикадаги барча 156 туман ирригация бўлимлари учун мебель, идора ва сув ўлчаш ускуналари харид қилиниб, уларга тақдим этилди.



Сув хўжалигини рақамлаштириш, сувни тежаш технологияси бўйича техник билимларга эга бўлиш имкониятини яратиш учун жорий йилда “ТОМЧИ” мобил иловаси янгиланди ва такомиллаштирилди. Шунингдек, “ТОМЧИ ЕР” портали фермерларга субсидиялар ажратувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни танлаш бўйича шаффоф қарорлар қабул қилиш учун бошқа вазирликлар билан интеграциялаштирилди. Мелиорация ахборот тизими (MIS) дастурий таъминотини такомиллаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилди.



Вазирлик тизимидаги 9 та касб-хунар коллежи учун “Сувни тежаш технологияси” бўйича ноёб дарслик ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилиб, коллежларга топширилди. Сувтежовчи технологиялар қурилган кўргазма майдончалари ташкил этилиб, коллежлар лабораториялари тўлиқ жиҳозланди.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, СРИБ асосларини жорий этишни янги bosқичга олиб чиқиш, фермерлар ва сув истеъмолчиларининг билимларини мустаҳкамлаш, салоҳиятли кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Матлуба МУХАММЕДОВА



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси вакиллари билан иборат делегация АҚШдаги Миннесота университетининг расмий таклифига кўра Америкада хизмат сафарида бўлиб қайтишди.

Маълумот ўрнида: Миннесота университети 1851 йилда ташкил этилган бўлиб жаҳондаги энг нуфузли университетлар рейтингиди 54 ўринда, Америка Қўшма Штатларидаги олий таълим муассасалари орасида кучли ўнналикка киритилган. Университетда 150 минг талаба тахсил олади. Университетнинг умумий майдони 10 минг гектарни ташкил этади.

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Яна шуни айтиш лозимки, Қўмита тасарруфидаги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети билан Миннесота университети ўртасида бажарилиши 2020-2024 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонда ветеринария таълимининг твиннинг лойиҳаси” амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида бир қатор ўқув семинарлари Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли университетларида ташкил этилиб, унда Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг профессор-ўқитувчилари иштироки таъминланган. Шунингдек, Ўзбекистонда бакалаврият босқичининг “Ветеринария медицинаси” таълим йўналиши ўқув режалари ва фан дастурлари лойиҳа доирасида қайта кўриб чиқилиб, янада такомиллаштирилди. Натижада, “Ветеринария медицинаси” таълим йўналиши 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тўрт йиллик босқичдан беш йиллик босқичга ўтказилди. Бунда назарий фанлар улуши камайтирилиб, асосий урғу амалиётга қаратилди.

Маълумот ўрнида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги қарори билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузурида бошқарув кенгаши ташкил этилган. Бошқарув кенгашига таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун таълим давомийлиги муддатларини белгилаш ваколати берилган.

Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи давомида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети билан Миннесота университети ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, кадрлар алмашинуви қўламини янада кенгайтириш

юзасидан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Меморандумда кўзда тутилган ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан икки томонлама “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ташриф давомида Қўшма Штатларнинг ветеринария соҳасида кадрлар тайёрлаш борасидаги бой тажрибаси ўрганилди. Ветеринария клиникаларига ташриф буюрилиб, ҳайвонларга ветеринария хизматларининг кўрсатиш жараёнлари билан яқиндан танишилди. Миннесота университетининг кутубхонасига амалга оширилган ташриф барча делегация аъзоларида чуқур таассурот қолдирди. Ўқув аудиторияларининг методик жиҳозланиши ва талабаларнинг дарс жараёнларидаги фаол иштироклари ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Сўнгра Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Қўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш.Джаббаров, бошқарма бошлиғи А.Сафаров ва бош мутахассис А.Тўхтасиновлар Америка Қўшма Штатларида USAID вакили билан учрашиб, Ўзбекистонда ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, сифатли кадрлар етиштириш борасида қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.

“Ўзбекистонда ветеринария таълимининг твиннинг лойиҳаси” 2024 йил май ойида якунланиши инobatга олиниб, лойиҳани яна давом эттириш юзасидан икки томонлама келишувларга эришилди. Лойиҳанинг кейинги босқичида ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш устида ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси
Матбуот хизмати.



ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ ЭКСПОРТИ УЧУН ОЧИЛГАН ЭШИК

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилнинг 23 декабрида қабул қилинган «Жиззах вилоятида замонавий агрологистика комплексини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Шароф Рашидов туманида шу йўналишдаги мажмуани барпо этиш мақсадида «БМБ-НПК Агрологистикс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилганди.

Тузилма зиммасига жуда катта масъулиятни олди. Чунончи, инвесторлар маблағларини жалб қилиш ҳисобига 10 минг тонна сиғимга эга бўлган музлаткич-ли камералар ва омборлар ташкил этиш, шок усулида музлатиш, қайта ишлаш, калибрлаш, саралаш, қадоқлаш ва мева-сабзавотларни қуриштиш ускуналарини ўрнатиш, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ишларига киришилди.

Қўшма корхонада, шунингдек, «ягона дарча» тамойили бўйича божхона, банк, логистика, экспресс-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматлар кўрсатиш, Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатлар бозорларига ҳўл ва қайта ишланган тайёр маҳсулотларнинг экспортини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида II-Минтақалараро ҳамкорлик форумида Россиянинг «Национальная Резервная Корпорация»си билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида бунёд

этилаётган ушбу мажмуа ҳақида тўхталиб, унинг ҳар икки мамлакат учун тутадиган бекиёс аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Президентнинг ушбу эътиборидан кейин лойиҳа бўйича ишлар янада жадаллашиб кетди. Яқинда эса, «БМБ-НПК Агрологистикс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг биринчи босқичи ишга тушди.

Ана шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда икки давлат ҳукуматининг расмий вакиллари, вазирлик ва идоралар, Жиззах вилояти ва Шароф Рашидов тумани ҳокимликлари, «БМБ Холдинг» компанияси, божхона қўмитаси вакиллари, Россия тадбиркорлари

делегацияси, ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси дипломатлари иштирок этди.

Тантанали тадбирни Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев очиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп томонлама манфаатли ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани, Жиззахнинг ўзида Россия билан 30 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритаётгани ҳақида гапирди. Вилоят раҳбари янгидан фаолият бошлаётган «БМБ-НРК Агрологистикс» қўшма корхонаси ҳам бу борадаги хайрли ишларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишига ишонч билдирди.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур агрологистик мажмуа, унинг қувватлари, экспорт салоҳияти ва географияси, хизмат турлари, бошқа имконият ва шароитлар жуда кенг ва салмоқли. Мажмуа фаолияти нафақат Жиззах вилояти, балки бутун республикамизнинг деҳқонлари ва экспортёрлари учун мисли кўрилмаган қулайлик, имтиёз ва шарт-шароитлар яратади.

**Бекзод МАМАТҚУЛОВ,
“БМБ ХОЛДИНГ” КОМПАНИЯСИ
ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИ:**

“Мазкур замонавий мажмуа-нинг умумий лойиҳа қиймати 709,71 миллиард сўм бўлиб, унинг қурилиши уч босқичли модуль кўринишида амалга оширилади. Бугунгача қад кўтарган дастлабки модульда йилига 270 минг тоннагача маҳсулотларни қабул қилиш, 10 минг тонна сиғимга эга бўлган музлаткичли камералар ва омборларда 810 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёр маҳсулот ҳолатига келгунича қайта ишлаб, экспорт қилиш мумкин бўлади. Энг муҳими, ҳозирнинг ўзидаёқ 180 нафар доимий, 400 нафардан зиёд мавсумий иш ўринлари яратилди. Мажмуа тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 1 минг 410 нафар аҳоли, асосан, ёшлар ва аёллар доимий иш ўрнига эга бўлади”.

**Сергей ЛИСОВСКИЙ,
РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ
ҚЎМИТА РАИСИ:**

“Ўзбекистон ноз-неъматлари россияликлар томонидан севиб истеъмол қилиниши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо шу пайтгача ўзбек заминиде етиштирилган маҳсулотларнинг Россия бозорларига кириб боришига бир қатор объектив ва субъектив сабаблар монелик қилар эди. Энди ана шу тўсиқларга берҳам берилади.

Битта мисол: маҳсулотларни “Россельхознадзор”нинг шу ернинг ўзида доимий равишда фаолият кўрсатадиган лабораторияси берадиган сертификатлар билан Россия ва бошқа мамлакатларга тўғридан-тўғри экспортини йўлга қўйиш мумкинлигининг ўзи кўп нарсани англатади”.

«БМБ-НРК Агрологистикс»нинг биринчи босқичига старт берилган тадбирда қўшма корхонанинг яқин вақт ичида бошланиши режалаштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сублимацион тарзда қуриштириш ва шок усулида музлатишни назарда тутувчи умумий қиймати 225,1 млрд. сўм бўлган навбатдаги босқичлар қурилиши пойдеворига рамзий капсула қўйилди.

Тадбир доирасида республикамиз вилоятларининг қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 150 дан ортиқ йирик корхоналарининг экспорт салоҳиятини намоёйиш этувчи кўргазма ташкил этилди. Экспортёр ва импортёрлар ўртасида амалий мулоқотлар бўлиб ўтди. Юзма-юз кўринишда шерикчилик алоқаларини ўрнатиш бўйича қатор келишувларга эришилди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Сураатда: «БМБ-НРК Агрологистикс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси очилишидан лавҳа.

ЯШИЛ МАКОНЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирлари доирасида кенг қўламдаги қўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда ва ушбу ташаббуслардан қўзланган асосий мақсад инсон саломатлигини муҳофаза қилиш.

Бу борада ўрмон хўжаликлари ҳам ҳудудлардаги яшил майдонларни кўпайтириш, шу орқали сизу биз нафас олаётган ҳавонинг тозалигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд вилоятидаги ўрмон хўжаликларида, жумладан Жомбой Давлат ўрмон хўжалигида ҳам ана шундай кислородга бой ўрмон дов-дарахтларини кўпайтириш, мевали-манзарали кўчатлар ҳамда дориворлик хусусиятига эга ноёб ўсимлик турларини етиштириш борасидаги самарали ишлар амалга оширилмоқда.



– Давлатимиз томонидан ўрмонзорларни барпо этишга асосий эътибор қаратилаётганлиги тўғрисида йилдан-йилга яшил ўрмонзорлар майдони ортиб бормоқда. Бугунги кунда Жомбой Давлат ўрмон хўжалиги умумий ер майдони 1 минг 92 гектарни ташкил этади. Хўжалигимиз қошида учта кўчатхона мавжуд бўлиб, уларда йилига 1 миллион тупга яқин мевали, манзарали ва саноат учун терак кўчатлари етказиб берамиз. Айни вақтда бор эътиборимизни “яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида туманимиздаги маҳаллалар, ўқув муассасаларига манзарали кўчатлар етказиб беришга қаратганмиз, дейди Жомбой Давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмонбеги Орзукул Мажидов.

Иштихон Давлат ўрмон хўжалиги ходимлари ҳам бугунги энг долзарб вазифа, “яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тумандаги мавжуд 62 та маҳалла фуқаролар йиғинларига 12 минг 300 дона, 30 та мактабгача таълим ташкилотларига 3 минг 100 та мевали ва манзарали кўчатлар етказиб берган. Шу билан бирга, ҳозирги кунда ўрмон хўжалигининг кўчатхоналарида қирим қарағай, элдор қарағай, ясин, ёнғоқ, можжевельник, павлония каби ўсимликлар билан бирга доривор

ўсимликлар ҳам етиштирилмоқда. Албатта, мазкур ўрмон хўжалигида шифобахш ўсимликлар парваришланадиган плантациялар майдони йилдан-йилга кенгайтирилиб, она заминимизда ўсадиган доривор ўсимликлар етиштирилиши ҳажми оширилмоқда. Маълумки, шифобахш хусусиятларга эга ўсимликлар хасталикларни самарали даволаш баробарида инсон организми учун безарар ҳисобланади. Қолаверса, фармацевтика саноатида муҳим бўлган хомашё сифатида ўзимизда етиштирилгани ишончли ва арзон. Бундан ташқари, бундай қимматли хомашёни экспорт қилиш имконияти ҳам бор. Бу борада вилоятдаги Ургут ихтисослашган Давлат ўрмон хўжалиги ҳам доривор ва шифобахш хусусиятларга эга ўсимликларни етиштириш, шу билан бирга яшил майдонларни кенгайтириш, ҳудудларни қўкаламзорлаштириш ва «яшил инфратузилма» ларни яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Айни кунга қадар мазкур хўжаликда ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида тумандаги 100 та маҳаллаларга 20 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилган.



Суратда: Иштихон Давлат ўрмон хўжалиги ходимлари.

Албатта, ҳудудларда амалга оширилаётган бу каби хайрли ташаббуслардан қўзланган асосий мақад, минтақада яшил маконларни яратиш ва шу орқали экологик муҳитни яхшилашга эришишдир. Хулоса қилиб айтганда, ўрмон хўжаликлари ўлкамизни боғу бўстонга айлантириш баробарида, балки унинг иқтисодини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутиб келаётган яшил ҳудудлардан бирidir. Шу билан бирга, табиат бойликларини асраш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кўпайтиришда бу ҳудудларнинг аҳамияти катта.

Ўз мухбиримиз.

ВЕТЕРИНАРИЯ – чорвачилик ривожда камарбаста

Маълумки, чорвачилик соҳасини ривожлантириш озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бугун шу мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги ҳўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этилиб, чорвачилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, паррандачилик ҳўжаликлари ташкил қилинмоқда. Албатта, бу борадаги ишлар самарасини оширишда ветеринария хизматининг ўрни катта. Бу борада Хатирчи туманида ҳам мавжуд 155 минг 888 бош қорамол сонини ошириш, наслини яхшилаш бўйича туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 18 та ветеринария шохобчаси ҳамда сунъий уруғлантириш пунктларида соҳа мутахассислари ва техник оссеминаторлари хизмат кўрсатиб келмоқда.



Хатирчи тумани ветеринария бўлими бошлиғи Ш.Тўраев, бошлиқ ўринбосари Ш.Нурмуратов билан.

— Туманимизда эпизоотик тадбирлар режаси тузилган бўлиб, жамоамиз мазкур вазифаларни ойма-ой бажариб келмоқда. — дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Шокир Тўраев. Бугунги яна бир муҳим вазифамиз чорва бош сонини кўпайтириш, мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш бўлиб, бу борада ҳам аҳоли ва фермер ҳўжаликлари ҳисобидаги 70 мингдан ортиқ сиғирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган барча махсус воситалар билан жиҳозланган участкаларимиз фаолият олиб бормоқда.

Албатта, чорва наслини яхшилашда сунъий уруғлантиришни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида ҳам 2023 йил сунъий уруғлантириш режасига асосан 8 минг 730 бош сиғир ва ғуножинлар сунъий уруғлантирилган, шунингдек, хорижий давлатлардан олиб келинган барча насли молларга тумандан мутахассислар бириктирилиб, ветеринар назоратига олинган. Туманда йилдан-йилга амалга оширилаётган дастурлар ижросига асосан ҳориждан олиб келинаётган қорамоллар, майда шохли моллар ҳисобига ғўшт, сут маҳсулотлари етиштиришда ҳам ўсиш суръати кузатилмоқда.

Ҳа, бугун чорвачилик соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар сабаб жойларда маҳсулотлар етиштириш ҳажми кўпаймоқда, хусусан, қорамол, қуён, асалари, қўй, эчки боқиб, шунинг орқасидан рўзғор тебратётганлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда ва шу билан бирга тегишли соҳа вакилларига алоҳида вазифалар қўймоқда.



Суратда: Жомбой тумани ветеринария бўлими жамоаси.

Шу мақсадда Иштихон туман ветеринария бўлими қошида аҳоли онгида қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби соҳалардаги билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув маркази ташкил этилган. Марказда курс тингловчилари учун барча шароит яратилган бўлиб, соҳаларга оид қўлланмалар, йўриқномалар билан таъминланган ва дарслар мутахассислар иштирокида олиб борилмоқда.

— Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш алоҳида эътибор талаб қилади. Шу мақсадда қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар янги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун замин яратмоқда. Бугун туманимизда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қорамолчилик ва қуёнчилик фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Эндиликда мазкур тармоқни аҳоли хонадонларида ҳам кенг ёйишни мақсад қилганмиз, — дейди, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Фахриддин Абдураззоқов.



Суратда: Иштихон тумани ветеринария бўлими бошлиғи Фахриддин Абдураззоқов, участка ветеринария врачлари Шодиев билан.

Албатта, жойларда амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар пировардида бозорларда озиқ-овқат сероблигини ва арзонлигини таъминлаб, аҳоли дастурхонига фойз-барака киритиши аниқ.

Ўз мухбиримиз.

АГРОИННОВАЦИОН ТАДБИРЛАР – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ



Маълумки, суғориладиган экин майдонини текислаш орқали далаларнинг барча қисмларини бир текис намлаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғларни бир текис ундириш, экинни озиқ моддалар билан бир хил таъминлаш, шу билан бирга, суғоришга ишлатиладиган сувни тежаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини яратади. Бундан ташқари, дала юзаси текис бўлган майдонларда техник воситаларни ишлатиш энгиллашади, ёқилғи сарфи камаёди ва иш унумдорлиги ортади. Бу борада ерларни лазер нивелирида текислаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг афзаллигини билган кўпгина юртдошларимиз қатори карманалик фермер Абдураззоқ Ризаев ҳам бир неча йилдан буён экин майдонларини шу усулда текислайди.

— Бундай усулда ер текисланганда аввало суғоришга сарфланадиган сув 20-25 фоизга тежаларди, тупроқ шўрланишининг камайишига эришилади. Суғориш вақти, ишчи кучи, энергия сарфи камаёди, экинлар бир текисда униб чиқади ва буғдой-пахта ҳосили гектарига 4-7 центнердан ошади, — дейди фермер Абдураззоқ Ризаев.

Шунингдек, фермер лазер нивелирида текисланган 60

гектар ер майдонига дон экишни ҳам махсус сеялкаларда амалга оширди. Шу каби амалга оширилаётган инновацион тадбирлар ва маҳаллий ва бошқа кимёвий ўғитлар вақтида берилиши сабаб бугун кўм-кўк тус олган ғалланинг авжи ўзгача.

— Шу йили ғалладан 60 центнердан ҳосил олган бўлсак, келгуси йил 70 центнердан, ундан кўпроғидан умид қилиб турибмиз, — дейди Абдураззоқ Ризаев.

Албатта, шу каби ҳудудларда янгидан-янги технологияларни жалб этиб, тинимсиз меҳнат қилиб, ер билан тиллашадиган, белгиланган шартномавий режа ортиғи билан бажариб, шу аснода даромадини оширишга интилаётган фермерлар бисёр. Улар аввало дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азий неъматнинг мўл бўлишида ўз хиссасини қўшиш баробарида, иқтисодиёт равнақи йўлида ҳам тинимсиз меҳнат қилишаётгани юксак эътирофга лойиқ.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: чапдан фермер Абдураззоқ Ризаев, ҳўжалик ишчилари билан лазер нивелири воситасида ер текислаш жараёнида.



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМЛАР

Бугунги кунда жойларда фаолият олиб бораётган, бозор механизмларига асосланган янги ҳўжалик юритиш шакллари бўлган агро-кластерлар фермерларнинг чинакам таянчига айланмоқда. Бу борада Когон туманидаги “Bahor Chance textile” масъулияти чекланган жамияти пахта тўқимачилик кластерида ҳам соҳада механизация даражасини ошириш, етиштирилган ҳосилни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ва шу орқали саноат ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринлари яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тўқимачилик корхонаси Швейцариядан келтирилган ип йиғирув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, ушбу технологик линиялар ёрдамида йилига 3 минг тоннагача калава-ип тайёрлаш мумкин. Корхонада айна кунларда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, замонавий тикув машинасига эга тикув фабрикаси ва пайпоқ ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Энг эътирофлиси, суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат талаб этадиган Когон туманида соҳага тежамкор технологияларни қўллаш ва сув

ресурсларидан оқилонга фойдаланиш борасида пахта-тўқимачилик кластери томонидан ҳозиргача қарийб 900 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимлари жорий этилди. Натижада, суғориш учун сув сарфи 40-50 фоизга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари 30-35 фоизга камайиб, меҳнат унумдорлигини 20-25 фоизга оширишга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунга келиб, вилоятнинг аҳоли зич жойлашган, пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланган Когон туманида кластер усулида фермер ҳўжаликлари билан қайта ишловчи корхонанинг узвий боғлиқлигини таъминлаб, пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш орқали қишлоқларга саноатнинг жадал кириб бориши пировардида тайёр экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ошириш, янги иш ўринларини яратиш каби ижтимоий-иқтисодий омилларга эгаллиги билан аҳамиятли бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: чапдан Когон тумани қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи Алишер Авлиёқулов, “Bahor Chance textile” МЧЖ раҳбари Ўктам Гофуров билан.

Фермер Пўлат – ҳаммага ибрат

Қорақалпоғистонда ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт олқишини олаётган фидойи деҳқонлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар ғоят оғир табиий шароитга қарамасдан ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлиб келмоқдалар.

Ана шундай азаматлардан бири Беруний туманининг “Бийбозор” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ақром” фермер хўжалиги раҳбари Пўлат Каримовдир. Мазкур фермер хўжалиги аъзолари ҳар йили 80 гектар ер майдонидан 300 тоннадан кўпроқ пахта ҳосили йиғиб-териб олиб, бу борадаги йиллик режаларини муддатидан олдин бажариб келмоқдалар. Жорий йилда ҳам фермер хўжалиги мўлжалланган ҳосилни Қорақалпоғистонда биринчилар қаторида йиғиб-териб олди. Энг асосийси, тўпланган хомашёнинг ҳаммаси олий навларга топширилди.

“Ақром” фермер хўжалиги эришаётган ютуқларнинг сабабчиси, биринчи навбатда, унинг ишбиларман раҳбари Пўлат Каримовдир. У жуда камтарин, истараси иссиқ, ҳар қандай шароитда ҳам суҳбатдошининг кайфиятини кўтара олади. Деҳқончилик сирларини яхши билади. Ҳар бир сўзини ўйлаб гапирди. Қиладиган ишини етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесади. Энг муҳими, ҳалол ишлайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди.

Фермер хўжалигидаги катта-кичик йўллар хўжалик раҳбарининг маблағи ҳисобига асфальтланган. Даласига ҳар йили пахта ва ғалла алмашланиб экилади. Мазкур экин турларининг иккаласидан ҳам режалар ортиғи билан бажарилади. Жорий йилда ғалладан 100 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Давлатга 30 тоннадан зиёд дон топширилди. Назаримизда, қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг ҳаммаси инсон омилига эътибор, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигига боғлиқ.

Қаҳрамонимиз ҳақида мақола ёзилаётган пайтда у раҳбарлик қилаётган меҳнаткашлар, оддий инсонлар билан суҳбатлашдик. Шунда бир нарсига

амин бўлдикки, ёш бўлса ҳам тажрибали фермер Пўлат Каримов ўз қўли остида ишлаётган ишчилар меҳнатини қадрлайди. Имкон борица улардан ёрдамини аямайди. Тўй-маъракаларига, ҳатто, қўл телефониининг тўловларию коммунал хизматларига ҳам маблағ ажратади.

Пўлат Каримов “Бийбозор” ММТП раиси бўлиб ҳам фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 ва 25 йиллиги кўрак нишони билан тақдирланган. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган пахтакордир.

“Ақром” фермер хўжалиги кўп тармоқли жамоа. Пахта, пилла, ғалладан ташқари полиз-сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштиришади. Чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда. Жорий йил ўн қўти ипак қурти парваришланиб, 628 килограмм пилла тайёрланди. Худуддаги учта табиий қўлда балиқ боқилмоқда. Келгуси режалари эса аҳолини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида чорвачилик комплекси барпо қилиш. Бу ният ҳам амалга ошса, хўжалик иқтисодий жиҳатдан янада бақувват жамоаларидан бирига айланиши турган гап.

Айни кунларда хўжалиқда иш янада қизғин. Ҳосили йиғиб-териб олинган пахта майдонлари тўла шудгор қилиниб, яхоб сувига қондирилмоқда. Дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Ички ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Униб чиққан кузги бугдой майсалари суғорилиб, озиклантирилмоқда.

Албатта, бу борада фермер хўжалиги раҳбари Пўлат Каримов ҳаммага ибрат кўрсатмоқда.

Рейимбой ҚОЗОҚОВ, ўз мухбиримиз,
Абдулла БУГАНБОЕВ, “Бийбозор” ОФЙ фаоли.

ХУШҲАБАР



Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмоновнинг тегишли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни – “Ҳосил байрами” арафасида соҳанинг миришкор деҳқон ва фермерлари, заҳматкаш чорвадор ва пиллакорлари, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонқуяр олим ва мутахассислари, тизим ривож учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ соҳа фидойилари “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўрак нишони билан тақдирланди.

Ушбу кўрак нишони билан тақдирланганлар орасида “Ақром” фермер хўжалиги раҳбари Пўлат Каримов ҳам бор. Мукофот муборак, Пўлат ака!

Ўзбек аёли ўзининг фидойилиги билан оилаларни, жамиятни чароғон этади. Хотин-қизларимиз юртимизда яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда фарзанд тарбиясидек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб келишмоқда. Жамиятимизда кўплаб касб эгалари қатори фермер аёллар ҳам фидойилик билан фаолият юритмоқда. Бугун шубҳасиз уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишнинг тегишли ҳуқуқий асоси яратилган. Натижада, фермер аёллар пахта, ғалла етиштиришда, умуман қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Самарадорликнинг ошиб бориши аёлларимизни ўз фаолияти кўламини янада кенгайтиришга ундамоқда.



Бу борада Оқдарё туманида ҳам ўз хўжалигида қўшимча тармоқлар ташкил этиб, қайта ишлаш, ҳунармандлик, касаначиликни йўлга қўйган мулк соҳибалари талайгина. 20 йилдан буён, “Оқдарё Дилдора ҳосили” фермер хўжалигини бошқариб келаётган “Илғор фермер” кўкрак нишони ва яна кўплаб мукофотлар соҳибаси Дилором Бозорова ҳам меҳнатидан барака топган аёллардан. Ҳозирда она 104 гектар экин майдонида деҳқончилик қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда.

Миёноколнинг ғала маликалари

— Бизга яратилаётган имкониятлар сабаб, юртимиз хотин-қизлари барча жабҳада ўз фаоллигини намоён этмоқда. Ўзим мисолимда олсак, эллик нафар ишчи-ҳодимга бош бўлиб, ҳар йили юқори ҳосил яратиш, даромаддан янги-янги иш ўрни очиш каби эл манфаати йўлида бор имконият билан меҳнат қилмоқдаман. Агар давлатимиз бизни кўллаб-қувватламаса, бугунгидай натижаларга эришмаган, кўзланган ҳосилни ололмаган бўлардик, — дейди Дилором опа. — Фермер хўжалигимизда 70 гектар ғалла, 34 гектар пахта майдонида деҳқончилик қиламиз. Техника ва ишчи кучимиз етарли. Хўжалигимизда янги тармоқларни ишга туширмоқдамиз. Очиғи, илгари оддий қишлоқ аёлининг мулк эгаси бўлиб, бундай ишларни амалга ошира олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Дилором Бозорова эндиликда яратилаётган имкониятлардан, ажратилаётган субсидиялардан унумли фойдаланиб, тез орада хўжаликда чорвачилик йўналишини ташкил этиш ва ундан ташқари томчиладиб суғориш технологиялари жорий этиш ниятида.

Туманда Дилором опа каби самарали меҳнат қилиб келаётган шижоатли аёллар талайгина. Шулардан “Оқдарё намуна юксалиш” фермер хўжалиги раҳбари Дилбар Нормуродова ва “Дилшодбек Имона бахт” фермер хўжалиги раҳбари Замира Суяровалар ҳам ҳар йилгидек, бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил яратиб, ҳудудда биринчилардан бўлиб режани бажардилар. Аёл киши бўлсалар-да, шижоатда эркак фермерлардан қолишмайдиган оқдарёлик бу опалар тимсолида фақат қишлоқ хўжалиги фидойилари эмас, шу билан бирга, садоқатли ёр, меҳрибон она, ишбилармон етакчилар гавдаланади. Албатта, аввало оила, шу қаторда жамиятга ҳам файз киритадиган, хонадонларни меҳр-муҳаббат, эзгулик нури билан мунаввар этадиган бундай фидойи хотин-қизларимизнинг эзгу ишлари, умр йўллари барча аёлларимизга ибрат бўлса, не ажаб.

Ўз мухбиримиз.

Сурапта: фермерлар (чапдан) Дилором Бозорова, Замира Суярова, Дилбар Нормуродова (сурап пахта териш мавсумида олинган)

ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЯНА БИР КЎМАК

Мамлакатимиз аграр соҳасида иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш жадал ривож топиб бормоқда. Натижада, кейинги йилларда қиш фаслида ҳам сархил мева-сабзавотларнинг тўқинлиги таъминланиб, хорижга экспорт миқдори кескин ортаёпти.



Маълумки иссиқхона хўжалиги фаолияти асосан ҳарорат билан узвий боғлиқ. Масаланинг бу нозик жиҳати давлатимиз раҳбариятнинг доимий диққат марказидадир.

Шу хусусда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 октябрда Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш, иссиқхона хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш, уларнинг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтишини рағбатлантириш, шунингдек, маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 16 февралдаги қарорига асосан кўмир ёқилғисига ўтказиш белгиланган иссиқхона хўжаликлари 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумида табиий газ қуйидаги талабларга қатъий риоя этган ҳолда етказиб берилади.

Эндиликда иссиқхона хўжалигининг табиий газ ҳисоблагичлари табиий газ назорати ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган ҳамда табиий газ истеъмоли бўйича маълумотлари мазкур тизимга онлайн равишда узатиладиган бўлиши керак.

Иссиқхона хўжалигининг табиий газдан юзага келган дебитор қарздорлиги сўндирилган бўлиши ҳамда табиий газ учун белгиланган тўлов олдиндан тўланиши лозим.

Аҳолининг газ таъминоти тизимида фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, иссиқхона хўжалигида етарли миқдорда муқобил ёқилғи захирасининг мавжудлиги зарур бўлади. Яъни иссиқхона хўжалиги аҳоли манфаатларига зарар етказмаслиги керак.

Қарорга кўра, 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумидан бошлаб ҳар йили «Худудгазтаъминот» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда иссиқхона хўжаликлари ўртасида уч томонлама келишувлар тузиш амалиёти жорий этилади. Бунда томонларнинг мажбуриятлари аниқ ифода этилади.

2023 йил 1 ноябрдан бошлаб иссиқхона хўжаликлари кўмир қозонини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан қоплаб берилади. Бу иссиқхоналарга кўмир қозони ўрнатиш ишларини тезлаштиради, албатта. Бунинг учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ушбу жамғармага 25 млрд сўм ажратилади.

Тижорат банклари томонидан эса иссиқхона хўжаликлари қуйидаги мақсадлар учун кредитлар ажратилади:

- кўмир сақлаш омборларини қуриш харажатлари учун 3 йил муддатга 1 йиллик имтиёзли давр билан;
- ёқилғи сотиб олишга айланма маблағ учун 1 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан.

Сердаромад янги экин турларини етиштириш ҳамда ҳосилдорлик ва даромадни ошириш мақсадида иссиқхона хўжаликлари хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахасссларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ бир ойга 1 нафар мутахассис учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Мазкур қарор, айниқса, иссиқхона тармоғида энди иш бошлаётган ҳамда иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлмаган тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратиб, уларнинг фаолиятидаги табиий (ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши), маъмурий (зарур пайтда мутасаддилар томонидан газни узиб қўйиш, газ босимининг қутилмаганда пасайиб кетиши) ва ҳоказо муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, иссиқхоналарнинг иссиқлик билан таминланиши кафолатланиб, тадбиркорлар етиштираётган маҳсулотлар миқдорининг ортишига эришилади. Натижада, бозорларимиз ва дўконларимизда сархил мева-сабзавотлар мўлқўллиги таъминланади.

Улғубек КУРБАНОВ,
Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг раиси.

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Мамлакатимизда мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асоси янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 65-моддасида белгилаб қўйилган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида мулкый ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш вазифаси белгиланган.



Даъвогар Урганч шаҳар ҳокимлиги судга дастлабки ва қўшимча даъво аризалар билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Х.Атажонов ва О.Каримовлар (исм, фамилиялар ўзгартирилган) ўртасида 2020 йилда тузилган Урганч шаҳар, "Юқори-боғ" маҳалласидаги "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси"нинг олди-сотди шартномасини, кейинчалик ушбу бинонинг бир қисми бўйича О.Каримов ва О.Мадрахимовлар ўртасида 2020 йилда тузилган қурилиш тугалланмаган "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси"нинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, жавобгарлар томонидан қурилган 127 кв. метр (100 кв. метр нотурар бино ва 27 кв. метр пойдевор)дан иборат ҳажмдаги қурилмани жавобгарларнинг ҳисобидан буздириб, ер майдонини асл ҳолига келтиришни, 2021 йил ноябрь ойида тузилган Ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг ушбу даъво талаблари қаноатлантирилган.

Бироқ, апелляция инстанцияси суди ушбу ишни кўриш жараёнида ҳақиқий ҳолатлар аслида ўзгача эканлигини аниқлади, яъни Урганч шаҳар ҳокимининг 2018 йилдаги қарори билан фуқаро Х.Атажоновга Урганч шаҳар, "Юқори-боғ" маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун 600 кв. метр

ер майдони доимий фойдаланишга ажратиб берилган.

Мазкур қарорга асосан, масъул ташкилотларнинг ходимлари томонидан Х.Атажоновга ажратилган 600 кв. метр ер майдони чегаралари жойнинг ўзида белгилаб берилганидан кейин, мазкур ер майдонида қурилиш ишларини амалга ошириш ва объектни лойиҳалаштириш учун архитектура режалаштириш топшириғи ҳужжатлари расмийлаштирилиб, лойиҳа ҳужжатлари ишланган ва тегишли тартибда маъқулланган.

Расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида Х.Атажонов томонидан низоли ер майдонида қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиши тугалланмаган бино сифатида унинг номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шундан сўнг, Х.Атажонов ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий ер майдони 600 кв. метрни ташкил қилувчи қурилиши тугалланмаган нотурар бинони нотариал идорада расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан О.Каримовга сотган ва мулк ҳуқуқи унинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

О.Каримов эса нотурар бинонинг бир қисми, яъни умумий ер майдони 120,0 кв.метр, шундан қурилишости майдони 100,0 кв. метрдан иборат қисмини олди-сотди шартномасига асосан О.Мадрахимовга сотган.

Шунга кўра, низоли ер майдонида жойлашган қурилишости майдони 100,0 кв. метрдан иборат бинога нисбатан О.Мадрахимовнинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўз навбатида, О.Мадрахимов банкдан олинган кредит таъминоти учун низоли нотуар бинони гаровга қўйган.

Даъвогар ҳокимлик даъво талабининг асоси сифатида вилоят архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг тегишли баёни билан Урганч шаҳар қурилиш бўлимининг меъморий режалаштириш топшириғи ва фуқаро Х.Атажоновнинг Урганч шаҳар, “Юқори-боғ” маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини маъқуллаш ҳақидаги 48-сонли баён қарори бекор қилинганлигини, Х.Атажонов номига давлат рўйхатидан ўтказилиб, қурилиш ишлари бошланган ер майдони юқори кучланишли электр ҳаво линияси муҳофаза зонасида жойлашганлигини ҳамда Урганч шаҳар ҳокимининг 2018 йилдаги қарорига асосан ажратиб берилган ер майдони шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими ва бошқалар томонидан асоссиз равишда бошқа ерга кўчирилгани аниқланганлиги ҳолати юзасидан прокуратура томонидан қурилиш бўлими, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг шаҳар бўлими, вилоят қурилиш бош бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилганлигини келтирган.

Биринчи инстанция суди ҳам худди шу асосларга кўра, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириб, олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш, қурилмани буздириш ва ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида хулосага келган.

Бироқ, ишни судлов ҳайъатида кўриш жараёнида аниқланишича, туманлараро маъмурий судининг 2023 йил август ойидаги ҳал қилув қарори билан аризачилар Х.Атажонов, О.Каримов ва О.Мадрахимовларнинг аризаси қаноатлантирилиб, шаҳар қурилиш бўлимининг меъморий режалаштириш топшириғи ва фуқаро Атажонов Хайрулланнинг Урганч шаҳар, “Юқори-боғ” маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини маъқуллаш ҳақидаги 2019 йил сентябрь ойидаги баён қарорини бекор қилиш ҳақидаги вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг 2022 йил 10 октябрдаги баёни ҳақиқий эмас деб топилган.

Шунингдек, “Хоразм магистрал электр тармоқлари” филиалининг низоли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси юқори кучланишли электр ҳаво линияси муҳофаза зонасида қурилганлиги сабабли қурилмани бузиш ҳақидаги даъвоси ҳам фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад қилинган.

Бундан ташқари, Урганч шаҳар ҳокимининг 2018 йилдаги қарорига асосан ажратиб берилган ер майдони шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими ва бошқалар томонидан асоссиз равишда бошқа ерга кўчирилганлиги аниқланганлиги ҳолати юзасидан прокуратура томонидан шаҳар қурилиш бўлими, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг шаҳар бўлими, вилоят қурилиш бош бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилганлиги низоли олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиб, ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш ва мулк ҳуқуқи асосида О.Каримов ва О.Мадрахимовларга тегишли бўлган биноларни буздириш учун асос бўла олмайди.

Чунки, Урганч шаҳар ҳокимининг 2018 йилдаги қарорига Х.Атажоновга доимий фойдаланиши учун 600 кв. метр ер майдони Урганч шаҳар, “Юқори-боғ” маҳалласи ҳудудидан ажратилиши кўрсатилган ва шаҳар ҳокимининг мазкур қарори ҳозирги кунда ўз кучида бўлиб, тегишли тартибда ҳақиқий эмас деб топилмаган.

Шунингдек, О.Каримов ва О.Мадрахимовларнинг низоли ер майдони ва бино-иншоотларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, уларнинг бу ҳуқуқлари ҳозирги кунда бекор қилинмаган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси учинчи қисмига кўра, хусусий мулк дахлсиздир.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди даъвогар Урганч шаҳар ҳокимлигининг даъво талабларини қаноатлантириб, олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш, ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш, қурилмани буздириш ва ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун қонуний асослар мавжуд эмаслиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришдан рад қилган.

Хушнуд БАЛТАЕВ,

Хоразм вилояти Фуқаролик ишлари бўйича судьяси.



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



CHANGAN LABO va KAMA BIZNES PUL TOPAR MASHINALAR



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER
Tel: (78) 148 09 11, (90) 806-46-67
www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

КЎРГАЗМАЛИ ДАЛА МАЙДОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

AKIS қишлоқ хўжалигидаги кўплаб турли субъектлар ўртасида билим алмашиш ва ёрдамчи хизматларни ифодалайди – фермерларга қишлоқ хўжалигида тегишли билим ва инновацияларни тақдим этиш билан шуғилланади.

AKIS ўз фаолияти давомида фермерларга қишлоқ хўжалигида тегишли билим ва инновацияларни тақдим этиши керак, фермерларга маслаҳат хизматлари - AKIS нинг асосий қисми ҳисобланади.



Қишлоқ хўжалигида йўқотилган калит – яъни таълим, тадқиқот ва фермерлар орасида алоқа ўрнатиш боғлиқлигининг мавжуд эмаслиги. Маслаҳат хизматларини тўғри йўлга қўйилмаганлиги десак тўғри бўлади.

Кўргазмали дала (демо) майдонларини ташкил қилиш муаммога ечим бўлиб хизмат қилади ҳамда тадқиқот ва таълимни фермер хўжалиги даласида учрашув нуқтаси деб қараш мумкин. Ишлаб чиқариш шароитидан келиб чиқиб танланган тажрибали фермер хўжалигида ўтказиладиган инновацион ишланма орқали жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, ўқув материаллари ва тавсияномалар билан таништириш, видео лавҳаларда янги ечимларни намойиш этиш орқали фермерларни, маслаҳатчиларни, илм-фан намояндаларини, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари бир жойга жамлаш имконини беради.

Муаммолар – Илмий тадқиқот институтлари, университетлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва фермерлар ўртасида ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги, эҳтиёжларга қараб ечим топишга қаратилган қўшимча шартномалар тузилмаслиги;

– Бугунги кунда кўргазмали дала (демо) майдонларини фермер хўжаликларида ташкил қилишга эҳтиёж мавжудлиги, бироқ

тақдимотчиларни, тадбир ташкилотчиларини кўллаб-қувватлашда ҳам муаммолар мавжудлиги;

– Аҳолини хабардор қилиш, ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар харитасининг ишлаб чиқилмаганлиги, ишлаб чиқилган ишланмаларни веб-сайтлар орқали тарқатиш тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида фермерларнинг ўрганиши ва ишлаб чиқилган ишланмани жорий қилиш имкониятлари пастлиги;

– Фермер хўжаликлари (жамоатчилик) фикрини ўрганган ҳолда аниқ тартиб қоидаларни, эҳтиёжларни инобатга олиш механизми мавжуд эмаслиги;

Фойдали томонлари – Кўргазмали фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришга катта таъсир қилиши ва тезроқ натижа олиш орқали келажақда агромаслаҳат тизимини кенг йўл олишга туртки бўлиб хизмат қилади.

AKIS билан фермер хўжаликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ва боғланишда идеал ечимнинг амалий намунаси ҳисобланади.

Кучлилар пастдан юқорига тамойили орқали йўлга қўйилади – фермерлар муҳокама қиладилар, ўрганадилар ва аниқ ечимларни сўрашади. Кейинги босқич ўзаро маслаҳатлашиб иш тутишларига ажойиб йўл топадилар. Бу ҳолат фермерларга узоқ муддатли ижобий таъсир

қилади.

Амалий тадқиқотлар билан боғланиш имкониятларига эга бўладилар- иштирокчи фермерлар эса ўзлари келажакдаги муаммо ва ечимга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш таклифини

берадилар ва шерикчилик муносабатларига қадам қўядилар ҳамда келгусида қўшимча ўқув материалларини ишлаб чиқиш орқали қиймат занжири билан боғлиқ айрим муаммолар учун ечимлар ҳам топиш имкониятлари яратилади.

Маслаҳатлар фойдали бўлиши учун нималарга эътибор қаратиш зарур?

- Кутилмаган ҳодисаларга мезбон фермер ёки мезбон ташкилот яхши хабардор бўлиши ва тайёр бўлиши керак.

- Асосий маърузачи (ёки маърузачилар) олдиндан яхши маълумотга эга бўлиши ва уларнинг маърузалари эҳтиёжларга мослаштирилган бўлиши керак. Маъруза асосий мавзу билан мустақкам боғланган ва амалий бўлиши керак.

- Таклифномалар - онлайн/радио/ТВ/плакатлар эълонидан ташқари - ОАВ, маҳаллий ҳукумат, идоралар ходимлари, таниқли фермерлар, бошқа муассасалардан (факультет, институт ва ҳ.к.) таниқли ҳамкорларни тўғридан-тўғри таклиф қилиш орқали профессионал кўриниш муҳитини яратиш керак.

- Агар маърузачилар тақдимотдан фойдаланаётган бўлса, унинг таркиби режаларга мувофиқлигини текшириш учун тадбирдан камида беш кун олдин жамоага тақдим қилиш керак.

- Жамоа ҳар доим мезбонга, маърузачиларга ва меҳмон компанияларга тайёргарлик қисмида ҳам, тадбирдан кейин ҳам ҳамма нарсани тартибга солишда ёрдам бериши керак.

- Маъруза қисми учун шарт-шароитларни таъминлаш муҳим - бўш жой, соя, ўтириш жойлари. Агар бу мавжуд бўлмаса, маъруза кўргазмалари қисм билан бирга далада ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда, муддат қисқароқ бўлиши керак ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун сув ва

бироз соя (соябон) билан таъминланиши керак.

- AKIS марказида маблағ бўлмаса, меҳмон компания ёки маҳаллий ҳукумат томонидан таъминланиши керак.

- Компаниялар ўрнига амалий кўргазмалар мавзуга қараб факультет, институт ёки ҳатто тажрибали маслаҳатчилар томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

- Фермерлар савол беришлари ва муҳокама қилишлари учун етарли жой бўлган интерактив ёндашувни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

- Ҳар бир демо-тадбирдан AKIS маслаҳати ва фермерларни қўллаб-қувватлашнинг янги концепциясини тақдим этиш учун маркетинг воситаси сифатида фойдаланиш керак. Фермерлар ҳар доим 100% амин бўлишлари керакки, тадбир фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги давлат ташкилоти - AKIS маслаҳат хизмати томонидан ўтказилади. Расмий баннерлар, кепкалар, кўйлақлар ҳар доим ишлатилиши керак.

- Ҳар бир демо-тадбирдан фермерлар ҳақида маълумот тўплаш учун фойдаланиш керак - ҳеч бўлмаганда рўйхатга олиш пайтида исм, фамилия ва алоқа маълумотлари. Бу келажакда тўғридан-тўғри таклифномалар ва ташрифлар имкониятини таъминлайди.

- Ҳар бир демо-тадбирда фермерларни телеграм каналига қўшилишга, келгусида ташкил этиладиган тренинглар ва тадбирларни кузатишга таклиф қилиш керак.

Биз фермерларнинг доимий алоқаси ва қизиқишини таъминлашимиз керак.

Насибжон ЎРАЗМАТОВ,

қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим,
Фарғона вилояти агрохизматлар маркази директори.

АВСТРАЛИЯ НАМУНАЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ НАВЛАР ИШТИРОКИДА ЯРАТИЛГАН (F₂) ЯНГИ ТИЗМАЛАР ОИЛАЛАРИНИНГ ТОЛА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация. Тадқиқотларда эколого-географик узоқ бўлган, яъни Австралия намуналари ва маҳаллий навлар иштирокида олинган 9 та тизмалар оилаларининг тола сифат белгилари таҳлил қилинганлиги ёритилган. Тажрибаларда бир неча йиллик турли хил селекцион танлашлар самарасида T-462, T-478, T-485 ва T-494 тизмалар комбинацияларида аксарият ўрганилган белгилар бўйича устунлигини намоён этди. Тадқиқотларда ўрганилган толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича бошқа тизмалар ва андоза навида юқори кўрсаткичларга эга бўлган тизмаларни оилалари тажрибаларни кейинги йилларда давом эттириш мақсадида ажратиб олинди.

Аннотация. В результате исследований выделены качественные характеристики волокна 9 семейств линии, которые эколого-географически удалены, с участием австралийских образцов и местных сортов. В опытах в результате нескольких лет различных отборов T-462, T-478, T-485 и T-494 показали превосходство по большинству изучаемых признаков в сочетаниях рядов. Остальные линии и семейства линий с высокими показателями у сорта-образца были выделены для продолжения опытов в последующие годы.

Annotation. As a result of the study, the qualitative characteristics of the fiber of 9 families of the line, which are ecologically and geographically remote, were identified, with the participation of Australian accessions and local varieties. In experiments, as a result of several years of various selections, T-462, T-478, T-485 and T-494 showed superiority in most of the studied characters in combinations of rows. The remaining lines and families of lines with high rates in the sample variety were selected for continuation of experiments in subsequent years.

Кириш. Маълумки, ҳозирда яратилаётган навлар тола чиқими юқори бўлиши билан биргаликда, тўқимачилик sanoati талабларига жавоб бериши, яъни юқори тола сифатига эга бўлиши керак. Ғўза навларининг тола сифати-узунлиги, пишиқлиги, ингичкалиги (метрик номери), етилганлиги, чўзилувчанлиги, эластиклиги, жилваси ва ранги билан тавсифланади.

М.Тожиёв ва К.М.Таджиёвнинг фикрига кўра, тола-ғўза ўсимлигининг sanoat учун асосий хомашёси ҳисобланади. Sanoatга эса тола сифатли, ҳар хил кўрсаткичлари бўйича талабгир бўлиши керак, лекин бу борада талайгина муаммолар mavjud. Бу кўп жиҳатдан навга боғлиқ бўлса, шу билан бир қаторда, уни етиштириш ва сифатли қилиб ўз вақтида йиғиб териб олишга ҳам боғлиқдир. Жаҳон пахта селекцияси дастурларининг асосий мақсади – ҳосилни ошириш ва тола сифатини яхшилашдан иборатлигини айтиб ўтган [1].

Пахтачилик маълумотномасида келтирилган маълумотларга кўра, илмий изланишлар ва амалиётдаги тажрибалар шуни кўрсатдики, ғўзада тола сифатининг юқори бўлиши аксарият ҳолларда уруғлиқнинг тозаллигига, тўлиқлигига ва уни етиштириш шароитига боғлиқ. Толанинг касалланиши, унинг тузилиши ва маҳкамлигининг бузилиши, сифатининг тушиб кетиши пахта тозалаш завод-

ларида ишлаш агрегатларининг ишдан чиқишига олиб келади, айтиб ўтилган [2].

L.J.Clark ва бошқалар томонидан толанинг технологик сифат белгиларини Mic-микронейр, Str-солиштирама узилиш кучи, Len-юқори ўртача узунлик, Unf-узунлик бўйича бир хиллик индекси, Sfi-калта толалар индекси миқдори, Elg-чўзилувчанлиги, T-cnt-Area-ифлоспилик даражаси, Cg-ранги бўйича нави, Rd-нур қайтариш коэффициент, +b-сариқлик даражасини популяцион таҳлил асосида ҳар хил шароит ва биотип кўрсаткичларига боғлаб ўрганганлар[3].

A.P.Сиддиқовнинг олинган тажрибаларига кўра, тола узунлиги белгиси бўйича танлаш ишларини чатиштиришда ота-она шаклларининг генотипига боғлиқ ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги ва мураккаб дурагайлаш натижасида тола чиқими андоза навдан 5% гача устун бўлган шаклларни ажратиб олиш имконияти аниқланган. Тажриба натижалари таҳлили асосида битта кўсак вази белгиси аксарият мураккаб дурагайларда бошланғич навларга нисбатан юқори бўлиши кузатилганлиги аниқланган [4].

Ж.Ахмедов ва бошқалар томонидан олиб борган тажрибаларига кўра, тола узунлиги белгиси тўлиқ бўлмаган устунликда ирсийланади. G.hirsutum L. ва G.barbadense L. турлари ўзаро чатиштирилган-

да, биринчи авлодда узун толали навнинг тўлиқ устунлиги кузатилади[5].

Таҳлил ва натижалар. Пахтачиликда толанинг сифат белгиси энг муҳим аҳамиятга эга. Толанинг сифат кўрсаткичлари "Сифат" сертификатлаш марказида HVI замонавий ўлчов асбобида аниқланди. Тадқиқотларда эколого-географик узоқ бўлган, яъни Австралия намуналари ва маҳаллий навлар иштирокида олинган ва айрим морфохўжалик белгилари бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган янги тизмаларда ҳамда андоза С-6524 навини ип йигирувчанлик коэффициенти, микронейр, тола узунлиги (дюйм), солиштира нисбий узилиш кучи (g/тек) ва тола бирхиллиги (%) каби кўрсаткичи таҳлил қилинди.

Тадқиқотларимизда эколого-географик узоқ бўлган, яъни Австралия намуналари ва маҳаллий навлар иштирокида олинган 9 та тизмаларни оилаларининг тола сифат белгилари таҳлил қилинди. Ўрганилган Т-462 тизмасида оилаларида $[F_7 \text{ (Auburn-MxC-8284)}]$ ип йигирувчанлик коэффициенти 153 дан, 180 гача бўлиб, ўртача 163,3 ни ташкил этди. Ушбу тизма оилаларида микронейр кўрсаткичи 4,5 дан, 4,7 гача ўртача 4,6 бўлганлиги, тола узунлиги 1,11 дюймдан, 1,21 дюймгача ўртача кўрсаткич эса 1,15 дюймни ташкил этган бўлса, толани нисбий узилиш кучи 34,0 г/текстдан, 39,5 г/тексгача ўртача 36,7 г/текс бўлганлиги ҳамда тола бирхиллиги бўйича аниқланганда 83,9 фоиздан, 85,6 фоизгача ўртача 84,7 фоизни ташкил этди. Т-474 $[F_7 \text{ (BrozosxЧарос)}]$ тизмаси оилаларида ип йигирувчанлик коэффициенти 149 дан, 158 гача ўртача 153,5 ни эканлиги аниқланди. Толанинг микронейр кўрсаткичи 4,4 дан, 4,5 гача ўртача 4,45 бўлганлиги, тола узунлиги 1,12 дюймдан, 1,16 дюймгача ўртача 1,14 дюймни, толанинг нисбий узилиш кучи 33,8 г/текстдан, 35,5 г/тексгача ўртача 34,65 г/текс ташкил этган бўлса, тола бирхиллиги бўйича 84,3 фоиздан, 84,2 фоизгача бўлганлиги аниқланди.

Тажрибаларда бир неча йилларда асосий қимматли хўжалик белгилари бўйича турли хил селекцион танловлар натижасида аксарият белгилари юқори бўлганлиги учун ажратиб олинган янги Т-478 $[F_7 \text{ (DeltapinexОмад)}]$ тизмаси оилаларида ип йигирувчанлик коэффициенти 135 дан, 150 гача бўлиб, ўртача 144,7 ни ташкил этди. Ушбу тизма оилаларида микронейр кўрсаткичи 4,3 дан, 4,6 гача ўртача 4,45 бўлганлиги, тола узунлиги 1,09 дюймдан, 1,13 дюймгача ўртача 1,11 дюймни, толани нисбий узилиш кучи 32,8 г/текстдан, 36,4 г/тексгача ўртача 34,57 г/текс бўлганлиги ҳамда тола бирхиллиги бўйича аниқланганда 82,7 фоиздан, 84,0 фоизгача ўртача 83,6 фоизни ташкил этди.

Т-485 $[F_7 \text{ (32(F}_5\text{)xC-8290)}]$ тизмаси оилаларида ип йигирувчанлик коэффициенти 147 дан, 155 гача ўртача 151,0 ни эканлиги аниқланди. Толанинг микронейр кўрсаткичи 4,8 дан, 5,0 гача ўртача 4,9 бўлганлиги, тола узунлиги 1,12 дюймдан, 1,13 дюймгача ўртача 1,125 дюймни, толанинг нисбий узилиш кучи 33,1 г/текстдан, 37,5 г/тексгача ўртача 35,3 г/текс ташкил этган бўлса, тола бирхиллиги бўйича 84,0 фоиздан, 84,3 фоизгача ўртача 84,1 фоиз бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда Австралия намуналари ва маҳаллий навлар иштирокида олинган ушбу ўрганилган 4 та тизма билан биргаликда айрим қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган Т-490 $[F_7 \text{ (Miller 439xC-01)}]$, Т-492 $[F_7 \text{ (C-01xMiller 439)}]$, Т-494 $[F_7 \text{ (МестныйxCултон)}]$, Т-495 $[F_7 \text{ (Бухара-6xCР69(F}_2\text{))}]$ ва Т-499 $[F_7 \text{ (CR69(F}_2\text{))xBухара-6}]$ тизма оилалари ўрганилди. Ушбу тизмалар оилаларида ип йигирувчанлик коэффициенти 142 дан, 171 гача, микронейр кўрсаткичи 4,3 дан, 5,0 гача, тола узунлиги 1,1 дюймдан, 1,16 дюймгача, толани нисбий узилиш кучи 34,4 г/текстдан, 38,2 г/тексгача бўлганлиги ҳамда тола бирхиллиги бўйича аниқланганда 82,8 фоиздан, 85,5 фоизни ташкил этди. Толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича андоза С-6524 навида ип йигирувчанлик коэффициенти 141, микронейр кўрсаткичи 4,7, тола узунлиги 1,10 дюйм, толанинг нисбий узилиш кучи 34,6 г/текс ва тола бирхиллиги 82,4 фоиз бўлди.

Тадқиқотларда тола сифат кўрсаткичлари таҳлиллари асосида ип йигирувчанлик коэффициенти бўйича Т-462 $[F_7 \text{ (Auburn-MxC-8284)}]$ тизмасида оилаларида, толанинг микронейр кўрсаткичи бўйича Т-474 $[F_7 \text{ (BrozosxЧарос)}]$ тизмаси оилаларида, тола узунлиги ҳамда толанинг нисбий узилиш кучи белгилари бўйича ҳам Т-462 тизмасида бошқа тизма оилалари ва андоза навидан нисбатан юқорилиги аниқланди.

Хулоса. Тола бирхиллиги бўйича тизмаларда деярли катта фарқ кузатилмади. Тажрибаларда бир неча йиллик турли хил селекцион танлашлар самарасида Т-462, Т-478, Т-485 ва Т-494 тизмалар комбинацияларида аксарият ўрганилган белгилар бўйича устунлигини намойён этди. Тадқиқотларда ўрганилган толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича бошқа тизмалар ва андоза навида юқори кўрсаткичларга эга бўлган тизмаларни оилалари тажрибаларни кейинги йилларда давом эттириш мақсадида ажратиб олинди.

Дилфуза ТУРАЕВА, қ.х.ф.ф.д., докторант,
Сайёра ЭРГАШЕВА, қ.х.ф.ф.д., докторант,
Паридун ИБРАГИМОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Бехзод ЭРГАШЕВ, қ.х.ф.ф.д.,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Кузги буғдойдан кейин экилган такрорий, оралиқ ва сидерат экинларининг пахта толаси ва уруғлик чигит сифатига таъсири. // "Ўзбекистон пахтачилигининг ривожланиш истиқболлари". Респ. Илмий тўплами – Тошкент. 2014. – Б. 104-105.
2. Пахтачилик маълумотномаси. // - Тошкент. "Фан ва технология", 2016, -Б. 158-160.
3. Clark, L.J., E.W. Carpenter and E.R. Norton. 2002. Acala Cotton Variety Trial, Safford Agricultural Center, 2001. Cotton, A College of Agriculture Report, The University of Arizona, Tucson, AZ. Series P-130, pp.91-96.
4. Сиддиқов А.Р. Ғўзанинг турлича мураккаб дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши. // Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. –Тошкент. 2006. -№2(24).– Б. 30-33.
5. Ахмедов Ж, Нуриддинов А, Рахимов А, Рахматуллаев Ғ. Ғўза навларининг тезпишарлигига пишиб етилиш даврининг боғлиқлиги // AGRO ILM / 2 (52)-SON, -Тошкент. 2018, -Б. 14-152. Махмуджанов А. Принципы подбора родительских форм при селекции хлопчатника по вилтоустойчивость. Автореф. дис. на соис. уч. степ. канд. с/х наук. –Ташкент, 1982. –24 с.
6. Эгамов Ҳ., Мирхамидова Г., Рахимов А. "ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида яратилган истиқболли навларнинг хўжаликка фойдали белгилари ва вертициллиёз вилти билан касалланишини ўрганиш натижалари" "AGRO ILM" jurnali.1(64)-son, Тошкент-2020, -Б.12-13.

ТАДҚИҚОТ

ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ТИЗМАЛАРДА ТЕЗПИШАРЛИК БЕЛГИСИ БИЛАН АЙРИМ ХЎЖАЛИККА ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАР ОРАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИГИ ҲАМДА ВИЛТ КАСАЛЛИГИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Аннотация. Тажрибаларда ғўза селекцияси жараёнида қимматли хўжалик белгиларини бири-бири қай даражада боғлиқлиги, ижобий ёки салбий бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Тажрибаларда мутантлараро дурагайлаш натижасида яратилган янги тизмаларда тезпишарлик белгиси билан маҳсулдорлик, тола чиқими, қўсақлар йириклиги, 1000 дона чигит вазни ва вилт касаллиги билан умумий зарарланиши бўйича боғлиқликлари аниқланганлиги ёритилган. Вилт касаллигига бардошли ўсимликларда вегетация даври турлича бўлди, яъни 3 та тизмада кучсиз салбий ҳолатда, яъни -0,11 дан -0,07 гача, бошқа тизмаларда эса кучсиз ижобий ҳолатда 0,16 дан 0,124 гача бўлганлиги аниқланди.

Аннотация. В опытах важно определить степень положительного или отрицательного отношения ценных хозяйственных признаков друг к другу в процессе селекции хлопчатника. В опытах выявлено, что у новых линий, созданных в результате межмутантной гибридизации, установлены корреляции с продуктивностью, выходом волокна, размером коробочек, массой 1000 семян и общей пораженностью болезнью вилтом. Устойчивость к вилту растений варьировала в течение вегетационного периода: от -0,11 до -0,07 в слабоотрицательном состоянии в 3 диапазонах и от 0,16 до 0,124 в слабоположительном состоянии в других диапазонах.

Annotation. In experiments, it is important to determine the degree of positive or negative relationship of valuable economic traits to each other in the process of cotton breeding. The experiments revealed that the new lines created as a result of intermutant hybridization established correlations with productivity, fiber yield, bolls size, weight of 1000 seeds, and total wilt disease. Plant wilt resistance varied during the growing season: from -0.11 to -0.07 in a weakly negative state in 3 ranges and from 0.16 to 0.124 in a weakly positive state in other ranges.

Кириш. Селекция соҳасида барча олимларнинг олдида қўйган асосий мақсади ўсимликларнинг ҳосил миқдори ва сифатини оширишдир. Ғўза

селекциясида кўплаб олимлар турли услублар орқали тола сифати ва миқдорини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Мутаген омиллар ўсимликнинг мейоз, спорогенез ва эмбриогенез каби муҳим ҳаётий жараёнларнинг мўътадил кечишини издан чиқаради. Бунда асосан ген мутацияларининг частотаси ортиб кетади. Ушбу мутациялар ичидан фойдалисини танлаб олиш орқали қимматли манбалар яратилади [1].

Г.М. Горшкова ғўзада янги ўзгарувчанликни келтириб чиқариш учун сунъий мутагенездан фойдаланилган. Бу усулнинг моҳияти мутаген омиллар (турли нурлар, иссиқлик, кимёвий моддалар ва бошқалар) таъсирида хромосомалар ва генларнинг жойлашуви ёки уларнинг фаолиятини ўзгартаришдан иборат [2].

Ўзбекистонда радиацион мутагенез соҳасидаги ишлар XX асрнинг 50 нчи йилларида бошланган. Бунда турли физикавий, кимёвий ва биологик мутагенлар таъсирида табиатда учрамайдиган кўп мутант ўсимликлар олинган. Улар турли хил ўсимликларга нурлар билан таъсир этиб, янги навлар яратишга муваффақ бўлган [3].

Таҳлил ва натижалар. Ғўза селекцияси жараёнида қимматли хўжалик белгиларини бир-бири билан қандай боғлиқлиги, ижобий ёки салбий бўлиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Таж-

рибаларда мутантлараро дурагайлаш натижасида яратилган янги тизмаларда тезпишарлик белгиси билан маҳсулдорлик, тола чиқими, кўсақлар йириклиги, 1000 дона чигит вазни ва вилт касаллиги билан умумий зарарланиши бўйича боғлиқликлари аниқланди (1-жадвал).

Янги яратилган тизмаларда вегетация даври билан маҳсулдорлик белгиси энг кўп ўсимликларда очилган кўсак сони кўп бўлганлиги учун ушбу белгилар орасидаги корреляция ўрганилган барча тизмаларда кучсиз ва ўрта ҳолатда салбий боғланганлиги, яъни Т-255 тизмасида $[F_6 (3\text{-ЭУ Т-707хБарҳаёт СО-3})] -0,23$ дан, Т-257 тизмасида $[F_6 (C\text{-2615х } M_4 7,5:1)] -0,54$ гача бўлганлиги кузатилди. Тола чиқими белгиси вегетация даври билан боғланмаганлиги, яъни ушбу белгилар турли генлар билан бошқарилиши маълум бўлди. Бунда вегетация даври билан тола чиқими белгилари орасида корреляция ўрганилган барча тизмаларда кучсиз ва ўрта ҳолатда ижобий боғланганлиги, яъни Т-244 тизмасида $[F_6 (2\text{-ЭУ С-2612хТ-20 СО-3})] 0,17$ дан, Т-242 тизмасида $[F_6 (1\text{-ЭУ С-2612хСултон СО-1})] 0,46$ гача бўлганлиги аниқланди.

1-жадвал

Мутантлараро дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларда тезпишарлик белгиси билан айрим хўжаликка қимматли белгилари орасидаги боғлиқлиги.

№	Мутантлараро дурагайлаш натижасида яратилган (F_6) тизмалар	Маҳсулдорлик		Тола чиқими		Кўсақлар йириклиги		1000 дона чигит вазни		Вилт билан умумий зарарланиши	
		r	t	r	t	r	t	r	t	r	t
1	Т-242 $[F_6 (1\text{-ЭУ С-2612х Султон СО-1})]$	-0,42	2,0	0,46	2,1	-0,39	1,4	0,22	1,7	0,24	1,6
2	Т-244 $[F_6 (2\text{-ЭУ С-2612хТ-20 СО-3})]$	-0,28	1,8	0,17	1,7	-0,22	1,4	0,12	1,5	0,17	1,5
3	Т-248 $[F_6 (1\text{-ЭУ С-2615хСултон СО-1})]$	-0,32	1,9	0,23	1,8	-0,16	1,3	0,09	1,4	-0,16	1,5
4	Т-250 $[F_6 2\text{-ЭУ С-2615хТ-20 СО-2})]$	-0,52	2,1	0,42	2,1	-0,43	1,5	0,26	1,6	-0,11	1,4
5	Т-253 $[F_6 (3\text{-ЭУ Султонх Барҳаёт СО-3})]$	-0,34	1,8	0,28	1,9	-0,24	1,4	0,14	1,5	0,18	1,5
6	Т-255 $[F_6 (3\text{-ЭУ Т-707хБарҳаёт СО-3})]$	-0,23	1,7	0,26	1,9	-0,18	1,3	0,17	1,5	0,16	1,5
7	Т-257 $[F_6 C\text{-2615х } M_4 7,5:1)]$	-0,54	2,2	0,38	2,0	-0,51	1,5	0,34	1,6	-0,17	1,5

Вегетация даври бир дона кўсадаги пахта вазни билан боғлиқдир. Тезпишарлик билан бу белгилар орасидаги боғланишлар барча тизмаларда кучсиз ва ўрта салбий ҳолатда бўлганлиги аниқланди. Энг паст боғлиқлик Т- Т-248 тизмасида $[F_6 (1-ЭУ С-2615 \times \text{Султон СО-1})] -0,16$ бўлган бўлса, энг юқори боғлиқлик Т-257 тизмасида $[F_6 (С-2615 \times M_4 7,5:1)] -0,51$ бўлганлиги аниқланди. Чигитларнинг 1000 дона вазни уларнинг пишганлигига қараб юқори бўлиши маълум. Тезпишар ўсимликларда пишган чигитларнинг вазни юқори бўлганлиги сабабли боғланишлар кучсиз ижобий эканлиги аниқланди. Бунда Т-248 тизмасида $[F_6 (1-ЭУ С-2615 \times \text{Султон СО-1})] 0,09$ бўлганлиги ва Т-257 тизмасида $[F_6 (С-2615 \times M_4 7,5:1)] 0,34$ эканлиги маълум бўлди. Вилт касаллигига бардошли ўсимликларда вегетация даври турлича бўлди, яъни 3 та тизмада кучсиз

салбий ҳолатда яъни $-0,11$ дан $-0,07$ гача, бошқа тизмаларда эса кучсиз ижобий ҳолатда $0,16$ дан $0,124$ гача бўлганлиги аниқланди.

Хулоса. Мутантлараро дурагайлаш натижа-сида яратилган янги тизмаларнинг оилаларида тезпишарлик белгиси пахта ҳосилдорлигини таъминлайдиган белгилар билан ижобий ҳолатда боғланганлиги маълум бўлди. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида вегетация даври билан нисбатан юқори ижобий боғланган оилалар кейинги йилларда аксарият қиммат хўжалик белгиларини мужассамлаштириш мақсадида ажратилиб олинди.

Сайёра ЭРГАШЕВА, қ.х.ф.ф.д., докторант,
Дилфуза ТУРАЕВА, қ.х.ф.ф.д., докторант,
Паридун ИБРАГИМОВ, қ.х.ф.ф.д., профессор,
Бехзод ЭРГАШЕВ қ.х.ф.ф.д.,
 ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Тихоновская Г.А. Влияние гамма-облучения вегетирующих растений хлопчатника на развитие генеративной сферы и процессы эмбриогенеза. Автореф. дис. канд. с.х. наук. Ташкент-1974. С. 17-18.
2. Горшкова Г.М. Острое облучение вегетирующих растений тонковолокнистого хлопчатника с учетом возраста генеративных органов. Автореф. дис. канд. с.х. наук. Ташкент-1979. С. 19-20.
3. Ибрагимов Ш., Ковальчук Р.И. Острое облучение растений, мутагенез и селекция хлопчатника. // Тошкент-1976. С. 3-155.

УЎТ: 631.584.631.559

ТАДҚИҚОТ

АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАКРОРИЙ ВА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида оралиқ экин сифатида эспарцет ва клевер экинлари, кузги бугдойдан сўнг такрорий экин соя экилган ва экилмаган фонда алоҳида ҳамда аралаш ҳолда парваришланнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований влияния на урожайность хлопчатника промежуточных культур как эспарцета и клевера, также посев в качестве повторных культур и без него после озимой пшеницы при их раздельном и смешанном посеве в условиях луговых сероземных почвах.

Annotation. The article presents the results of studies of the effect on the yield of cotton esparceta and clover under intermediate crops after winter wheat with their separate and mixed repeated crop with soybeans and on an unsown background in the conditions of meadow serozem soils.

Кириш. Пахтачиликда асосий ва такрорий экинлардан сўнг оралиқ экинлардан фойдаланиш тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширувчи тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу тадбирни оралиқ экинлар структурасида янгилаб бориш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Р.Тиллаев ва А.Мансуровларнинг [1] Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўтказган

тажрибаларида энг яхши ўтмишдош экинлари мош, соя, тариқ ва маккажўхори эканлиги аниқланган ва навбатлаб экиш тизимларида тупроқ унумдорлиги ҳамда мўл ва сифатли пахта хомашёси етиштириш учун кузги бугдойдан бўшаган майдонларда ушбу экинларни экиш тавсия қилинган.

Яна бир Самарқанд вилояти ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида олиб борилган шундай

тадқиқотда [2] кузги буғдойдан кейин сидерат экин сифатида арпа, горох, нўхат, рапс экинлар соф ва аралаш ҳолда парваришланганда сидерат экин экилмаган кузги шудгор фониға нисбатан сувға чидамли агрегатлар 1,24-1,02% га ошганлиги, тупроқ ҳажм массаси 0,07-0,05 г/см³ га камайганлиги, тупроқ намлиги яхши сақланиб ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаган.

Р.Сулаймонов, М.Назаров, О.Ибрагимов [3] ларнинг изланишларида эса Фарғона вилоятининг оч тусли, тўқ тусли ва ўтлоқи соз тупроқлари шароитида экинларни навбатлаб экишнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишган. Унга кўра, 3 йиллик беда+ 3-ўримдан сўнг маккажўҳори, кузги буғдойдан сўнг соя ва нўхат, оралиқ экинга жавдар 1 йил ва 2 йил экиб баҳорда сидератга ҳайдалган вариантларда энг самарали вариант жавдар экиб, сидератга ҳайдаш бўлиб, маъдан ўғитларни NPK 150-75-50 кг қўллаш ҳамда 8,72-11,24 қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот объекти ва услуби. Шундан келиб чиқиб, Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида деҳқончиликнинг 1:1, ғўза:ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида такрорий экин соядан сўнг оралиқ экин сифатида эспарцет ҳамда клевер (қизил себарга) экинларини алоҳида ҳамда аралаш ҳолда парваришлашнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири - ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида алмашлаб экишнинг қисқа навбатли 1:1, ғўза:ғалла тизимида кузги буғдой, такрорий экин соя ва оралиқ экинлар эспарцет ҳамда клевернинг алоҳида ва аралаш ҳолда парваришлашнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотлар Жиззах вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида 2020-2022 йилларда олиб борилди. Тажиба даласи тупроғи сизот сувлари жойлашувига кўра яримгидроморф тупроқларга мансуб, сизот сувлари мавсум давомида 1,5-2,0 м чуқурликда ўзгариб туради.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида «Дала тажибаларни ўтказиш услублари» [4] услубий қўлланмаси асосида амалга оширилди.

Тажиба 13 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариант майдони 76 м² ни ташкил этиб, уч такрорланишда жойлаштирилган. Тажиба даласи тупроғи гумус билан кам, азот ва фосфор билан жуда кам ва калий билан юқори даражада таъминланган.

Тажибада кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида соянинг «Орзу» нави экилган ва такрорий экин экилмаган вариантлар фонида янги оралиқ

экин сифатида эспарцет ва клевер (қизил себарга) экинлари алоҳида ва аралаш ҳолда экилди. Ушбу экинларни баҳорда 15-20 см қолдириб ўриб олинган ва ўрилмасдан ҳайдалган вариантларни ғўза ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Назорат вариантда эса кузги буғдойдан сўнг ҳеч қандай такрорий ҳамда оралиқ экинлар экилмасдан ғўза парваришланди. Такрорий ва оралиқ экинлар экилган вариантлар назоратга нисбатан таққосланиб борилди.

Таҳлил ва натижалар. Тажибадан олинган маълумотлар 2021 йил мисолида таҳлил қилинганда назорат вариантыда ўртача 34,2 ц/га ни ташкил этди. Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин экилган ва экилмасдан қора шудгорга қолдирилган вариантлардан сўнг парваришланган оралиқ экинларни фойдаланиш турига боғлиқ ҳолда 36,3 центнердан 42,8 центнергача пахта ҳосили олинди. Назоратга нисбатан таққосланганда гектаридан 2,1 центнердан 8,6 центнергача қўшимча ҳосил олинди.

Энг юқори ҳосилдорлик кузги буғдойдан сўнг такрорий экинга соя экилгандан сўнг оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга) экиб, эрта баҳорда ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда олиниб 42,8 ц/га ни ташкил этди. Назорат вариантга нисбатан таққослаганда гектар ҳисобиға 8,6 ц қўшимча ҳосил олинди. Худди шу фонда 15-20 см қолдириб ўриб олингандан сўнг ҳайдалган 8-вариантда эса қўшимча ҳосил 7,1 ц/га ни ташкил этди.

Эспарцет экинини такрорий экин экилмасдан қора шудгор фонида парваришланиб, 15-20 см қолдириб ўриб ҳайдалган 2-вариантда 36,3 ц/га, ўрилмасдан ҳайдалган 3-вариантда эса 37,1 ц/га ни ташкил этди. Такрорий экин соядан сўнг эса, тегишлича (4 ва 5-вариантлар) 39,2; 40,1 ц/га га тенг бўлди. Такрорий экин экилмаганга нисбатан таққосланганда тегишлича 2,9; 3,0 ц/га юқори пахта ҳосили олинди. Такрорий экин соядан кейин оралиқ экинга клевер (қизил себарга) экилган 8-9 вариантларга нисбатан эса, тегишлича 2,1; 2,7 ц/га камроқ ҳосилдорликка эришилганлиги аниқланди.

Оралиқ экин сифатида эспарцет ва клевер аралаш ҳолда парваришланганда такрорий экин соя экилган фонда 15-20 см қолдириб ўрилгандан сўнг ҳайдалган 12- вариантда 40,2 ц/га, ўрилмасдан ҳайдалган 13-вариантда ғўза парваришланганда пахта ҳосили 41,4 ц/га ни ташкил этди. Бу эса такрорий экин экилмаганга нисбатан 3,2; 3,4 ц/га юқори ҳосил олинди. Эспарцет экинига нисбатан шу фонда 1,0; 1,3 ц/га юқори бўлган бўлса, клевер экини алоҳида экилганга нисбатан ғўза ҳосилдорлиги 1,1; 1,4 ц/га га камроқ олинганлиги кузатилди.

Хулоса. Демак, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ғалла-ғўза алмашлаб экиш тизимида такрорий

экинга соя ва оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга) экини алоҳида ёки эспарцет экини билан аралаш ҳолда парваришlash гўза ҳосилдорлигини тақрорий экин экилмаганга нисбатан 3,2-3,4 ц/га, кузги буғдойдан сўнг ҳеч қандай тақрорий ва оралиқ экинлар экилмаган назорат вариантга нисбатан

8,6 ц/га гача юқори ҳосил олишни таъминлайди. Оралиқ экинларни 15-20 см қолдириб ўриб олиш эса чорвачилиқда озуқа базасини мустаҳлашга хизмат қилади.

Холмурод БОЗОРОВ, қ.-х.ф.д., к.и.х.,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Тиллаев Р., Мансуров А. Кузги буғдойдан кейин тақрорий экинлар экиш самарадорлиги. // Ж. "Агро илм". 2 (22), 2012. Б. 28.
2. Кенжаев Ю., Орипов Р. Сидерациянинг тупроқ агрофизикавий хоссаларига таъсири. // Ж. "Агро илм". 2 (22), 2012. Б. 62-63.
3. Сулаймонов Р., Назаров М., Ибрагимов О. Тупроқни бойитишда ўсимлик биомассасининг аҳамияти // Ж. "Агро илм". 2-3 (34-35), 2015. Б. 74-75.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент. ЎзПТИ 2007. 148 б.

УЎТ: 633.575.56

ТАДҚИҚОТ

СОЯНИНГ СЕЛЕКЦИЯ КЎЧАТЗОРИДА НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ФЕНОЛОГИК КУЗАТУВ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада соянинг нав танлов кўчатзоридagi ўрганилган нав намуналари морфологик ва фенологик кўрсаткичлари билан назорат навига нисбатан яхши бўлиб, ўсув даври бўйича назоратга нисбатан танлаб олган нав намуналар ҳосилдорлиги жиҳатдан юқори бўлганлиги баён этилган.

Аннотация. В данной статье констатируется, что морфологические и фенологические характеристики изучаемых сортообразцов в селекционном питомнике сои лучше, чем у контрольного сорта, а продуктивность отобранных сортообразцов значительно выше контрольного сорта в процессе выращивания.

Annotation. In this article, it is stated that the morphological and phenological parameters of the studied variety samples of soybean in the seed selection nursery are better than the control variety, and the yield of the selected variety samples is significantly higher than the control variety during the growing season.

Қириш. Республикаимизнинг суғориладиган майдонларида соянинг энг яхши навларни яратишда доннинг таркиби ва унинг сифат кўрсаткичлари ташқи муҳит ва агротехник тадбирлари доннинг сифатига кучли тасир қилади. Нав тупроқ-иклим шароити дон ҳосилдорлигини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Соячиликда дон ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда юқори маҳсулдор навлардан фойдаланиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда "2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2832-сонли қарори, 2017 йилнинг 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли ушбу қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарориди республикада мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш, ёғ-мой корхоналарида ноанъанавий

маҳаллий ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига ички истеъмол бозорини тўлдириш, маҳаллий соя навларини селекцияси, уруғчилигини йўлга қўйиш вазифалари қатъий белгилаб берилди. Қарорга кўра, мамлакатимизда соя етиштиришни кўпайтириш мақсадида 2017-2021 йилларда соя экини майдонларини босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилган[1].

Европада Австрия-Венгрияда яратилган соянинг эртапишар нави экиш сифати билан самарали бўлди. Шундай қилиб, Буковинада бир туп ўсимликда ўртача 188 та дон етиштирилди. Таҳлил натижалари оригинал (турли) уруғларда протеин ва ёғ миқдори ошди ва сомони қорамол боқиш учун фойдали эканлигини кўрсатади[2].

Воронеж ДАУда 1995-1997 йилларда олиб борилган тажрибаларнинг натижаси бўйича соянинг

энг мақбул экиш муддати 20 апрел ва энг паст натижа берган муддат май ойининг охири, 25 май деб белгиланган [3].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Илмий изланишлар Шоличилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонининг майдонида олиб борилди. Тажриба майдонидаги тупроқ қатлами ўтлоқи ботқоқ, лойсимон қумоқ тупроқдир. Маълумки, бўз тупроқлар қатламларга кам табақаланган бўлиб, гумуснинг камлиги билан характерли, бу ўтлоқи ботқоқ тупроқларда бўладиган ўзига хос рангидан ҳам кўриниб туради. Шоличилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигининг ҳайдов қатлами 0-30 ва 0-40 см, ҳайдов қатламидан пастда 30-40 см қалинликда гел қатлами, 60-70 см чуқурликда қумли ва майда тошлардан иборат қатлам жойлашган. Соя селекцияси қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш бўйича умумишлаб чиқилган услублар ва ШИТИ томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар, дала тажриба методикаси асосида олиб борилди. Селекция кўчатзориди ҳар бир нав намунаси учун экин майдон 3,6 м² (такрорийсиз). Таҳлилга 5 тадан ўсимлик олинди [3].

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида нав тизмаларида экиш ишлари Тошкент вилояти учун оптимал муддат апрел ойининг учинчи ўн кунлигидан май ойининг 1 ўн кунлигигача экилди. Тадқиқот давомида нав ва тизмаларини ривожланиш фазалари бешта

фазаларга бўлиб ўрганилди Нав ва тизмаларида уруғнинг оптимал муддатда тез ва тўлиқ униб чиқиши, гуллаши, шоналаши, дуккаклаши ва пишиши ўрганилди. Селекция кўчатзоридан ажратиб олинган нав намуналари морфологик ва биологик кўрсаткичлари билан андоза “Ўзбек-2” нави нисбатан энг яхши кўрсаткичлари ўрганилди “Ўзбек-2” нави гуллаши 56, 64 кунгача, дуккаклаш фазаси 75, 90 кунгача, пишиши 125, 135 кунгача давом этди. Нав намуналарини гулаши, шоналаши, дуккаклаши ва пишиши билан юқори бўлганлиги билан ажралиб турди. Тажрибалардан олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 6806 Югославия 514501 АҚШ 9607 Молдавия 6467 АҚШ К-63 АҚШ И-530536 Австралия 9256 АҚШ 6466 Ўзбекистон 9094 АҚШ 2600 Шимолий Хитой 7559 АҚШ 64644 Қозоғистон нав намуналари шоналаши ва гуллаши, назоратга нисбатан 15 20 кун олдин гуллаши бошлангани аниқланди. Танлаб олинган ўсимликларнинг дуккаклашиш фазаси бўйича К 24 АҚШ 521857 АҚШ 9159 АҚШ 39 26 Помир улка 4896 АҚШ нав намуналари андоза навига нисбатан 20-26 кун олдин дуккаклашиш бошлангани аниқланди. Пишиш жараёнида андоза навига нисбатан ўрганилди: 6807 Югославия, 514501 АҚШ, 9607 Молдавия, 6467 АҚШ, К 63 АҚШ, И 530536 Австралия, 9256 АҚШ, 6466 Ўзбекистон, 9094 АҚШ, 2600 Шимолий Хитой, 7559 АҚШ, пишиш жараёнида андоза навига нисбатан 15-20 кун олдин пишиб етилди.

1-жадвал.

Соянинг селекция кўчатзориди нав ва тизмаларининг фенологик кузатуви натижалари

№	Каталог рақами ва келиб чиқиши	Тўлиқ униб чиқиши (кун)	Гуллашгача (кун)	Дуккаклашгача (кун)	Пишишгача (кун)
	Ўзбек 2	10 12	35 45	64 75	
1	6806 Югославия	7 -10	22-27	45-57	95 -110
2	514501 АҚШ	7-10	23-26	50 55	120
3	9607 Молдавия	7 -10	23 25	60-80	95- 110
4	6467 АҚШ	7 -10	23-25	60 75	95- 110
5	К 63 АҚШ	7 -10	2730	45 60	110 125
6	И-530536 Австралия	7 -10	23-27	65 70	115 120
7	9206 АҚШ	7 -10	27-30	45 55	120 125
8	6466 Ўзбекистон	7 -10	23-25	38 48	110120
9	9094 АҚШ	7 -10	25-28	4055	110 125
10	2600 Шимолий Хитой	7 -10	21-23	35 55	90 110
11	7559 АҚШ	7 -10	28-32	3545	100 110
12	К 24 АҚШ	7 -10	28 45	45 55	95 105
13	521857 АҚШ	7 -10	32 45	3763	110 115
14	9159 АҚШ	7 -10	34 48	47 56	105 115
15	3926 Помир	7 -10	32 47	43 57	100 110

Хулоса. Юқорида келтирилган натижалар асосида танлаб олинган дуккакли экин соянинг бошланғич манбалари келгусида назорат жараёнининг кейинги босқичларида ўрганиш ва улар асосида янги навлар яратишда фойдаланиш белгилаб олинди.

Хусанжон ИДРИСОВ,
қ.х.ф.ф.д (PhD), доцент,
ФарДУ Аграр қўшма факультети,
Ўткир ИБРАГИМОВ,
ДДЕИТИ Тошкент илмий-тажриба станцияси
директори,
Шерзод ХЎЖАҚУЛОВ,
ДДЕИТИ Тошкент илмий-тажриба станцияси
Агротехника ва ўсимликларни химоя қилиш
бўлими бошлиғи,
Ўткир МУСИРМОНҚУЛОВ,
ДДЕИТИ Тошкент илмий-тажриба станцияси,
Дон ва дуккакли экинлар селекцияси ва
уруғчилиги лабораторияси мудири.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 мартда “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сонли қарори
2. Атабаева.Х.Н, Исраилов.И.А, Умарова.Н Соя морфология биология етиштириш технологияси 2011, -Б. 11.
3. Катюк, А.И. Оценка адаптивности сортов сои разных агроэкологических / А.И. Катюк, В.В. Зубков // Известия Самарского НЦ РАН. 2014.- Т. 16.-№ 5(3).- стр 1140-1142
4. Доспехов Б.А, “Методика полевого опыта”, Изд-во «Колос». Москва, 1985 г, -С. 42-44.
5. Ўзбекистонда экишга тавсия этилган кузги буғдой, дуккакли дон экинларининг маҳаллий ва хорижий навлари ҳамда уларни парваришlash бўйича тавсиянома. Андижон, 2019 йил, -Б. 71-73.

UO‘T: 634.8.03

TADQIQOT

“RIZAMAT” NAVI UZUM BOSHLARINI QOPCHALASHNING G‘UJUMLAR QANDDORLIGIGA TA’SIRI

Annotatsiya. Ushbu maqolada uzum boshlarini qopchalashning g‘ujumlar qanddorligiga ta’siri haqida ma’lumotlar keltirilgan. Xorijiy mamlakatlarda uzum boshlarini qopchalashda ko‘plab turdagi qopchalardan foydalaniladi. Ulardan yurtimiz sharoiti uchun maqbul bo‘lgan turini tanlab olish va ishlal chiqarishga tavsiya etish ilmiy ishning asosiy maqsadi hisoblanadi.

Аннотация. В статье представлены сведения о влиянии упаковки гроздей винограда в мешки на сахаристость винограда. Следует отметить, что в зарубежных странах для упаковки гроздей винограда используются многие виды мешков. Основная цель научной работы – выбрать их тип, приемлемый для условий нашей страны и рекомендовать к производству.

Annotation. The article presents information about the effect of bagging grape bunches on the sugar content of grapes. It should be mentioned that many types of bags are used for bagging grape bunches in foreign countries. The main goal of the scientific work is to select the type of them that is acceptable for the conditions of our country and recommend for production.

Kirish. Tok yer sharining subtropik va mo’tadil iqlim mintaqalarida eng ko’p yetishtiriladigan mevali eng qadimiy, madaniy o’simliklardan biri hisoblanadi. U *Vitaceae* oilasining, *Vitis vinifera* turiga mansubdir. Tokning tabiatda 60 ga yaqin turi ma’lum. Mamlakatimizda uzumning ko’plab hosildor va xushta’m navlari uzoq yillardan beri yetishtirilib kelinmoqda. Tokning yangi nav va duragaylarini hamda agrotexnik tadbirlarning istiqbolli usullarini ishlab chiqish orqali hosildorligini yanada oshirishga erishish mumkin. Bugungi kunda dunyo miqyosida sanoat uzumchiligini rivojlantirish va sharob mahsulotlari hamda kishmish ishlab chiqarish

hajmini kengaytirishga alohida e’tibor qaratilmoqda [4].

Tok hosilini yetishtirish bo’yicha hozirgacha ko’plab ishlar amalga oshirilgan bo’lsa-da, uning hosil sifatini yaxshilashga doir ishlar kamligicha qolmoqda [3]. Uzum hosil sifatini yaxshilashga qaratilgan agrotexnik tadbirlardan biri hisoblangan uzum boshlarini qopchalash hisoblanib, amaliyotda uning iqtisodiy samaradorligi ahamiyatlidir [6,2]. Uzum boshlarni qoplash yordamida zararkunandalar hujumidan himoyalanaadi, g’ujum yuzasidagi aerosol pestitsidlar miqdorini kamaytiradi, g’ujum rangi rag’batlantiriladi, tabiat ifloslanishining oldini oladi [1]. Uzum boshlarini

qoplash mevaning iqtisodiy qiymatini oshirishda muhim rol o'ynadi va yuqori sifatli va yashil mevalarni berishi mumkin deydi Zhou S.H [7]. Hozirgi vaqtga kelib dunyoning ko'plab uzumchilik rivojlangan davlatlarida uzum boshlarini qopchalash joriy etilgan. Masalan, Yaponiya va Koreyaning qopchalash qo'llaniladigan uzumzorlar maydonlari 70% ni tashkil qiladi [5].


Tadqiqot usullari. Ilmiy ishini olib borishda X.Ch. Bo'riyev va boshqalarning «Mevali va rezavor mevali o'simliklar bilan tajribalar o'tkazishda hisoblar va fenologik kuzatuvlar metodikasi» (2014) nomli uslubiy ko'rsatmasi, talablaridan foydalanildi. Tajribalar Uzumfermer.uz MCHJ ga qarashli dala maydonlarida olib borildi. O'lchovlar 28.07.2023-yil soat 19:00 da havo harorati 30°C bo'lganda amalga oshirildi. Tajriba ob'yekti sifatida uzumning "Rizamat" navi olingan bo'lib, qanddorlik miqdori refraktometr (Atago PAL-1 Digital 0-53% Brix Refractometer) yordamida o'lchandi. Uzum boshlariga qopchalarning qog'oz va matoli turlarining turli rangdagi variantlarining hosil sifatiga ta'siri o'rganildi.

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi. Uzum boshlarini qopchalash orqali uzum boshlarini qushlar hujumidan, novdalarning zararlashidan, ortiqcha quyosh nuri, yomg'ir va shamol ta'siridan saqlaydi [1]. Qog'oz qopchalar suvga chidamli bo'lganligi sababli kimyoviy moddalar g'ujumga ta'sir etmaydi va bu organik mahsulot yetishtirishda ahamiyatli hisoblanadi. Matoli qopchalar ham ko'plab afzalliklarga ega bo'lsa-da ularda ayrim kamchiliklar mavjud. Ushbu ilmiy ishimizda tajriba sifatida qog'oz va matoli qopchalarning turli muddatlarda uzum boshlariga kiygizilganda g'ujum sifatiga ta'siri o'rganilgan. Qopchalarni turli muddatlarda uzum boshlariga kiydirilganda g'ujum tarkibidagi qanddorlik va rangdorlikka ta'siri tekshirib ko'rildi.

Yuqoridagi jadvaldan ko'rish mumkinki, uzum boshlariga qopcha kiydirilgan 4 ta muddatda kiydirilgan bo'lib, ular orasidagi eng yuqori qanddorlik 4-muddatda qayd etildi. 3-muddatda qopchalangan uzum boshlarida

ham qanddorlik 1- va 2-muddatga qaraganda yuqoriroq bo'ldi. Qanddorlik kamroq bo'lgan variantlarda kislotalilik nisbatan yuqori va rangdorlik ko'rsatkichlari ham 4-muddatga nisbatan pastroq bo'ldi. O'rganilgan qopchalarning qog'oz variantini oq, yashil va sariq, matoli qopchalarning to'qilgan va to'qilmagan matoli oq va qora rangli turlarining ichida esa eng yuqori qanddorlik nazorat variantidan keyin oq va sariq qog'oz qopchalar kiygizilgan uzum boshlarida aniqlandi.

Rizamat navi uzum boshlariga turli muddatda qopchalar kiygizilganda g'ujumi tarkibidagi qand miqdori.



Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, uzum boshlarini maqbul turdagi qopchalar bilan belgilangan vaqtda qopchalash orqali hosil sifatini yaxshilashga, yuqori iqtisodiy samaradorlikda erishish mumkin. Yuqorida aytib o'tilganidek, qog'oz qopchalar bilan qopchalash tashqi muhitning biotik va abiotik ta'sirlaridan saqlaydi hamda atrof muhitni ifloslantirmaydi. Ular suvga chidamli bo'lganligi sababli kimyoviy moddalar g'ujumga ta'sir etmaydi va bu organik mahsulot yetishtirish imkonini beradi. Matoli qopchalarning esa namlikni o'tkazishi ularning katta kamchiligi hisoblanadi. O'rganilgan variantlar ichida eng yuqori qanddorlik oxirgi muddatda oq va sariq qog'oz qopchalar kiygizilgan uzum boshlarida aniqlandi.

Farangis BOYTO'RAYEVA, tayanch doktorant, Toshkent davlat agrar universiteti, **Iloxom NORMURATOV**, professor, q.x.f.d., "Sila kremniy agro tex" MCHJ.

ADABIYOTLAR

1. Ji, X., Wang, B., Wang, X., Shi, X., Liu, P., Liu, F., Wang, H., 2019. Effects of different color paper bags on aroma development of Kyoho grape berries. J. Integr. Agric. 18, 70–82. [https://doi.org/10.1016/S2095-3119\(18\)62008-8](https://doi.org/10.1016/S2095-3119(18)62008-8)
2. Karajeh, M.R., 2018. Pre-harvest bagging of grape clusters as a non-chemical physical control measure against certain pests and diseases of grapevines. Org. Agric. 8, 259–264. <https://doi.org/10.1007/s13165-017-0197-3>
3. He, L., Xu, X. Q., Wang, Y., Vanderweide, J., Sun, R. Z., Cheng, G., Chen, W., Li, S.D., Li, S.P., Duan, C. Q., Wang, J., Pan, Q. H., 2022. Differential influence of timing and duration of bunch bagging on volatile organic compounds in Cabernet Sauvignon berries (Vitis Vinifera L.). Aust. J. Grape Wine Res. 28, 75–85. <https://doi.org/10.1111/ajgw.12518>
4. Temurov Sh. Uzumchilik – O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent – 2002. 12-15 b.

5. Wang, X.-Y., Wang, H.-L., Zhang, G.-J., Yan, A.-L., Ren, J.-C., Liu, Z.-H., Xu, H.-Y., Sun, L., 2022. Effects of Fruit Bagging Treatment with Different Types of Bags on the Contents of Phenolics and Monoterpenes in Muscat-Flavored Table Grapes. Horticulturae 8, 411. <https://doi.org/10.3390/horticulturae8050411>

6. Zha, Q., Xi, X.J., He, Y., Jiang, A.L., 2019. Bagging Affecting Sugar and Anthocyanin Metabolism in the Ripening Period of Grape Berries. Not. Bot. Horti Agrobot. Cluj-Napoca 47, 1194–1205. <https://doi.org/10.15835/nbha47411577>

7. Zhou, S.-H., Guo, R.-R., Wei, R.-F., Liu, J.-B., Yu, H., Shi, X.-F., Zhang, Y., Xie, T.-L., Cheng, G., 2020. Effects of bagging or the combination of umbrella and bag treatments on anthocyanin accumulation in the berry skin of 'Kyoho' (Vitis labruscana) Grape. Food Sci. Technol. 40, 394–400. <https://doi.org/10.1590/fst.41218>

УЎТ: 634.23:58.085:581.165.7

ТАДҚИҚОТ

ГИЛОСНИНГ МИКРОПАЙВАНД ҚИЛИНГАН “БАҲОР” НАВИДА ГОРМОНЛАР ТАЪСИРИДА ИЛДИЗ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада гилоснинг “Баҳор” навини илдиз олдиришда IBA-1,0, 2,0 мг/л ва NAA-1,0 1,5 2,0 мг/л гормонлар таъсирида илдизчалар сони, узунлиги ва илдиз олиш фоизи келтирилган.

Калит сўзлар: Гилос, нав, микроклонал кўпайтириш, озуқа муҳити, гормон, илдизланиш.

Аннотация. В статье представлены количество, длина и процент укоренения под влиянием гормонов IBA -1,0, 2,0 мг/л и NAA -1,0 1,5 2,0 мг/л при укоренении вишни сорта “Бахор”.

Ключевые слова: Вишня, сорт, микроклональное размножение, питательная среда, гормон, укоренение.

Annotation. In the article, the number of rootlets, the length of rootlets and the percentage of rooting under the influence of IBA-1.0, 2.0 ml/l and NAA-1.0 1.5 2.0 mg/l hormones during the rooting of the «Bahor» variety of cherry are highlighted.

Key words: Cherry, variety, microclonal propagation, nutrient medium, hormone, rooting.

Кириш. Микропайванд қилинган гилос навларида илдизлар ҳосил бўлиш жараёнига бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Ички омилларга фитогормонларни, аниқроғи, ауксинларнинг таъсирини мисол қилса бўлади. Барчага маълумки, ауксинлар ўсимликларнинг илдиз олиш жараёнида асосий ўрин тутати. Ауксинлар илдизларнинг ўсиш ва ривожланишини назорат қилади, шунингдек, ёнилдизларнинг шаклланишини фаоллаштиради.

Микроўсимликларни илдиз олдириш ва илдиз тизимини шакллантириш учун NAA, IBA (илдиз шакллантирувчи кукунлар) кенг қўлланилади. Илдиз тизимининг муваффақиятли шаклланиши, ёғочли ўсимликларни вегетатив кўпайтиришдаги асосий фазалардан бири ҳисобланади ва ауксинлар бунга бевосита таъсир этади.

Гилос навларида адвентив илдизларнинг шаклланиши – бу ҳарорат, ёруғлик, фитогормонлар (айниқса, ауксинлар), шакар, минерал тузлар ва бошқа молекулалар каби экологик ва эндоген омиллар ёрдамида фаоллаштирилаётган ва бошқариладиган жараён ҳисобланади.

Фитогормонлар ўсимликларга бевосита (хужайра бўлиниши ва ўсишга) ва билвосита (бошқа гормонлар ва молекулалар билан қўшилган ҳолда) таъсир этади.

Ауксин ва гиббереллин каби ўсишни бошқарувчи моддаларнинг ўсимлик тўқма ва хужайраларини сунъий шароитда ўстиришда ўрни катта. Нафтил сирка кислотаси (NAA) каби ауксинлар *in vitro* шароитида ўсимликларнинг илдиз олишини самарали тезлаштиради.

Бизга маълумки, ауксин адвентив илдизланиш жараёнига кескин даражада таъсир этадиган эндоген гормонлардан энг асосийси ҳисобланади. Илдизланишнинг физиологик даражалари эса ауксин концентрацияси билан боғлиқ бўлиб, ауксиннинг юқори эндоген концентрацияси одатда илдиз олиш жараёнининг бошланғич фазасида юқори илдизланиш даражаси билан боғлиқ.

Ўсимликларда *in vitro* шароитида илдиз шаклланишини фаоллаштираш учун микроэлементлар миқдори камайтирилади ва, шунингдек, турлича витаминлар комбинациялари қўлланилади.

Илдиз ривожланиши учун мўлжалланган озуқа муҳити таркибида фитогормонлар ва фаоллаштирилган кўмир қошимча сифатида қўлланилиши илдиз ривожланишига ижобий таъсир қилиши мумкин.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Тадқиқотлар 2019-2022 йиллар академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг “Биотехнология” лабораториясида Ж. Драйвернинг “Лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробирка) ўстириш” бўйича услубий қўлланмаси асосида ўтказилди ҳамда тажрибалар 4 хил вариантда ва 4 та такрорийликда қўриб чиқилди. Ҳар бирида такрорийликларнинг жойлашуви Б.Н.Доспехов услуби орқали амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, турли хил озуқа муҳитларида гилоснинг “Баҳор” навини илдиз олдиришда IBA (индол 3-мой кислота) ва NAA (нафталин ацетат кислота) гормонларининг таъсирида

навларнинг илдизчалар сони, илдизчалар узунлиги ва илдизланиш фоизи ўрганилди.

Гилоснинг “Баҳор” нави MS назорат (мурасиге ва Скуг, 1962) озуқа муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 2 мг/л гормонлар таъсирида илк илдизланиши 1-мартга, тўлиқ илдизланиши эса 7-мартга тўғри келди.

Гилоснинг “Баҳор” навининг илдизлар сони 4,25 дона, илдизчалар узунлиги 3,93 см ва илдизланиши 57,5% ни ташкил қилди (1-жадвал).

Баҳор нави 2-вариант DKW (Драйвер ва Кунюки, 1984) озуқа муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 1,5 мг/л гормонлар таъсирида илк илдизланиши 28-февралда, тўлиқ илдизланиши эса 6 мартга тўғри келиб, илдизлар сони 4,48 дона, илдизчалар узунлиги 4,15 см ва илдизланиши 91,5% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан навларнинг тўлиқ илдизланиши 4 кунга эрта, илдизчалар сони 1 донга кўп, илдизчалар узунлиги 0,72 см.га ва илдизланиши 37,7% га юқори эканлиги кузатилди.

1-жадвал.

Турли озуқа муҳитларида гилоснинг “Баҳор” навини илдиз олдиришга IBA ва NAA гормонларининг таъсири, 2019-2022 й.

Озуқа муҳити	Концентрация меъёри, мг/л	Илк илдизланиш, сана	Тўлиқ илдизланиш, сана	Илдизчалар		
				сон, дона	узунлиги, см	илдизланиш, %
MS назорат	IBA-1+ NAA-1	2/III	11/III	3,25±0,03	3,55±0,05	26,3
	IBA-2+ NAA-1	2/III	10/III	3,98±0,06	4,1±0,06	42,5
	IBA-2+ NAA-1,5	1/III	9/III	3,48±0,03	3,43±0,06	53,8
	IBA-2+ NAA-2	1/III	7/III	4,25±0,1	3,93±0,05	57,5
DKW	IBA-1+ NAA-1	1/III	7/III	2,28±0,05	1,4±0,07	17
	IBA-2+ NAA-1	28/II	6/III	4,05±0,09	3,5±0,04	75,8
	IBA-2+ NAA-1,5	28/II	5/III	4,48±0,05	4,15±0,06	91,5
	IBA-2+ NAA-2	28/II	5/III	4,53±0,05	4,2±0,07	88,5
MS _{так}	IBA-1+ NAA-1	1/III	9/III	2,55±0,03	2,28±0,09	35
	IBA-2+ NAA-1	1/III	7/III	4,83±0,06	4,13±0,05	52,5
	IBA-2+ NAA-1,5	28/II	5/III	4,83±0,05	4,45±0,03	80,8
	IBA-2+ NAA-2	28/II	5/III	5,3±0,04	4,48±0,06	73,3
WPM	IBA-1+ NAA-1	6/III	14/III	1,73±0,06	1,63±0,09	4,5
	IBA-2+ NAA-1	4/III	14/III	2,23±0,05	2,55±0,09	8,8
	IBA-2+ NAA-1,5	4/III	13/III	3,03±0,05	2,73±0,05	14,3
	IBA-2+ NAA-2	4/III	13/III	2,73±0,05	2,2±0,04	9,5
	ЭКФ05	-	-	0,1	0,2	-
	ЭКФ%	-	-	3,6	5,1	-

3-вариант MS_{так} озуқа муҳиtida IBA - 2 мг/л ва NAA – 2 мг/л гормонлар таъсирида илк илдиzlаниши 28 февралда, тўлиқ илдиzlаниши эса 5-мартга тўғри келиб, илдиzlлар сони 5,3 дона, илдиzlчалар узунлиги 4,48 см.ни ва илдиzlланиши 73,3% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан навнинг тўлиқ илдиzlланиши 2 кунга эрта, илдиzlчалар сони 1,05 донага кўп, илдиzlчалар узунлиги 0,55 смга ҳамда илдиzlланиши 15,8% га юқори эканлиги қайд этилди.

4-вариант WPM озуқа муҳиtida IBA - 2 мг/л ва NAA – 1,5 мг/л гормонлар таъсирида илк илдиzlланиши 4 мартда, тўлиқ илдиzlланиши 13 мартга тўғри келиб, илдиzlлар сони 3,03 дона, илдиzlчалар

узунлиги 2,73 см.ни ва илдиzlланиши 14,3% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан илк илдиzlланиш 3 кунга кеч, тўлиқ илдиzlланиши бир хил, илдиzlчалар сони 0,45 донага кам, илдиzlчалар узунлиги 0,70 см.га кам ҳамда илдиzlланиши 39,58% га паст эканлиги қайд этилди.

Хулоса. Гилоснинг “Баҳор” нави учун энг яхши илдиzlланиш кўрсаткичи, DKW озуқа муҳиtida IBA - 2 мг/л ва NAA – 1,5 мг/л гормонлар таъсирида навнинг илдиzlланиши 91,5% ни, илдиzlчалар сони 4,48 дона ва илдиzlчалар узунлиги 4,15 см ни ташкил қилиши билан ажралиб чиқди.

Саломат АБДУРАМАНОВА, қ.х.ф.д., кат.и.х.,
Тошкент давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Драйвер Ж. “Лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробирка) ўстириш” бўйича услубий қўлланма. Т.:2015. Б.30.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М., Колос. – 1979. – С. 72-85, 167-172.

УЎТ: 635.925

ТАДҚИҚОТ

ЛОЛА ПИЁЗИНИ ЭКИШ УСУЛИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ АГРЕГАТ

Аннотация. Республикамизда гулчиликни ривожлантириши хусусан Наманган вилоятида лола пиёзини сифатли ва арзон етиштириши ва уни саноат даражасига кўтариши мақсадида, лола пиёзини экиш билан шуғулланиб келган ривожланган чет эл давлатларида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ўрганилиб конструктив схемаси содда ва таннархи арзон лола пиёзини экувчи агрегатлар таҳлилидан келиб чиқиб лола пиёзини экиш усули ва уни амалга оширадиган агрегатнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди

Аннотация. Развитие цветоводства в нашей республике в частности, с целью повышения качества и доступности выращивания лука-тюльпана в Наманганской области и поднятия его на промышленный уровень, были изучены исследовательские работы, проводимые в развитых зарубежных странах, занимающихся посадкой лука-тюльпана.

Annotation. The development of floriculture in our republic, in particular, in order to improve the quality and accessibility of tulip onion cultivation in Namangan region and raise it to the industrial level, research conducted in developed foreign countries engaged in planting tulip onions was studied.

Кириш. Сўнгги йилларда республикамизда гулчиликни ривожлантириш, хусусан, Наманган вилоятида лола пиёзини етиштириш ва уни саноат даражасига кўтариш вазифаси қўйилган. Бундан келиб чиқиб суғориладиган ерларда лола пиёзини етиштириш кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг ер, сув, иқлим ва тупроқ шароити лола пиёзини экиб, улардан юқори ҳосил олиш имконини беради. Бу эса халқимизни сердаромад соҳа бўлган гулчилик билан таъминлашни кескин яхшилайти ва жуда катта даромад келтиради. Бу эса лола пиёзларини экиш усули ва уни амалга ошириш агрегатини яратиш чораларини қўришни тақозо этмоқда.


Ўзбекистон шароитида, хусусан, Наманган вилоятида лола етиштириш бўйича сўнгги беш йилда катта ишлар олиб борилмоқда. Фермер ва якка деҳқон ҳўжаликларида лола етиштирилмоқда. Аммо лола пиёзини экиш жараёнлари қўл меҳнати орқали амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида эксплуатацион сарф ва харажатлар катта бўлмоқда. Бундан ташқари, катта майдонларда лола пиёзларини экиш жараёнларини амалга оширишни умуман иложи йўқ. Сабаби вегетацион вақт кечикиб кетади.

Қишлоқ ҳўжалиги ривожланган давлатларда (Нидерландия, Испания, АҚШ, Франция, Германия, Хитой, Малайзия ва бошқалар) гулчилик, хусусан, лола пиёзини етиштириш бўйича маълум

даражада изланишлар олиб борилган. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатдики, у ёки бу усулни қўллаш минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитларига ҳамда ишлов бериш чуқурлигига боғлиқ бўлади. Мавжуд агрегатлар тузилиши жиҳатдан мураккаб. Бундан ташқари, металл ва энергия сарфининг катталиги сабабли эксплуатацион харажатлар юқори бўлиб, иш самарадорлиги талаб даражасида эмаслиги сабабли уни сотиб олиш иқтисодий томондан имкониятларни чеклайди.[2]

Бу борада амалга оширилган ишлар ичида тупроққа бир неча қаторлаб экиш услуги ва уни амалга ошириш агрегатини яратиш катта аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар. Лола пиёзларини экиш усули тупроқнинг профилли юзасида уруғ жўякларини шакллантириш, уларга лола пиёзларини маълум ораликда жойлаш ва устини тупроқ билан қўмиш, бир вақтнинг ўзида камида учта жўяклар ҳосил қилинади, экилган лола пиёзларини маълум ораликда ва чуқурликда экиш амалга оширилиб, загартаж билан пиёзлар усти ёпилади, сўнгра тупроқусти диски каток билан зичланади.



1-расм. Лола пиёзини экувчи агрегат

Расмда лола пиёзини экиш учун агрегатнинг ён томондан кўриниши келтирилган.

Тавсия этилган лола пиёзини экиш агрегати олд 1 ва орқа 2 ишлайдиган ғилдираклар билан экиш қисмининг 3 рамкасини ўз ичига олади. Иккита ярим бункер 4 дан иборат бункер 1 рамкага ўрнатилади, уларнинг ҳар бири вертикал равишда жойлаштирилган 5 қисм билан уч қисмга бўлинади. Ҳар бир бўлимда эгилган челақ 6 шаклида ясалган камон ушлагиш билан жиҳозланган занжирли конвеер 7

мавжуд. Конвеерларнинг узатмаси транспортёр 6 вал 8 орқали, етакланувчи юлдузча 9 ва занжирли узатмалар қутиси 10 орқали амалга оширилади, кинематик равишда орқа юриш ғилдираги билан боғланган. Бункер 4 нинг ҳар бир кичик секцияси пиёз узатувчи 12, сошник 13 билан уланган, стойка 14 га маҳкамланган ариқ ҳосил қилувчи лемех 15 бандаж 16 орқали боғланган. Устун 14 лемех билан бирга рама 1 га бир қатор қилиб 150 мм ораликда ўрнатиладиган. Орқасидан устун 17 га зичловчи каток 18 ва загартаж 20 маҳкамланган. Норрег 4 нинг ҳар бир кичик қисми 12 бинт орқали 13 борзодоформинг плоугҳшаре 14 томонидан 16 рафига бириктирилган култер 16 га уланган камон билан жиҳозланган. Шудгорларнинг 14 тоқчалари бир қаторда 1 рамкага бир-биридан 150 мм масофада ўрнатилади ва улардан кейин 17 тоқчаларда 18 ва загардачи 20 рулонлари ўрнатилади.

Агрегат қуйидагича ишлайди: Агрегат олдиндан созланган ишлов бериш чуқурлиги $h=100$ mm, лемех 15 тупроққа ботиб экиш ариқчасини ҳосил қилади. Иш жараёнида бирийўла транспортёр 6, занжирли цеп 10 юлдузча 9, вал 8 ва орқа юриш ғилдираги 3 орқали доимий ҳаракатда бўлади. Пиёз олувчи ковш 7, бункер 4 нинг кичик секцияси пиёзни олиб тўқадиган ковшга ташлайди. Бунда пиёз 19 гравитация кучи таъсирида пиёз узатувчи 12 га кейин эса сошникка тушади. Очiq ариқчага тушган пиёз устидан тупроқ ёпилади ва ҳаракатланувчи загартаж 20 ва устидан каток билан зичланади.

Хулоса. Пиёзини уларнинг йўналишига ҳисса қўшадиган ўзига хос хусусиятларидан фойдаланишга асосланиб, техник воситаларнинг маълум усуллари таҳлил қилиш турли соҳаларда ишлатиладиган йўналтирувчи органлар, дастлабки (тадқиқот) экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Улар кейинги тадқиқотлар учун йўналтирувчи қурилмалар турларини танлаш имконини берди:

- вибрацияли хужайра;
- механик конвеер билан тебраниш трубкиси ва трубкиси;
- ён юзанинг эластик элементлари бўлган ҳунилар.

Ахмаджон НАСРИТДИНОВ, т.ф.д., проф.,
Исмоилхўжа ДЖЎРАЕВ, таянч докторант,
Дилнавоз ХОЖИАКБАРОВА, таянч докторант,
 Наманган муҳандислик-қурилиш институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Суннатилла Абдуллаев. Голландлар Наманганда гул етиштиришга инвестиция қиритиш ниятида. Қалампир. 10.09.2018 й.
2. Гнеев В.П., Бербеков Ю.Т. Механизация процессов посадки и выкопки лукович цветочных культур // Пути интенсификации промышленного цветоводства / Материалы совещ. - Сочи, 1981. - С. 158-161.

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИЛК БОР АЖДАР МЕВАСИ (*PITAHAYA*) МАНЗАРАЛИ МЕВАСИНИ ИН ВИТРО УСУЛДА КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Аннотация. Ҳозирги кунда микроклонал усулида дарахт ва ўсимликларни кўпайтириш давр талабига айланиб бормоқда. Чунки, бу усуллар кичик майдонларда кўп кўчат етиштириш имконини беради. Шунинг учун, илк бора Ўзбекистонда манзарали ва доривор аждар мевасини кўпайтириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аннотация. В настоящее время требованием времени становится выращивание деревьев и растений микроклональным методом. Потому что эти методы позволяют вырастить много рассады на небольших площадях. Поэтому впервые в Узбекистане проводятся научно-исследовательские работы по выведению декоративной и лекарственной драцены.

Annotation. Currently, growing trees and plants using the microclonal method is becoming a requirement of the time. Because these methods allow you to grow many seedlings in small areas. Therefore, for the first time in Uzbekistan, research work is being carried out on the cultivation of decorative and medicinal dracaena.

Кириш. Бугунги кунда, дунё миқёсида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш билан бирга гулчилик соҳасини ҳам ривожлантириш ва ландшафт дизайн, аҳоли, боғ-парк ҳамда автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш бўйича бир қатор илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Халқаро боғдорчилик ва мевачилик Ассоциацияси ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мавжуд дарахтлар ассортиментида 290 та тур мавжуд бўлиб, шундан 50 таси асосий турлар сифатида ўстирилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон иқлим шароитида илк бора манзарали доривор *Pitahaya* мевасини ўстириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Халқ тилида “Аждар мева” деб ном олган бу дарахт кактусдошлар оиласига мансуб бўлиб морфологик жиҳатдан баландлиги 4 метргача бўлади. Бир йилда 50 см ўсганда гуллаш ва мевалаш даври бошланади. Ҳозирги кунда лаборатория шароитида ўстирилди ва тупроқ муҳитига ўтказилди ва иқлимлаштириш жараёни кетмоқда. [1] (1-расм).

Тадқиқот методологияси. Дунё миқёсида *Pitahaya* турларнинг хилма-хиллиги, гулларининг ноодатий кўриниши ва уруғларнинг турли шакл ва ўлчамда бўлишини кузатишимиз мумкин. *Pitahaya*

уруғлари жуда кичик ва узунлиги 1 мм дан 6 мм гача бўлиб эни 0,5 дан 0,93 мм гача ва оғирлиги 0,3 дан 14 гр гача бўлади. Ушбу манзарали мевани уруғидан ўстиришда Кнудсоннинг методикасидан фойдаланилди. Хусусан, МС+ВАП+НАА ларнинг турли миқдорларда тадқиқот ўтказилди ва стерилизация усулларида ҳам Кнудсон методикасидан фойдаланилди. [2]

Таҳлил ва натижалар. Ўсимликнинг уруғлари ва поясидан экишдан аввал албатта стерилизация қилинди. Бунда детол совунли эритмада яхшилаб 5 дақиқа давомида ювилади ва қуритилади. Сўнг дистилланган сувда 3 марта ювилади ва яна қуритиш шкафида қуритилади. Шундан сўнг 96% ли спиртга кўзоқчани солиб 3 марта ёқилади ва сирти стерилланган кўзоқчаларнинг уруғларини ажратиб олиш учун стерилланган пичоқча билан петре ликопчасини ичида бўйига иккига ажратилади ва обдон стерилланган махсус озуқа вариантларга зигзаг усулида экилади. *Pitahaya* мевасини етиштириш технологиясида асосан 4 вариантда 1-уруғидан 2-поясидан ва 3-куртакларидан in vitro усулида кўпайтирилди, 4-кўчат пояларига цитокинин гормони орқали янги кўчатлар чиқишига эришилди.



А




В



Б



Г



Д

1-расм. *Pitahaya* манзарали мевасининг кўринишлари. (А гуллаган даври, Б мевасининг кўриниши, В мева тугиш даври, Г Лабораторияда ўсгани, Д тупроқ муҳитига ўтказилган ҳолати.)



1-схема. Тажрибадаги вариантларнинг схематик кўриниши.

Энг мақбул вариант деб 1-усул танланди (1-схема).

Чунки, 1 дона уруғни ўстириш учун озуқа муҳитига ВАР препаратини 0,4 мг этиб қўшилганда жуда кўп миқдорда каллус олишга эришилди. Олинган каллуслардан 100 тагача кўчат етиштириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин: лаборатория шароитида *Pitahaya* манзарали мевасини уруғидан ўстириш энг мақбул усул деб топилди. Бунда 1 та уруғдан 100 тагача кўчат олиш аниқланди, яъни микроклонал шароитда *in vitro* усулида кичик жойларда кўп кўчат етиштириш имконини беради.

Сурайё МИСИРОВА,
қ.х.ф.д., профессор,

Наманган муҳандислик-технология институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Вилданова К.Д. Декоративные кустарники. Учебное пособие. –Ташкент: “Шарк”, 2006. -96
2. Иванова Л., Иноземсева Е. Выращиваем лилии в Заполярье // Световодство. -Москва.- 2011. -№3.-18-19 с.
3. Botella, J.R., Fairbairn, D.J. (2005). Present and Futute Potential of Pineapple Biotechnology. Acta Horticulture 666: 312-318. www.florist.planet-earth.s, www.floriculture.ru.

ЎЎТ: 338.439.222+633.18

ТАДҚИҚОТ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ГУРУЧ НАРХИНИНГ ЎСИШИ ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?

Аннотация. Мазкур мақолада халқаро статистик маълумотлар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кундаги аҳамияти ва жаҳонда гуруч нархининг ошиши сабаблари таҳлил этилган.

Аннотация. В данной статье на основе международных статистических данных изучаются и анализируются актуальное значение обеспечения продовольственной безопасности, причины роста цен на рис в мире.

Annotation. This article, based on international statistical data, studies and analyzes the current importance of ensuring food security, the reasons for rising prices for rice in the world.

Кириш. Инсониятнинг асосий истеъмолига айланган маҳсулотларидан бири гуруч ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда дунё аҳолисининг деярли ярмидан кўпроғи ушбу маҳсулотни севиб истеъмол қилади. Ўзбек халқининг ҳам асосий истеъмолида гуручдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари эгаллайди. Хусусан, айтиш жоизки, мамлакатимизда гуручдан кундалик истеъмол ва тўй тадбирлари учун тайёрланадиган “Палов” (халқ тилида “Ош” деб номланади) халқимизнинг сеvimли таомига айланиб улгурди. Халқимизда бир нақл борки, “Кунингдан бир кунинг қолса ҳам, пулингдан бир пулинг қолса ҳам ош егин” деб айтилиши бежиз эмас, зеро, гуручдан тайёрланган ушбу ажойиб таом сифатида Ўзбек таомнамасини жаҳонга танитган “Бренд” озиқ-овқат таомига айланди десак, муболага қилмаймиз.

Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва гуруч нархининг ўзгариши таъсири халқаро даражада статистик манбалар асосида қиёсий таҳлиллар олиб борилди. Жаҳон гуруч бозори нархлари ошишининг услубий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида гуруч дунёда энг кўп истеъмол қилинадиган озуқа манбаларидан биридир. Жаҳонда аҳолисининг гуруч истеъмоли билан ажралиб турадиган Хитой бошқа мамлакатларга қараганда 2022 йилнинг якунларига кўра 155 миллион метрик тонна гуруч маҳсулотларини истеъмол қилган. Гуруч истеъмоли бўйича Хитойдан кейинги ўринни Ҳиндистон эгаллаган ҳолда айнан 2022 йилнинг ўзида мамлакатнинг гуруч истеъмоли 108,5 миллион тоннани ташкил қилган [3].

Жаҳоннинг асосий гуруч маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси сифатида Ҳиндистон давлати 2023 йилнинг сентябрнинг бошида айнан мамлакат бўйлаб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гуруч экспортини 80 фоизгача чеклаган ҳолда 20 фоизлик қўшимча солиқ тўловини жорий қилди ҳамда гуруч етказиб беришда чекловлар белгилаб қўйилди.

Гуруч шולי экини сифатида бир неча дюймли сув билан тўлдирилган далада ўстирилиши билан ажралиб туради. Ажабланарлиси шундаки, Хитой ва Ҳиндистон ҳам дунёдаги энг йирик гуруч ишлаб чиқарувчилари сифатида рўйхатда биринчи ўринда туради. Гуруч шундай нейтрал таъмга эгаки, уни деярли ҳар қандай таомга қўшиб истеъмол қилиниши ва ҳар қандай таомга лаззат бахшида этиши билан қадрлидир. Хитойда гуруч кўпинча бугда пиширилади ва қовурилган гўшт ва сабзавотлар билан бирга берилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тарихида гуручнинг ўрни. Тарихий манбаларга назар ташлайдиган милоддан аввалги 2500 йилларда гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида истеъмол қилингани тарих зарварақларида битилган. Тарихий манбаларга кўра, гуруч етиштириш Хитой ва унинг атрофидаги ҳудудлардан бошлаб, Шри-Ланка ва Ҳиндистон бўйлаб кенг тарқалган. Шунингдек, кейинчалик Юнонистонга ва Ўрта Ер денгизи ҳудудларига ўтган.

Гуручнинг иқтисодий аҳамияти. Жаҳон миқёсида бугунги кунда гуруч аҳоли жон бошига глобал энергиянинг 21 фоизини ва жон бошига тўғри келадиган протеиннинг 15 фоизини таъминлаб беради. шу билан бирга, гуруч оқсили асосан шולי экини сифатида донли экинлар орасида озукавий сифати бўйича юқори ўринда турса-да, оқсил миқдори оддий. Гуруч озиқавий маҳсулот сифатида турли минераллар, витаминлар ва толалар билан таъминлайди.


Дунё бўйлаб гуруч етиштириш жараёни. Халқаро статистика манбаларига кўра, 2010-2021 йиллардаги экин йилларида жаҳон шולי экин майдонлари ҳажми ортаётганлигидан далолат беради. Хусусан, 2010 йилда 161,7 миллион гектарга шולי экинлари етиштирилган бўлса, 2021 йилда дунё бўйлаб 165,25 миллион гектар ерда шולי экилди. Шунингдек, Ҳиндистон гуруч етиштириш бўйича дунёда етакчи бўлиб, тахминан 45 миллион гектар ердан гуруч йиғиб олишга эришилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда майдаланган гуруч ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 2008 йилда бутун дунё бўйлаб қарийб 55 миллион метрик тонна етиштирилган бўлса, 2023 йил бошида глобал даражада гуруч маҳсулотларини етиштириш ҳажми 510 миллион метрик тоннага чиқди [3].

Анъанага кўра, Осиё мамлакатлари жаҳон гуруч ишлаб чиқаришда энг катта улушга эга. Сўнгги расмий маълумотларга кўра, ўтган 2021 йилда 212 миллион метрик тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш ҳажми билан Хитойга тўғри келган келган ҳолда жаҳонда шולי етиштириш бўйича етакчилиكنи сақлаб қолган ҳолда Ҳиндистон ва Бангладеш кейинги ўринларни эгаллаган.

Гуруч етиштиришда АҚШ бозори. Қўшма Штатлар ҳам жаҳон миқёсидаги гуруч ишлаб чиқарувчилар орасида ўзига хос ўринга эга. Мамлакатда гуруч етиштириш қиймати 2021 йилда уч миллиард АҚШ долларида сал кўпроқни ташкил этди. Гуруч етиштириш бўйича АҚШ нинг етакчи штатлари сифатида Арканзас, Калифорния ва Луизиана штатлари етакчилик қилмоқда. Қўшма Штатлар, шунингдек, дунёдаги етакчи бешта гуруч экспортчиларидан бири бўлиб, биринчи навбатда бу товарни Мексика, Гаити ва Японияга етказиб беради.

Глобал савдо ва гуруч нархлари. Асосий гуруч экспорт қилувчи давлатлар қаторига Ҳиндистон, Вьетнам ва Таиланд киради. Ҳиндистон 2021/2022 йиллар ҳолатига кўра 18,75 миллион тонна гуруч экспорти ҳажми бўйича дунё бўйлаб биринчи ўринда туради. Вьетнам иккинчи йирик гуруч экспортчиси бўлиб, дунё бўйлаб тахминан 6,5 миллион метрик тонна гуруч ишлаб чиқарган. Энг йирик гуруч импортчилари асосан Филиппин ва Хитой ҳисобланади.



1-расм. 2016 йилдан 2022 йилгача бутун дунё бўйлаб гуруч нархлари индекслари [3]

Охирги йилларда жаҳон бозорида оқ гуручнинг чакана нархида сезиларли даражада ўзгариш бўлди ва нархнинг ошишига олиб келди. 2022 йилда АҚШда узун донли оқ гуручнинг бир фунти ўртача нархи 92 центни ташкил этган ҳолда 2004 йилдаги нархга нисбатан деярли икки бараварга ўсиши кузатилмоқда.

Маълумотларга кўра, жаҳон бозорида 2023 йилнинг июнь ойи ҳолати бўйича, ўртача гуруч нархи 1,93 доллар (22 минг 364 сўм), энг арзон нарх эса Тунисда 0,52 доллар (6 минг 25 сўм), максимал нарх Сербияда 4,84 доллар (56 минг 86 сўм) ни ташкил этмоқда.

Хўш, бу ҳолатда жаҳон бозорида гуруч нархининг ўсаётганлиги мамлакатимиз гуруч бозорига таъсир қиладими?

Ўзбекистон деҳқон бозорларида ҳозирги кунда гуручнинг 1 килограмми нархи гуруч навидан келиб чиққан ҳолда 11 минг 500 сўмдан то 25 минг сўмгача сотилмоқда. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35,2 фоизга қимматлашганини кўрсатади. Шунингдек, гуручнинг “Avangard” нави 11 минг 500 сўмдан 17 минг 500 сўмгача, “Аланга” нави 16 мингдан 18 минг 500 сўмгача, “Лазер” нави гуруч эса 19 минг 500 сўмдан 25 минг сўмгача сотилаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича гуруч нархларини таққослайдиган бўлсак, гуручнинг минимал нархи бўйича “Нукус деҳқон бозори” ва “Гулистон деҳқон бозори”да (“Нукус-2” ва бошқа маҳаллий нави гуручлар) 11 минг 500 сўм эканлиги билан ажралиб турса, юқори нарх билан эса Тошкент шаҳрининг “Фарҳод деҳқон бозори”да “Лазер” нави гуручи 25 минг сўмдан сотилмоқда.

Республикаимиз ҳудудларида 2022 йилда 106 минг гектар майдонларда шולי экилиб, 517 минг

тонна шולי етиштирилган. Гуруч ҳисобида 310 минг тоннани ташкил этади. Яъни, аҳоли талабига нисбатан 43 минг тонна кам гуруч ишлаб чиқарилади (2021 йилга нисбатан 48 минг тонна кўп шולי етиштирилган). Таҳлилларга кўра, 2022 йилда республика бўйича 8 минг тонна гуруч импорт қилинган бўлса, 2023 йилда 53,5 минг тонна гуруч импорти амалга оширилган. Яъни истеъмолга нисбатан 10 минг тонна ортиқча гуруч импорт қилинган.

Хулоса. Шу ўринда айтиш жоизки, йилдан-йилга дунё аҳолиси сонининг ортиши, глобал иқлим ўзгаришлари, сув тақчиллигини юзага келиши ва қишлоқ хўжалиги ерларининг деградацияга учраши ҳамда табиий офатлар ҳажмининг ортиши гуруч етиштиришга ўз таъсирини кўрсатади, бу эса бевосита гуруч нархининг ошишига ҳам олиб келиши табиий ҳол.

Акрам ЯДГАРОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти, и.ф.д. (DSc),

Муниса САИДОВА,

Тошкент давлат аграр университети
профессори в.б., б.ф.д. (DSc).

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг “Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида” қарори, 06.12.2017 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2483-1. 2017 йил 15 ноябрь, 35-сон.

3. <https://www.statista.com/topics/1443/rice> - сайти маълумотлари.

УЎТ: 338.439.222+633.18

ТАДҚИҚОТ

ПАРРАНДАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ РАВБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада, паррандачилик соҳасини ривожлантириш бўйича сўровнома ўтказиб, мавжуд муаммолар аниқланди ва паррандачилик соҳасини ривожлантиришда давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш бўйича таклифлар берилди.

Калит сўзлар: Паррандачилик, паррандачилик соҳаси, паррандачилик маҳсулотлари, моддий-техника, ишлаб чиқариш, озуқа базаси, инновацион гоялар, рағбатлантириш, инвестиция, кредит, жамғарма, банк, субсидия, солиқ, божхона божси.

Аннотация. В статье проведено исследование развития птицеводства, выявлены существующие проблемы и сделаны предложения по экономическому стимулированию государства в развитии птицеводства.

Ключевые слова: Птицеводство, отрасль птицеводство, продукция птицеводства, материал и технология, производство, кормовая база, инновационные идеи, льготы, инвестиции, кредит, сбережения, банковское дело, субсидия, налог, таможенная пошлина.

Annotation. The article conducted a study of the development of poultry farming, identified existing problems and made proposals for economic stimulation of the state in the development of poultry farming.

Key words: Poultry farming, poultry farming, poultry products, material and technology, production, feed supply, innovative ideas, benefits, investments, credit, savings, banking, subsidies, taxes, customs duties.


Кириш. Иқтисодий иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири бўлган паррандачилик соҳасида паррандачилик субъектларини модернизация қилиш, унинг рақобатбардорлигини ошириш, соҳада инновацион фаолиятни амалга ошириш мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи омиллардан бири десак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, паррандачилик субъектларида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш, уни қайта ишлаш жараёнларининг барча босқичларини илмий асосда ташкил этиш, фан янгиликлари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, уни рағбатлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш энг самарали усулларида бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва соҳа иқтисодиётини мустаҳкамлаш биринчи навбатда, соҳани ривожлантиришда давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва уни татбиқ этиш ҳолатига бевосита боғлиқ. Шу боис, истиқболда паррандачилик соҳасини янада самарали ривожлантиришда давлат томонидан рағбатлантиришни кенгайтириш ва уни механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Паррандачилик соҳасини ривожлантиришда давлат томонидан иқтисодий рағбатлантиришни таҳлил қилишда, монографик сўровнома, тизимли ёндашув, таққослаш, статистик гуруҳлаш усулидан фойдаланиб, динамик қаторлар ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб таҳлил қилинди. Бу усул паррандачилик соҳасини ривожлантиришда давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш орқали паррандачилик маҳсулотларини етиштириш истиқболларини белгилаб беради.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини инновацион асосда ривожлантириш учун паррандачилик субъектларини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш механизмлари катта аҳамиятга эгадир. Шу боис, тадқиқотлар давомида паррандачилик субъектларини давлат томонидан иқтисодий


рағбатлантириш йўллари сифатида субсидиялар орқали рағбатлантириш мезонлари ва уни амалга ошириш механизмини аниқлаш мақсадида, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Ўзун туманларида паррандачилик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар ўртасида сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровномада Жарқўрғон туманидан 58 нафар, Қумқўрғон туманидан 74 нафар ва Ўзун туманидан 68 нафар жами 150 нафар респондентлар қатнашишди. Паррандачилик субъектларида инновацион техника ва технологияларни жорий этиш, озуқа захирасини яратиш ва сақлаш, янги зот ҳамда наслчилик ишлари харажатларини субсидиялаш бўйича рағбатлантириш мезонлари дастак қилиб олинди. Ушбу ўтказилган сўровномалари натижаларига мувофиқ, респондентларнинг 89,1% и паррандачилик субъектларида инновацион технологияларни импорт қилиш мураккаблиги, қимматлиги ва бож тўловлари юқори эканлигини таъкидлашган. Респондентларнинг 88,7% озуқа захирасини етарли эмаслигини ҳамда сақлаш харажатлари юқори эканлигини, шунингдек, респондентларнинг 92,3% субъектларда паррандаларнинг янги зот ва наслчилик харажатлари юқорилигини билдиришган (1-расм).



1-расм. Сўровнома натижалари таҳлили.

Шу билан бирга, солиқ ва божхона имтиёзлари орқали рағбатлантириш мезонлари ва уни амалга ошириш механизмини аниқлаш мақсадида, паррандачилик субъектларида аҳолидан сотиб олинган тухум учун, импорт қилинган озуқа ва унинг қўшимчаларини ҚҚСдан озод қилиш, инновацион технопарк ва лабораториялар қуриш учун солиқ имтиёзларини бериш асос қилиб олинди. Ушбу ўтказилган сўровномалари натижаларига кўра, респондентларнинг 77,1% паррандачилик субъекти томонидан аҳолидан сотиб олиш, 98,7% и озуқа ва унинг қўшимчалари (соя шроти ва мойи, маккажўхори)ни импорт қилиш харажатлари юқорилигини таъкидлашган.

Шунингдек, респондентларнинг 95,3% паррандачилик субъекти ҳудуди ёки унга туташ ҳудудда инновацион технопарк ва лабораториялар қуриш харажатлари юқорилигини маълум қилишган (2-расм).



2-расм. Сўровнома натижалари таҳлили

Ўтказилган сўровнома натижаларига асосланган ҳолда, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, паррандачилик субъектларини давлат

томонидан иқтисодий рағбатлантириш орқали мамлакатимизда паррандачилик маҳсулотларини етиштиришнинг истиқболдаги самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Хулоса ва тақлифлар. Юқоридаги ўтказилган сўровнома натижалари асосида паррандачилик субъектларини давлат томонидан қуйидаги иқтисодий рағбатлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- паррандачилик субъектларида инновацион техника ва технологияларни жорий этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баробаригача бўлган қисми, яъни импорт учун 25 ва маҳаллий маҳсулотлар учун 35 фоизи, буғдой йиғим терим даврида субъект озуқа талабининг 60 фоизини захира қилган хўжаликларга сақлаш харажатларининг 20 фоизи миқдорида ҳамда субъектда яратилган янги зот, наслчилик ишини тижоратлаштириш натижасида олинган фойданинг 50 фоизи миқдорида давлат томонидан субсидия бериш;

- паррандачилик субъекти томонидан аҳолидан сотиб олинган тухумни реализация қилган қисми учун барча солиқ тўловларидан 50 фоизга, озуқа ва унинг қўшимчалари (соя шроти ва мойи, маккажўхори)ни импорт қилишда ҚҚСдан ва божлардан ҳамда паррандачилик субъекти ҳудуди ёки унга туташ ҳудудда инновацион технопарк ва лабораториялар қуришда ер, мол-мулк ва ҚҚСларидан озод қилиш.

Давлат томонидан бериладиган ушбу субсидиялар инновацион техника ва технологияларни жорий этишга, озуқа захирасини яратиш ва сақлашга ҳамда янги зот, наслчилик ишларини ривожлантиришга ҳамда субъектларнинг инновацион фаолиятга бўлган қизиқишларини рағбатлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, аҳолидан сотиб олинган тухум ва инновацион технопарк ва лабораториялар учун сарфланган маблағларни солиқлардан озод қилиш ва импорт қилинган озуқа ҳамда унинг қўшимчаларининг ҚҚС дан озод қилиниши хўжаликлар айланма маблағларининг ошишига замин яратади.

Музаффар РАХМАТАЛИЕВ,
Тошкент молия институти доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). - Тошкент, 2014. - 10 б.
2. Умаров С.Р., Рахматалиев М.Э. Problems and ways of development of quail farming in poultry industry of Uzbekistan. - Journal of "Sustainable agriculture", 2021. - №2(10).
3. Агарков С.А. и др. Инновационный менеджмент и государственная инновационная политика. - Мурманск: Изд-во МГТУ, 2021. - 136 с.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан буён республикамиз раҳбарияти томонидан таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда десам муболаға бўлмайди, албатта. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса охириги беш-олти йиллар давомида бу борада мисли қўрилмаган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йил”и деб эълон қилиниши эса ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада юқори, янги поғонага олиб чиқди.



ФИДОЙИ РАҲБАР ВА ОЛИМ

Академик Э.М.Шайхов портретига чизилар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда таниқли зиёлиларимизни ёд этиб, хотирлаб туриш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир”, – дея таъкидлаган эдилар. Жонажон юртимизда шундай инсонлар борки, атрофдагиларга фақат яхшилик улашади, эл қорига ярашни шарафли бурчи деб билади.

Ўз соҳасининг мукаммал билимдони бўлган бундай инсонлар юртимизда кўплаб топилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Фанлар академиясининг академиги, ҳукуматимизнинг бир қатор орден ва медаллари соҳиби, йирик иқтисодчи олим, ажойиб педагог, халқимизнинг фидойи ва олижаноб фарзанди Эркин Шайхов ана шундай инсонлардан эди.

Эркин Шайхов 1927 йил 13 ноябрда зиёли оиласида таваллуд топган. Меҳнат фаолиятини 15 ёшидан мудофаа заводида бошлаб, сўнгра 6 йил ёшлар етакчиси, 4 йил Бўка туманида биринчи раҳбар, 10 йил Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раиси, 5 йил Қишлоқ хўжалиги вазири ва ниҳоят 21 йил узлуксиз равишда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти, кейинчалик Тошкент давлат аграр университети ректори лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди. У қишлоқ хўжалиги вазирлигини бошқариб, мамлакатимизда деҳқончилик маданиятини юқори поғоналарга кўтаришга ҳисса қўшди, олимлар ва тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида республика шароитига мос равишда вилътга чидамли ғўза навларини яратиш, агротехнологияларни жорий этиш ишларига бошқош бўлди. Э.Шайхов нафақат талабчан раҳбар, тажрибали мутахассис, балки малакали кадрлар тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг ҳам ўзига хос

мактабини яратган муаллим ва мураббий эди.

Тошкент давлат аграр университетининг ўқув бинолари, лабораториялари, спорт иншоотлари, кутубхона ва талабалар турар жойлари олим ва раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари маҳсули сифатида бирин-кетин қад кўтарди, институт университетга айлантирилди ва аграр соҳага кадрлар тайёрлаш бўйича республика таянч ва бош ўқув юрти мақомига эга бўлди. Э.Шайхов қаерда ва қай лавозимда ишламасин, бажарган ишлари, яратувчанлиги, ташкилотчилиги, бошқарувчилик салоҳияти, шунингдек, ёшларга раҳнамолиги билан эл оғзига тушган. У билан бирга ишлаган устозлар, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий соҳаси ходимлари, устознинг шогирдлари фидойи инсон, раҳбар ва олим – Э.Шайховнинг ибратли ҳаёти ва сермаҳсул илмий-педагогик ҳамда ижодий фаолияти, забардаст олимнинг ҳаёт йўли, илм-фанга қўшган салмоқли ҳиссаси ёшларга ибрат мактаби эканлигини, унга суянган инсонларга астойдил ёрдам берган, дўстлари, қадрдонлари, оила аъзоларига бахт ва эзгулик улаша олган олижаноб шахс бўлганини, фан

тараққиётига қўшган ҳиссаси чин маънода ёшлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини чуқур эҳтиром билан таъкидлашади.

Шунингдек, Э.Шайховнинг шогирдлари унинг инсонийлик жиҳатларини хотирлаб, устознинг йўл-йўриқлари ханузгача ҳаёт йўлларида шамчиروқ бўлаётганини мамнуният билан ёдга олишади. Бугунги кунда Тошкент давлат аграр университетида фидойи инсон, раҳбар ва олим – академик

Э.Шайховнинг ибратли ҳаёти ва сермахсул илмий-педагогик ҳамда ижодий фаолияти акс этган музейда иқтидорли талабаларнинг “Ёш иқтисодчи-маркетологлар” илмий тўғараги фаолият олиб бормоқда, мазкур тўғаракнинг ўндан ортиқ фаол битирувчилари номдор стипендияларга сазовор бўлиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ишонамизки, устознинг ҳаёт йўли мамлакатимизнинг истиқболи ва равнақиға муно-

сиб ҳисса қўшишда ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб қолади ҳамда ўсиб келаётган авлодимизнинг Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс асосларини яратишдаги фаол иштирокларини таъминлашга хизмат қилади.

Камолитдин СУЛТОНОВ,
ТошДАУ илмий ишлар
ва инновациялар бўйича
проректори,
қишлоқ хўжалиги фанлари
доктори, профессор.

АНЖУМАН

ИНСОНЛАР ҚАЛБИДАН ЎРИН ОЛГАН АЛЛОМА

Эркин Шайховнинг мамлакатимиз илм-фани, таълим-тарбияси соҳаларига қўшган улкан ҳиссаларини инобатга олган ҳолда, яқинда университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари жамоаси ташаббуси билан Тошкент давлат аграр университетида унинг таваллудининг 96 йиллигига бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш” ҳамда Уч авлод учрашуви мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.



Мазкур анжуманда Э.Шайховнинг замондошлари, фарзандлари, набиралари, яқинлари, Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Акмал Шамсиев академик Э.Шайхов босиб ўтган ибратли умр йўли ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди.

Тадбир давомида академик Э.Шайхов хотирасига бағишланган видеолавҳа тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу видеолавҳа анжуман қатнашчиларида катта таассуротлар қолдирди.

Анжуманда Аграр соҳа аёллари уюшмаси раиси Адиба Ахмеджанова, Тошкент давлат аграр университети фахрий профессори Владимир Зуев, Қишлоқ хўжалиги собиқ вазири Туроб Холтоев, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти профессори Шерали Нурматов, Тош-

кент давлат аграр университети профессори Хўжамурод Кимсанбоев, Тошкент вилояти “Нуроний” жамғармаси раиси Абдусамат Носировлар сўзга чиқиб, устоз Эркин Турдиевич билан боғлиқ хотиралари хусусида ўртоқлашдилар, фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Академик Э.Шайховнинг фарзандлари ҳам сўзга чиқиб, илиқ хотираларини эсладилар, анжуман ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Шунингдек, Зооинженерия факультети талабаси Гулшоода Мухторова Э.Шайхов хотирасига атаб ёзган шеърини ўқиб берди.

Бундай тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг илм-фанга бўлган қизиқишини янада кучайишига, маънавий жиҳатдан юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Зарнигор СОДИҚОВА,
Тошкент давлат аграр университети
матбуот котиби.

ОҚИЛ УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Пахтачилик мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларига юртимизда алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур соҳада етук, ўзига хос мавқега эга устозлардан бири биология фанлари доктори, профессор Жамолхон Аҳмедовдир.

Жамолхон Аҳмедов 1948 йили Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида таваллуд топган. Устоз меҳнат фаолиятини дастлаб 1963 йили давлат ҳўжалигида ишчи сифатида бошлаган. 1972 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг Агрономия факультетини тугатиб, яна ҳўжаликка қайтади ва 1975 йилгача муҳандис бўлиб ишлайди.

Унинг ёшликдан илмга иштиёқи баланд эди. Шу сабабли ўша даврдаги “Ўза селекцияси ва уруғчилиги” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга ўтиб, илмий фаолият билан шуғуллана бошлайди. Натижада, устоз илмда бир қанча жиддий натижаларга эришади.

Устознинг илмий ишлари, асосан, ғўза селекцияси ва уруғчилиги йўналишида, яъни тезпишар, серҳосил, тола сифати бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилгандир. Бажарилган илмий изланишлари натижасида атоқли олим 1984 йили «Ўза навларини тур ичида ва турлараро чатиштиришда комбинациялашни қобилятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2008 йилда эса илмий ишини якунлаб, биология фанлари доктор илмий даражасини олган.

Ж.Аҳмедов кўп йиллар мобайнида бир неча ўрта толали янги ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда бевосита раҳбарлик қилди. Ўзанинг С-4910, “Ватан”, “ЎзПТИ-101”, “Ал-Фарғоний”,

“Бешариқ-96”, “Пахтакор-1”, “ЎзПТИ-102”, “ЎзПТИ-103”, “ЎзПТИ-201”, “ЎзПТИ-203”, “ЎзПТИ-2601”, “ЎзПТИ-2201”, “Янги давр” каби навларининг асосий муаллифларидан биридир.

Кўп йиллик илмий-амалий изланишлари ҳамда ёш ва малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Ж.Аҳмедов 2017 йилда профессор унвонига сазовор бўлди.

Шунингдек, у 2 та монография, 250 дан ортиқ илмий мақолалар, 9 та патент ва 20 дан ортиқ илмий-амалий тавсиялар ҳамда бир қатор ўқув қўлланмаларининг муаллифи ҳисобланади.

Жамолхон Аҳмедов ПСУЕАИ-ТИ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳамда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ва семинар кенгаш аъзоси ҳамда ПСУЕАИТИ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий семинар кенгаши раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз Ж.Аҳмедов собиқ ЎзПТИда бош директорлик фаолияти даврида навларни янгилаш, хусусан, ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иклим шароитига мос, тезпишар, серҳосил, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини яратиш ва жорий этишга алоҳида эътиборини қаратган. Натижада, институт ва унинг филиалларида яратилган



ғўза навлари майдонини ишлаб чиқаришга жорий этишда жонбозлик кўрсатди.

Ж.Аҳмедов 1 нафар фан доктори, 6 нафар фан номзоди, 10 нафар магистр тайёрлаган. Ҳозирда эса икки нафар докторант ва уч нафар мустақил изланувчининг илмий раҳбаридир.

Устозимиз институт салоҳиятини янада оширишда, ёш, иқтидорли кадрлар тайёрлашда, илмий ходимлар, докторантларга диссертация ишларини қисқа муддатда ҳимоя қилишлари учун имконият ва шароитлар яратишда амалий ёрдам беради.

Шунингдек, Ж.Аҳмедов институтнинг етакчи олими сифатида “Пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш” лабораториясига раҳбар бўлиш билан биргаликда, қишлоқ ҳўжалигига тааллуқли олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида миллий кадрлар тайёрлашда, ҳар йилги фермерлар ўқувида фаол иштирок этади.

Фурсатдан фойдаланиб, устозимизга келгусида мустақам соғлиқ, узоқ умр, қишлоқ ҳўжалиги илми ривожига бошқош бўлишларини ва шогирдлари сафининг янада кенгайишини тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ шогирдлари.

ДЕҲҚОН - ОДАМ АТРО КАЎБДОШИ

Ким Аллоҳга ишониб, савоб умидида қаровсиз ерни обод қилса, Аллоҳ унинг ишига ёрдам ва барака беради.

Бир мусулмон бир дарахт ўтқазса ёки бир экин экса ва унинг меvasидан инсон ё қуш ёки ҳайвон еса, унга садақанинг савоби бордир.

Ҳадис

Қум саҳросини ўз меҳнати билан серҳосил ерга айлантирган одам комил диндордир. Дашту саҳрода ўн йил тарки дунё қилиб юрган одамдан кўра ўша чўлга бир туп кўчат ўтқазиб, кўкартирган инсон афзалдир.

Ўз вақтида ерга тоза уруғ сепмоқ ўн минг ибодатдан, ҳар қандай қурбонликдан афзалдир.

“Авесто”дан

Деҳқончилик қилиб зироат экиш фойдаю хайр-барака бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайди.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ



Кимки деҳқонлиғ айлади пеша,
Доғи нон бермак ўлди анга шиор.

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нақл тарин онгла қуруғон ўтун.

Алишер НАВОИЙ.

Косибдан ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ.
Ҳамма жондорга этмиш ризқ тортиқ.

Жаҳон хуррамлигин боиси деҳқон.
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.

Бу ишдан яхши оламда не бордур,
Бу иш Одам Атодин ёдгордир.

Носир ХИСРАВ.

БОБОДЕҲҚОНИМ

Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди,
Яктагингнинг энгларидан
Тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Офтоб чиқар,
Офтоб ботар,
Чўғлар сочиб танангга,
Бир кунгина бормаи кўйсанг,
Нима қилар далангга?..
Бир шонача парвоналар
Бўлолмайсан болангга,
Ташнаи нолоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Иш дегани фақат сенга
Чиққанми ё, эй мўмин,
Қора меҳнат йўргагингдан
Юққанми ё, эй мўмин?
Онанг сени пахтазорда
Тукқанми ё, эй мўмин?..

Қадоққўл-товоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Ёруғ юзим,
Кўк ёришиб
Кетгайдир бир жилмайсанг,
Дунёларни оққа ўраб
Қўйганингни билмайсан,
Уйингда ҳам,
Тўйингда ҳам
Пайкалингни ўйлайсан,
Содда дил — иймоним менинг,
Бободехқоним менинг..

Замин аро тирикликни
Бор қилгучи ўзингсан.
Ё гулизор, ё ташнаи
Зор қилгучи ўзингсан,
Оби ҳаёт таратгучи
Буюк сувчи ўзингсан,
Тинчликка посбоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Сен ҳамиша ҳақ томонсан,
Сен ҳақиқат томонсан
Инсон зотин ёруғликка

Етакловчи сорбонсан,
Ўзинг бемор,
Ўзинг табиб,
Ўзинг малҳам, дармонсан,
Бағри кенг осмоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Элим ризқи мудом сенинг
Пешонангнинг терида,
Элим ризқи етилгайдир
Юрагингнинг қўрида,
Савлат тўкиб ўтирганим
Қурултойлар тўрида —
Беқасам чопоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Мен ҳам сенинг тузу нонинг
Ичиб юрган болангман,
Шоирман деб қушдай қўниб,
Учиб юрган болангман,
Ўзинг билан пайкалда сув
Кечиб юрган болангман —
Сенга бу дostonим менинг,
Бободехқоним менинг..

Муҳаммад ЮСУФ,

Ўзбекистон халқ шоири.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIKARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV
Shavkat XAMRAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Shuhrat TESHAYEV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, dekabr №12.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	1
Т.ДОЛНОВ. Қишлоқ хўжалиги – мамлакат дастурхони	2
И.АБДУРАХМОНОВ. Аграр соҳа равнақи — дехқон ва олим ҳамкорлигида	3
И.ҚУРБОНОВ. Дехқон аҳлига камарбастамиз	6
Ш.НОРМУРОДОВ. Эътироф ва ишонч бизга куч бағишлайди	7
М.ТОИРОВ. Дехқон ҳаммаша кадрли	8
Ш.БОБОМУРОДОВ. Ризқ-рўзимиз манбаи	10
Б.РАҲМАТУЛЛАЕВ. Фаровонлик ва тараққиёт пойдевори	12
О.АМАНОВ, Д.ЖУРАЕВ, А.МЕЙЛИЕВ. Ғаллачиликдаги долзарб тадбирлар ..	15
Ҳ.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ. Богбоннинг қишда ҳам иши бор ...	16
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машиналарни авайлаб сақлайлик	17
А.ҚОҲЖОВОВ. Фермер ғалласини биржада сотади	20
М.МУҲАММЕДОВА. Лойиҳанинг самарали ишлари	22
Алоқалар мустаҳкамланмоқда	24
Х.КАРИМОВ. Ўзбекистон ноз-неъматлари экспорти учун очилган эшик	25
Яшил маконлар кенгаймоқда	27
Ветеринария – чорвачилик ривожига камарбаста	28
Агроинновацион тадбирлар – мўл ҳосил гарови	29
Тараққиёт йўлида залворли қадамлар	30
Р.ҚОЗОҚОВ, А.БУТАНБОВЕВ. Фермер Пўлат – ҳаммага ибрат	32
Миёнокнинг дала маликалари	33
У.ҚУРБАНОВ. Иссиқхона хўжалиқларига яна бир қўмақ	34
Х.БАЛТАЕВ. Хусусий мулк дахлсизлиги таъминланди	35
Н.ЎРАЗМАТОВ. Қўрғазмани дала майдонларини ташкил қилиш:	
муаммо ва ечим	38
Д.ТУРАЕВА, С.ЭРҒАШЕВА, П.ИБРАГИМОВ, Б.ЭРҒАШЕВ.	
Австралия намуналари ва маҳаллий навлар иштирокида яратилган	
(F.) янги тизмалар оилаларининг тола сифат кўрсаткичлари	40
С.ЭРҒАШЕВА, Д.ТУРАЕВА, П.ИБРАГИМОВ, Б.ЭРҒАШЕВ.	
Яратилган янги тизмаларда тезпишарлик белгиси билан айрим хўжаликка	
кимматли белгилар орасидаги боғлиқлиги ҳамда вилт касаллиги билан	
зарарланиши	42
Х.БОЗОРОВ. Алмашлаб экиш тизимларида гўза ҳосилдорлигига тақририй	
ва оралик экинларнинг таъсири	44
Х.ИДРИСОВ, Ў.ИБРАГИМОВ, Ш.ХУҲАҚУЛОВ, Ў.МУСИРМОНҚУЛОВ.	
Соянинг селекция кўчатзоридан нав ва тизмаларнинг фенологик кузатув	
натияжалари	46
Ғ.БОҲТО'РАЕВА, И.НОРМУРАТОВ. "Rizamat" navi uzum boshlarini	
qopchalashning g'ujumlar qanddorligiga ta'siri	48
С.АБДУРАМАНОВА. Гилоснинг микропайванд қилинган "Баҳор" навида	
гормонлар таъсирида илдиш тизимининг шаклланиши	50
А.НАСРИТДИНОВ, И.ДЖУРАЕВ, Д.ХОЖИАКБАРОВА.	
Лола пиёзини экиш усули ва уни амалга оширувчи агрегат	52
С.МИСИРОВА. Ўзбекистон шаронтида илк бор аждар меваси (Pitahaya)	
манзарали мевасини ин витро усулда кўпайтириш технологияси	54
А.ЯДГАРОВ, М.САИДОВА. Озиқ-овқат хавфсизлигига гуруч нархининг	
ўсиши таъсир қиладими?	55
М.РАХМАТЛНОВ. Паррандачилик соҳасини ривожлантиришда давлат	
томонидан иқтисодий рағбатлантириш йўллари	57
К.СУЛТОНОВ. Фидойи, раҳбар ва олим	60
З.СОДИҚОВА. Инсонлар қалбидан ўрин олган аллома	61
Оқил устоз ҳақида сўз	62
Дехқон — одам ато қасбдоши	63

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@mail.ru

Telegram: qxjurnal_uz

Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil
11-dekabr. Qog'oz bichimi 70x100
1/16. Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Shartli bosma tabog'i – 5,5. Nashr
bosma tabog'i – 1,31. Buyurtma № 24
Nusxasi 750 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar –
A.TAIROV, B.SANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

Сирдарё–Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

*Юртимизда фидокорона меҳнат
қилаётган аграр соҳа ходимлари,
ирригаторлар, барча юртдошларимизни,*

**8 ДЕКАБРЬ –
БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ
31 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАСИ ҲАМДА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ
КУНИ**




билан муборакбот этади!

*Обод юртимиз янада гўзал, халқимиз турмуши
янада фаровон бўлаверсин!*



Журналларимизга 2024 йил учун обуна давом этмоқда!



АГАР СИЗ «О‘ЗБЕКISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:

- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва
“Матбуот тарқатувчи” АКнинг
жойлардаги бўлимларида,
шунингдек, таҳририятимиз орқали
расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:
«**O‘zbekiston qishloq
va suv xo‘jaligi**» – 895
«**Agro ilm**» – 859